



БАҲОДИР ЗУҚУРОВ

ОФИЦЕРЛАР ДИНАСТИЯСИ

ЗУХУР ОТА АВЛОДИНИНГ ҲАЁТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



929.52:355(575.1)

3-99 | 2018/54

4616

Зухров, Б.

Питание

и

Б

2018/54
4616

БАҲОДИР ЗУҲУРОВ

ОФИЦЕРЛАР ДИНАСТИЯСИ

*авлодимиздан чиққан жангчилар,
офицерлар ва юристлар ҳақида
китоб*



ТОШКЕНТ
«ABU MATBU'OT-KONSALT»
2017

929,32.195(545.1) - Юшқинлар
Эркинлик Ҳаракати

УУК: 355.094.3(575.1)(092)

КБК: 68.49(5У)23г

399

Зухуров, Баҳоқдир

Офицерлар династияси (авлодимиздан чиққан жангчилар, офицерлар ва юристлар ҳақида китоб) авлодлар тарихи: Зухуров Б.Б. –Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти. 2017. 408 б.

УУК355 094 3(575.1)(092)

КБК 68 49(5У)23г

Тақризчилар:

Рустам Султанов – Ўзбекистон “VETERAN” Жангчи фахрий ва ногиронлари

Бирлашмаси Тошкент шаҳар кенгаши Раиси, истеъфодаги Полковник

Худойберди Тухтабоев – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати

Туроб Жумаев – Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, география фанлари доктори, профессор

Мират Уринбоевич Гулямов – Тошкент Давлат Юридик университети, юридик фанлар номзоди, доцент

Илҳам Зойиров – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Нигора Усмонова – адиба-ёзувчи

Улугбек Ҳамдам – ёзувчи-шоир, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МУАЛЛИФ БАҲОҚДИР ЗУҲУРОВ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органида берилган давлат хизмати мартаба даражаси унвони 2-даражадаги юрист.

Ўзбекистон Ички ишлар Вазирлиги Давлат хизмати нафақасидаги офицери, унвони Майор.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида берилган Давлат хизмати мартаба унвони 3-даражали Адлия маслаҳатчиси.

Ўзбекистон Мудофаа Вазирлиги ҳарбий захираси офицери, ҳарбий унвони Майор.

«Офицерлар династияси» номли китоб Ватан ва юрт ҳимоячилари бўлган ўзбек офицерларидан Зухур ота ва Камбар ота аждодлари ва уларнинг авлодларидан етишиб чиққан ҳозирги кундаги ҳарбий офицерлар ҳақида бўлиб, уларнинг юртимиз равнақи учун қилган фидойий хизматлари ёритилган.

Шунингдек, ушбу тарихий китобда муаллифнинг она авлоди томонидан яшаб ўтган тарихий шахслар Отабек Додхо, Тошкент тарихисаги улуг тарбияли мингбошилар, ситойишлар, миришаблар яъни қадимги офицерларнинг номлари ёд олинган.


Муаллиф Иккиги Жаҳон урушида қатнашган бир қатор жангчи қаҳрамонларнинг ҳам номларини ёд олиб хотирлаган.

Ушбу мемуарни ёзишдан мақсад, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга, аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўлини ёш авлодга келажак учун маънавий мерос қилиб қолдиришдир.

ISBN 978-9943-4997-1-3

©«ABU MATBUOT-KONSALT», 2017 й.

2018/54
46/16
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



*Үк отар булсак,
у бизмас мутлақо,
Биз – камонмиз,
уқни отувчи Худо.
Жалолиддин Румий*

*Зиддият сулҳ этса,
ҳосилдир хаёт,
Зиддият жанг этса,
маҳсулдир мамот.
Ҳикматлардан*



**ПОЛКОВНИК Богир Зухурович ўз устозларидан бири
ГЕНЕРАЛ-МАЙОР Ғофуржон Раҳимович Раҳимов билан.**

УСТОЗЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК!!!

Баҳодир Зухуров уз ҳаётида эришган ютуқларига Оллоҳга шуқур этиб, барчаси Роббимнинг марҳамати деб, ҳамда Ота-Онасининг бир умр ҳалол меҳнати, ҳамда улар берган тарбияси маҳсули деб билади.

Давлат хизматида барча эришган ютуқларига Оллоҳга шуқур қилиб, хизмат фаолияти мобайнида Вазир, Бош раҳбар, бошлиғи, мураббий, устози бўлган инсонлар сабабчи деб тан олган

Ички ишлар Давлат хизматида:

ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК ЗОКИРЖОН АКА АЛМАТОВга, ГЕНЕРАЛ-лейтенант БАҲОДИР АҲМЕДОВИЧ МАТЛЮБОВга, ГЕНЕРАЛ-МАЙОР ҒАФУРЖОН РАҲИМОВИЧ РАҲИМОВга тан сихатлик, узок умр тилайди ва улардан бир умр миннатдорлигини билдиради.

ПОЛКОВНИК Эркин ака Алматов уз ҳаёти ва Давлат хизмати тажрибасидан бебаҳо маслаҳатларини аямасдан, йул курсатган раҳнамо инсон бўлганликлари сабабли, улардан офицер сифатида миннатдорлигини билдиради.

ПОЛКОВНИК Ўткир Фармонович Жураевга узок умр тилайди ва миннатдорчилик билдиради.

ГЕНЕРАЛ Носир Аҳадович Исмоиловдан қул яхшилиқлар қурганлиги учун, улардан офицер сифатида миннатдор бўлиб, Давлатта хизмат йулидаги уз офицерлик ҳаётида уларнинг урни ва қушган ҳиссаси катта деб ҳисоблайди!!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимида қул йиллар мобайнида ишлаган, олим, зиёкор, доно инсон Зухриддин ака Хусниддинов уз ҳаёти тажрибасидан шахсан маънавий ва амалий маслаҳатлар берганлиги учун бир умр миннатдорлигини билдиради.

Прокуратура органида ишлаган фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори бўлган Буритош ака Мустафоевдан, Усмон Чинозович Худойкуловдан, қул йиллар давомида Тошкент вилояти Прокурори бўлган ГЕНЕРАЛ Маннонов

Абдурашид Муталовичдан ва барчалари раҳбарлик қилган хизмат давридан уз миннатдорлигини билдиради.

Ушбу китобни ёзиш ҳақида маслаҳат берган Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Фахрийлар кенгаши раиси Генерал **Ботир Хамзаевич Колоновга** узок умр ва миннатдорчилик билдиради.

Тошкент шаҳар прокурори уринбосари, Тошкент вилояти прокурори булиб ишлаган, ҳамда Фарғона ва бошқа вилоятларда раҳбар лавозимларда ишлаган қувасойлик Орифжон ака Холматовга тарбия бериб, қўллаб-қувватлагани учун раҳмат деб, узок умр тилайди, ҳамда Прокуратура органи тизимида раҳбар лавозимларда ишлаб келаётган **Фарҳод ака Зуфаровга** уз акаҳонлик маслаҳатларини аямасдан, уз даврида қўллаб-қувватлаганлиги учун узок умр тилайди ва ундан миннатдорлигини билдиради.



ОФИЦЕРДАН МИННАТДОРЧИЛИК

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Транспорт “НАҚЛИЁТ” Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи бўлган **ГЕНЕРАЛ Носир Аҳадович Исмоилов**, мазкур лавозимда вақтинча бошлиқ вазифасини кўп йил бажарган **ПОЛКОВНИК Аҳмадали Мирзаназарович Худайназаров**. Бошқармамиз бошлиғи лавозимида кўп йил ишлаган **ПОЛКОВНИК Рамзиддин Хафизович Гафаров** каби ҳамма раҳбарларимиздан бизни халқимиз учун кўрсатган барча хизматларимизни адолатли баҳолаб, ўз вақтида доим тақдирлаганлари учун офицер тарикасида миннатдормиз.

Ҳозирги кунда Транспорт ИИБнинг бошлиғи, ҳурматли ҳамкасб укамиз **Ҳамдамжон Қаршневдан** Ватан учун, Бошқармамиз учун, Бошқармамиз шахсий таркиби ва тергов хизмати учун қилган барча меҳнатидан, раҳбарлик хизматларидан биз офицер собиқ терговчилар бир умр миннатдормиз.

Рамзиддин Хафизович бошчилигида, Акбар Холматович, Ильхом ака Хилватов ҳамда Бошқарма шахсий таркиби иштирокида, ҳамкасб сафдош укамиз **Музаффаржон Асқаров** ташаббуси билан мени Ватан ҳимоясидаги ҳалол меҳнатларимни, юргимиз ва халқимиз учун кўрсатган барча хизматларимни адолатли баҳолаб, эҳтиром кўрсатиб, офицерлик орномусимни, ориятимни ҳурмат қилганлигини, Давлат ҳарбий хизматидан нафақага кузатиш офицерлик тадбирини ўтказиб, кузатганлари учун миннатдорман, бир умр унутмайман!!!

Шунингдек, ўша даврда Бошқарма раҳбарияти вакиллари Полковник Шоқир Тоҳирович Икромов, Анвар Эркинович Икромов, Полковник Акбар Холматович Жалилов, Полковник Ильхом ака Хилватов, Полковник Абдурахмон Тилланазарович Баҳромов, Подполковник Умар ака Бердиёров, Зафар ака Оллоберганов, Полковник Раҳматжон ака Жураев, Подполковник Ҳаким ака Юнусов, Қосим Хайитмуродович Сатторов, Камо-

лиддин Шамсутдинович Андамуродов ва Сапарбоев Фахриддин Янгибоевич каби офицерлар кўпчиликлари Мураббий ва Устозлик қилишди.

Улар кўп йил ишлаган, катта тажрибали ҳамда ўз шахсий сифатлари билан биз ёш офицерларга намуна ҳам урناк бўлишган, ҳар биримизни ҳарбий Давлат хизматимиздаги офицерлик ҳаётимиз йулида, усиб унишимизда уларни ҳиссаси катта, юксак урни бор деб, шахсан ҳисоблайман!

Баҳоидир Зухуров



ЎЗБЕГИМ ҚАҲРАМОНИДАН – ЎЗБЕК ОФИЦЕРИГА АБАДИЙ ЭҲТИРОМ!!!

ПОЛКОВНИК Ботир Зухуров аслида таниқли ўзбек жангчи офицерлари сулоласининг муносиб фарзанди бўлиб, мазкур сулоланинг турли органларда ишлаган ва ҳозир ҳам ишлаётган ходимлари. 70 тадан ортиқ офицер уғлонларидан биридир.

Отам сулоламизда барчамизнинг меҳрибон оксоколи. уруғ аймоқлар. аждодо авлодимизнинг раҳнамосидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан эъзалик-табриғи тариқасида ҳурмат қилиб, айнан халқ химоячиларининг энг обрўлиларидан бири, Ўзбек офицери отамиз ПОЛКОВНИК Ботир Зухуровичнинг 55 ёшлиқ таваллуд айёми кунига бағишлаб 2002 йил 31 январь кунини ёзилган шеър:

*Ботирдек – ботир отамиз
Айёмингиз муборак,
Табирруксиз, бебаҳосиз,
Тугилган кун муборак,
Бахтимизга, аҳдимизга
Доим биз билан бўлинг,
Оиламиз – султони тахт
бошимиз сиз бўлинг,
Азиз дустлар ният қилиб
Келинг фойзи оқшомга,
Баҳодирдек – азиз фарзандлар
Таклиф этар меҳмонга!!!*

Эркин Воҳидов

**ЎЗБЕКИСТОН
"VETERAN"
JANGCHI FAXRIY
VA NOGIRONLARI
BIRLASHMASI TOSHKENT
SHAHAR BO'LIMI**

700100, Toshkent sh.
Navoiy ko'chasi 40* o'y
r/s 2012090446628AN001 va HKU «Iltijonmatyur» faktual 4 Toshkent MFU 00878 IJIN 206940138



Тел.: 230-51-96

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОРОДСКОЙ
ОТДЕЛ ОБЪЕДИНЕНИЯ
"VETERAN"
ВОИНОВ-ВETERАНОВ
И ИНИЦИАТИВ
УЗБЕКИСТАНА**

700100, г. Ташкент
Улица Навои 40*

№ 117

№ 117 2017г.


Офицер Б.Б.Зухуров муаллифлигида ёзилган
"Офицерлар династияси" номли китобни тақриздан
ўтказувчи нашриёт ва чоп этадиган босмахонага

ТАВСИЯНОМА

Ўзбекистон Жангчилар Ветеранлар Бирлашмаси томонидан муаллиф Б.Зухуровнинг "Офицерлар династияси" номли сарлавхадаги ҳарбийлар авлоди тарихи ҳақидаги мазмундан иборат китоб қўлёзмаси бизга тақдим этилди, бир гуруҳ фахрийлар томонидан танишиб, урганиб, муҳокама қилиб, ушбу китобнинг маърифий, маънавий ва тарихий аҳамияти борлигига амин бўлдик.

Муаллиф, Ички ишлар хизмати фахрий ветерани, истеъфодаги майор Баходир Зухуров Ўзбекистон "VETERAN" Жангчи фахрий ва жанговор ҳаракатлар ногиронлари Бирлашмаси аъзоси бўлганлиги, муқаддам ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг масъул ходими сафидалигида юртимизда терроризмга курашаётган органлар билан биргаликда бир гуруҳ жиноятчиларни фош қилиб, амалга ошириши мумкин бўлган портлашларнинг олдини олишдаги фидойи ишларини инobatга олганлигимиз асосида, ҳамда Б.Зухуров авлодида жами 4 нафар Уруш қатнашчилари, жангчи фахрийлар борлиги, ҳамда бу авлод сўлоласида давлат ҳарбий ва ички ишлар органларида фидойи бўлиб хизмат қилган офицерлар кўпчилигини ташкил этганлиги асосида, ушбу рисола китобни юртимиздаги фаолият юритаётган нашриётлар томонидан нуриб чиқилиб, тақриздан ўтиши ва босмахонада чоп этилишини қўллаб қувватлаймиз.

Ҳозирги кун долзарб мавзуси Жангчи ва Ҳарбий Ветеранларни жамияти-мизда фаоллигини ошириш ва юртимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсати бўлган давлат тамойилларидан бири, бу ёшларимизни ватанпарвар руҳда, калқ ҳимоясига, ватан ҳимоясига етук холда тайёрлашда тарбиявий аҳамияти бор деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон "VETERAN" Жангчи фахрий ва ногиронлари
Бирлашмаси Тошкент шаҳри Жангчи Раиси
истеъфодаги полковник  Султанов

ТАВСИЯНОМА

Баҳодир Зухуровнинг «Офицерлар династияси» номли кулёмасини ҳавас билан уқиб чиқдим.

Утмишни эсламоқ савобдир, айниқса, утмишда яшаб халқ учун, маънавият учун хизмат қилган фидоий инсонларни эсламоқ икки марталаб савобдир.

Халқ донишнинг сузини, ботир қаҳрамонлигини унутмайди. Узидан яхши ном қолдирган, яхши фарзандларни тарбиялаб кетган инсонлар бу жамиятимизда қуплаб булган.

Майли маънавий-маърифий дунёдадир, ҳуқуқий оламдадир, боғбон булгандир, тадбиркор булгандир, ана шуларнинг яхши ишларини эслаб хотиралар ёзмоқ, асарлар ёзмоқ ёшлар тарбиясида муҳим рол уйнайди.

Укамиз Баҳодир Зухуров уз отаси Ботир Зухуров, катта отаси Зухур хожи отани, Қамбар отани эслаб хотира ёзибди, табриклаш керак. Яшаб утганларнинг ҳаётдаги гузал ишлари ёшларга мактаб бўлади.

Бобосини ҳурмат қилган авлод набирасидан эъзоз куради деган ҳикмат бор! Укамиз худди шу маънода боболаридан қолган хайрли ишларни эслаб, имкони даражасида гузалроқ ёзишга ҳаракат қилибди.

Бундай кишилар: Ботир Зухуров, Зухур хожи ота, Қамбар ота ва бошқалар ҳақида кўп асарлар ёзишимиз керак. Уларнинг ҳар бир сўзи ҳикмат, ҳар бир ҳаракати намунадир.

Бу нарса ёшларга ҳам намуна, ҳам мактаб бўлиши керак.

Афсуски бизнинг адабиётимизда хотира мемуарларни ёзиш унча ривожланмади. Ботир Зухуров, Зухур хожи ота Қамбар оталар ҳақида янаям катта асарлар ёзилса арзийди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати

Худойберди Тўхтабоев  01.11.2017

МУКАДДИМА

Офицер Баходир Зухуров – ҳарбий инсонлар, яъни офицерлар ориятли, диёнатли, ғурури бор инсонлар эканлиги, офицерлар ватани учун садоқатли, мардонавор одамлар эканлиги ҳақида уз фикрларини баён қилган.

Офицер Полковник Ботир Зухурович уз оиласида ҳамда оталари раҳматли Зухур хожи ота авлодида ва оналари раҳматли Ортиқжон катта ойи авлодларида элга ҳалол хизмат қилган ҳарбий жангчи офицер ва юрист инсонлар ҳаётини ибрат намунаси сифатида ушбу китобида ёритган.

Шунингдек, Баходир Зухуровнинг онаси Зумрад ойининг оталари раҳматли Қамбар ота ва оналари Саломат она авлодларида орган ходимлари, офицер-жангчилар ва юристлар куплиги сабабли уларни хотирлаш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Зумрад онанинг аждодида ва авлодида элга таниқли, тарихий машҳур инсонлар куплиги сабабли, жумладан сахий ва саховатли раҳматли Хожиматбой ва Расулбой оталар, элимизда машҳур булган “Утган кунлар” романидаги (шу роман асосида суратга олинган фильмнинг) асосий қаҳрамонлардан бири Отабекнинг реал ҳаётдаги авлоди Зумрад она авлодига қавми қариндошлиги баён қилинган.

Уруш фахрий-жангчиларини хотирлаб ёд олиш, собиқ иттифоқ даврида, Юртимиз Мустақиллигига қадар, Мустақилликка эришилаётган жараёнда ва Мустақиллик даврида Ватан ва халқимизни ҳимоя қилган ўзбек офицерлари номларини эслаш – бу миллий қадриятимиз.

Юртимиз иқтисодий-молиявий тизимининг Давлат ва халқ бойлиқларини жиной тўдалардан ҳимоя қилган қонун ҳимоячиларини эслаб қадрлаш – бу ҳарбий маънавиятимиз.

Қонун посбонларининг фидойи ютуқларини эслаб, элимиз эътиборига ҳавола қилиш – бу келажак ёшларимизга сабоқ берувчи ҳуқуқий маданиятимиз.

Халқимизни уз ичидан чиққан миллий қаҳрамонларини таниб билиши, унутмаслиги – бу утмишимиз тарихига ҳурмат ва келажакдаги булажак кучли жасоратларимизга пойдевор булади.

Хотира ҳақида тухталишимиз жоиз, чунки инсон тақдирида ўтмишсиз келажак булмас, ҳар бир инсон ҳаётга меҳмон булиб келиб, дунёда яшаб, ўқиб, ишлаб, унинг ҳаёти ақлий ёхуд жисмоний меҳнатда ўтади, яъни инсонлар тақдири бу дунёда ҳар хил ўтади, ҳар ким ҳаётда ўзидан турлича ном ва из қолдиради.

Одамзод ҳаёти, ўтмиши ҳаминша хотираланади, тарих ёдга олинар ҳамда бу ҳаётда ҳар инсон умри, тақдири ҳақида хотира қолади, инсон утгач ана шу тарихий, ҳаётий хотиралар ичра одамзод абадул абад яшайверади, жамиятда абадий эсланиб қолаверади, асрлар мобайнида халқ хотирасида муҳрланиб қолади ва ёдга олинаверади.

Одам бош миясини эслаш қобилияти ҳам “хотира” деб аталади, ҳар кимда хотирлаш-эслаш хусусияти ҳар хил булади, бироқ жуда кучли хотирага эга инсонлар бор, улар бошқалардан оммадан, айнан шу жиҳати, хусусияти ва қобилияти билан ажралиб туради.

Кучли хотира эгаси, шу каби феноменал кучли хотира соҳиблари жамиятимизда илгаридан жуда кам учрайди.

Дунёнинг машҳур олимлари фикри, хулосасига кура кучли хотирлаш, эслаш қобилияти бор одамлар, айнан аждоду авлодида ўтмишда буюк инсонлар булганлигининг далили деб эътироф этилган, мисол учун худди авлиё, ҳадисшунос Хожаназар Ҳувайдонинг авлоди каби генетик исботланган, яъни доно уламолар, донишмандлар утганлигини билдиради, авлод қонида борлиги ирсият генетик жиҳатдан далолат беради деб, белгиланган, ҳамда қадимда КуртҚуброт, Қобус, Кайковус, Кай Қубот, Каб ибн Зухайр, Зухайр ибн Абу Сулма, Саллар ибн Язид, Язид ибн Аҳмад, ал-Муизз Лидиниллаҳ, Шарафиддин Яздий, Суқрот, Афлотун, Арасту, Геродот, Абу Али ибн Сино, Чарльз Дарвинлар томонидан хулоса қилинган.

ҚИСМАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Бу китобимдан ташқари бизнинг авлод ҳақида юртимизда расмий рузнома, журналларда жуда кўплаб мақола, хикоялар чиқарилган ва китоблар чоп этилган, яъни барча ҳолатлару ҳодиса, воқеалар тафсилоти тулиқ ёритилган ҳолда, шулардан баъзилари ҳақида тухталамиз, жумладан:

1989 йилда Москва шаҳридаги собиқ иттифоқ ИИВга қарашли “Советская милиция” номли журналнинг 9-сонида ҳозирги МДХ миқёсидаги расмий машҳур матбуот саҳифаларида, жумладан, махсус мухбир-журналисти В.Таранченков томонидан “Под Ташкентом в кишлаке” сарлавҳали мақолада отам Ботир Зухуровнинг фаолиятига ижобий баҳо бериб, кенг ёритилган.

“Инсон ва қонун” номли рузноманинг 1996 йил 12 ноябрь сонида махсус мухбир А.Маннопов томонидан бизнинг оиламиз – орган ходимлари оиласи ҳақида мақола чоп этилган.

2001 йилда “Шарқ” нашриётида чоп этилган “САНАМ” журналининг 9-сонида журналист Ш.Солиева томонидан ёзилган “Давр билан ҳамнафас аёл” сарлавҳали мақолада онамиз авлоди ҳақида батафсил ёритилган.

2002 йилда ЎзР ИИВ «Ўқит»-«Қалқон» номли журналининг 4-сонида эълон қилинган журналист И.Сайфутдинованинг «Разговор по душам» сарлавҳали хикоясида, бизнинг оиламиз ҳақида сўз юритилган.

2009 йилда «MERIYUS» нашриёти томонидан нашр этилган «Юрагимга яқин кишилар» номли китобда ёзувчи Ш.Поира Шамшиева кўп манбаларга асосланган ҳолда онамиз авлоди ҳақида ёзган.

2015 йилда «Ҳилол-Нашр» нашриёти томонидан нашр этилган тарихчи А.Абдураззоқовнинг “Тахта кўприқдан Сирғалигача” номли тарихий китобида отам ва онам авлодлари ҳамда бизнинг сулоламиз – офицерлар оиласи ҳақида ва шахсан мен ҳақимда батафсил маълумотлар келтирилган.


1992 йилда “Уқитувчи” нашриёти томонидан чоп этилган муаллиф Абдулла Исмаиловнинг “Комиссар милиции” китобида собиқ совет даври ва илк мустақиллик йилларида узбек офицерларининг курсатган фидойлик ва жасурликлари ҳақида баён этилган.

1992 йилда “Ўзбекистон” нашриётида нашрдан чиқарилган “Халқ хизматида 75 йил” номли оммага тақдим этилган, ажойиб мазмундаги маънавий мерос булган генерал-майор Ғ.Р.Раҳимовнинг китобида офицерлар ҳақида батафсил ёзилган.

2006 йилда офицерлар А.Даминов ва Н.Рафиқовлар узларининг “30 йил эл осойишталиги йулида” номли китобида бу давр воқеаларидан бир қисми ҳақида батафсил ёзиб нашрдан чиқаришган ва оммага тақдим этишган.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Баҳодир Аҳмедович Матлюбовнинг умумий таҳрири остида нашр этилган “Осойишталикка бахшида умр” китобида Ғ.Р.Раҳимов ва унинг барча шогирдлари ва офицерлар ҳаёти ҳақида ёритилган.

Шунингдек, китобни ёзишда Давлат Архиви ҳужжатлари, аждодларимизнинг қадимги шажараси, авлод қариялари берган шарҳлар ва давлат хизмати ҳарбий ветеранлари билан утказилган суҳбат мазмуни ҳамда матнidan, авлодни таниган инсонлар берган биографик таърифлардан, аждодимиз ҳамда авлодимизга тегишли шахсий маълумот архив манбаларидан, рўзномалар, журналлар, китоблар ва фото суратлар, видео тасвир манбаларидан қисман фойдаланилди.



*Бу дунёда ҳар бир мумин-муслмон учун
унинг уз ота-онаси, ким булишидан қатъий назар,
авлиё ва муқаддасдир!!!*

ҚАДРЛИ АВЛОДИМ!

Сен ҳам қайси авлод вакили эканлигингни унутма! Сен ҳам фахрланишга арзийдиган, халқ ишончини оқлаган авлод вакилисан. Сенинг конингда улуғ аждодларинг, жасур офицерлар хислати жуш уриб турибди.

Оллоҳим берган бу муборак умрда улуғ аждодларимизни хотиралаб, руҳи покларини ёдга олишдек савоб ишни уғлим МУҲАММАДБОБИР билан бирга амалга оширдик.

Кум кук фалақда учаётган лочин ёхуд баланд бегубор осмонда парвоз қилаётган бургут фазони суймаса у бургут ёки лочин эмасдир, уз Ватанини севмаган йигит, у йигит эмасдир, Ватанига элига фидойи бўлмаган ва юртига хизмат қилмаган эркак — ҳақиқий эркак деган номга муносиб эмасдир!!!

Мазкур КИТОБ биздан келажак авлодга албатта муносиб ёдгорлик булади, деган умид билан сулоламиз ёшларини маънавий бойлигини оширишга уз хиссасини қушади деб уйлайман.

Элга ҳалол хизмат қилган, халқни ҳимоя қилган таниқли мардонавор офицерлар сулоласининг бир вакили сифатида уз сулолам ҳақида ҳам хотиралар айтишни лозим топдим.

Утмиш тарихида бизнинг сулоламиз улуғ аждоди офицерлари Ватан учун қилган фидойилиги, аждодимиздан чиққан эркаклардан йигит зоти тақдирида қилган тенги йуқ мард ишларини эслаб ва ҳозирги кунда бизнинг авлод ёш офицерларидан баъзиларининг уз халқи учун қилган фидойи ишлари ҳақидаги маълумотларни ушбу китобимизда жам қилдик.

Китобда одамзод тақдиридаги хотираларни ёритишдан ҳамда тарихий-ҳаётий реал аниқ воқеаларни эслашдан мақсадимиз, бу Узбек миллатимиз тарихини қадрлаб, ўз йигитлик ва эркаклик ориятини сақлаган буюк аждодларимизни хотиралаш, улар билан фахрланиш ва тирикларини қадрлашдир.

Гурур ва илтифотли сулоламиз аجدодларининг аслзода қондош вакиллари яшаб утган қуп асрлик ўтмишидан ҳозирги ёшлар, фарзандлар сабоқ, ўрнак олишни таъкидлаб қоламан.

Офицерларнинг фарзандлари ўз отаси – ҳарбий инсон билан фахрланиб вояга етган болалардир.

Шахсан мен каби, офицер фарзандининг, асосан, қупчилик қисми ҳарбий интизомда усганлигини таъкидламоқчиман. Улар ҳарбий орийат ва диёнат билан тарбияда усган йигитлар булади, улар тарбиясида ёшлиқдан юртига садокат, ўз касбига фидойилик фазилати, ҳарбий гурур, офицер ор номуси, офицер эътиқоди офицер фарзандларида болалиқдан мавжуд булади, яъни генетик код сингари олдиндан ирсиятида, онгида мужассам булади.

Ҳарбий инсон – офицер ўз диёнати, орийати, ҳарбий интизоми ва жанговор тарбияси, ҳарбий маданияти, ҳарбий касби ва ҳарбий либоси билан, энг асосийси, ор-номуси билан у офицердир!!!

Тарихда орийати бор ҳақиқий мард эркаклар ўз ор-номусини ҳимоя қилиб, секундантлар гувоҳлигида дуэлларда ўз қуроллари билан бир-бирига ук отгани рост ва бунга мисоллар қуплаб топилади.

Ўз ҳарбий либоси билан, ўз касби билан ҳар бир офицер инсон фахрланиши шарт, у хоҳ ҳарбий хизмат сафидаги офицерми, хоҳ истеъфодаги офицерми бари бир, бунинг фарқи йук, у елкасида пағони ва юлдузи бор инсондир, абадий офицерлигича қолишини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Қуп йил юртимиз Ҳукумати сиёсатининг ҳуқуқий Давлат қуриш мақсади йулида ишлаб, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ўз хиссасини қушган сулола авлоди вакили сифатида, Ички ишлар Тергов хизматидан эҳтиром билан, тантанавор тадбир ўтказилиши мавқеи билан, миллий ўзбек либоси кийдирилишига сазовор бўлиб, нафақага қузатилган офицерман.

Шахсан мен ўз касбимдан фахрли ҳурмат қурдим, Яратганга беҳисоб шуқурлар бўлсин!

**ОТА – ОНАМГА ЛАЪНАТ КЕЛТИРМАГАНИМДАН
БАХТИЁРМАН ВА УСТОЗЛАРИМГА ГАП ТЕГДИРМАГАНИМ,
УЯЛТИРМАГАНИМ УЧУН ЮЗИМ ЁРУГ, БУНГА ЯНА ШИҢГ КАРРА
ШУКУР ҚИЛАМАН!!!**

Ер юзида одамзод пайдо булганидан бери қанча қабиләу уруғлар, элату миллатлар, буюк салтанатлару сулолалар давр сургани ҳаммамизга маълум, бироқ баъзи миллатлар мутлақо йуқ бўлиб кетганганига тарих далолат бермоқда.

Миллат уз тили, уз маънавияти, уз маданияти, уз миллий анъанаси, уз урф-одати, уз миллий либоси билан, асосан, уз тарихи билан буткул тирикдир, деб ҳисоблайман.

Ўзбек миллатим қадимдан уз буюк тарихи, жанговор ҳарбий кушинлари қудрати, улуғ саркардалари, қурқмас ботир жангчи-қаҳрамонлари, сипойиҳ ва зобитлари билан машҳур булганлиги умумбашариятга танилган ҳамда бутун жаҳонга таърифланган. Миллатимиз уз азалий урф-одати, анъанаю удумлари, миллий қадриятлари, маданияти ва миллий либослари билан абадий борлиққа юз тутиб, буюк келажакка қадам ташлаганига минглаб йиллар булганига қувонамиз.

Ўз тарихини, тилини ва урф-одатини йуқотган миллат ва Давлат маънавий-маърифий келажакги йуқ булиши муқаррардир.

Тарихини, урф-одатини билмаган эллат, аждодларини ёдга олмаган авлод, боболари утмишини хотираламаган ва уз аждод шаъжарасини билмаган сулола маънавий тубанликка мубтало бўлиб, уз эътиқодидан йироқлашади.

Инсон умрини боқий қиладиган икки нарса бор. Бири унинг яхшиликлари булса, иккинчиси унинг фарзандларидир:

Ота-она беҳад булади хурсанд,

Зурёдлари булолса муносиб фарзанд.

Эл учун тер тукса, агар одамизод,

Бир умр эл ичра номи қолар ёд.

ОФИЦЕР КУНДАЛИК ДАФТАРИДАН САТРАЛАР

БУ ДУНЁДА МАШАҚҚАТСИЗ ХУНАР БЎЛМАС!!!

УМР ҚИСҚА,
МАНСАБ ВАҚТИНЧА,
БУ ҲАЁТ НАШИДАСИ ШИРИН,
АММО ОФИЦЕРНИНГ УНВОНИ АБАДИЙ ҚОЛАДИ,
УНВОНИ УНГА УЗ ҲАЁТИДА БЕРИЛГАН БИР УМРЛИК -
АБАДИЙ МАҚОМДИР!!!

ОТА КАСБ – БУ МУҚАДДАС КАСБ, МЕН ШУ КАСБНИ ЭГАЛ-
ЛАБ, ОТА МЕРОС КАСБ, ҲАРБИЙ ЛИБОСНИН ИКИЙИБ
ОТАМНИНГ ЖАНГОВОР ҚУРОЛИНИ ҚЎЛИМГА ОЛИБ,
ОТАМНИНГ УЛУҒВОР ИШИНИ УЗ ҲАЛОЛ МЕХНАТИМ
БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
ҚУРАШДА УЗ ХИССАМНИ ҚУШДИМ.
МЕННИНГ УЗ ТАҚДИРИМДАН АРМОНИМ ЙУҚ!!!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИ-
ГИДА ҲАР БИР ИШЛАГАН ЁКИ ИШЛАЁТГАН ОФИЦЕРНИ
УЗ УРНИ, УЗ ҲУРМАТИ ДАРАЖАСИДА ОБРУСИ БОР, ШУ-
ЛАР ЖУМЛАСИДАН ОТАМИЗ ПОЛКОВНИК БОТИР
ЗУҲУРОВИЧ ҲАМ, УЗ ОБРУСИ, ҲАЛОЛ МЕХНАТИ БИЛАН
ВАЗИРЛИКНИНГ КЎПГИНА ОБРУЛИК ОФИЦЕРЛАРИ ҚА-
ТОРИДА, УЛАР БИЛАН БИР САФДА ЕЛҚАДОШ, ҲАМНА-
ФАС, ҲАМДАРД, ҲАМЖИҲАТ БУЛИБ ИШЛАГАН.

ЎСЛАТИБ УТАМАНКИ, ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ОРГАН ХО-
ДИМЛАРИ, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, ЖАМИКИ ОФИЦЕР-
ЛАР ФАРЗАНДАРИНИНГ, ЯЪНИ БИЗЛАРИНИНГ БАХТЛИ
ОСОЙИШТА БОЛАЛИГИМИЗНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ФАРО-
ВОН КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЯРАТИШ ОФИЦЕР ОТАЛАРИМИЗ-
ГА ОСОН БЎЛМАГАН!!!

БУЮК ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК УНВОН СОҲИБИ, КУМОН-
ДОН ВАЗИРИМИЗ ХИЗМАТ ҚЎЛ ОСТИДА ИШЛАГАНИМ-
ДАН ШАХСАН МЕН БАХТИЁРМАН!

ЭЙ ФАРЗАНДЛАР!!!

УГИЛМИСАН, ҚИЗИМИСАН, БИРИНГ ЯХШИДИРСАН ЁХУД ЁМОНДУРСАН ШУНИ БИЛИБ ҚЎЙГИНКИ:

ОТАНГ ЕЛКАСИДАГИ ПАГОНЛАРИ УЗРА ЯЛТИРАБ ТУРГАН ЮЛДУЗЛАР ПАДАРУ БУЗРУКВОРИНГ ЕЛКАСИГА ОСМОНУ-ФАЛАКДАН ТУШМАГАН.

ПАДАРИНГ КАСБИКОРИ, МАНСАБИ ВА УНВОНИГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШМАГАН.

ОФИЦЕР БУЛМОҚ ҲАР КИМГА ҲАМ НАСИБ ҚИЛМАЙДИ. ОФИЦЕР ЛИБОСИ ҲАММАГА ҲАМ ЯРАШАВЕРМАЙДИ ВА УНИ КИЙИШ ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ҚИЛАВЕРМАЙДИ.

ҚАНЧА ИНСОНЛАРИНГ ДИЛИДА ОФИЦЕР БУЛИШ ҲАВАСИ БОР, БИРОҚ ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙИШ ҲАЁТДА МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР УЧУН ТАҚДИРИДА УШАЛМАГАН ОРЗУ БЎЛИБ ҚОЛИБ КЕТГАН!!!

ҲАР БИР ОФИЦЕРНИНГ ЎЗ МЕҲНАТИГА ЯРАША НАСИБ ҚИЛГАН ЎЗ УНВОНИ БОР.

ГЕНЕРАЛ УСТОЗЛАРИМ РАҲБАРЛИГИ ДАВРИДА ТАРБИЯ ОЛИБ ФАХРЛИ КАСБГА ЭГА БЎЛИБ, ИЗЗАТ-ЭҲТИРОМ ТОПДИМ!

МЕН УСТОЗЛАРИМ ВА ПОЛКОВНИК УНВОНЛИ ОФИЦЕР ОТАМ БИЛАН БИР УМР ФАХРЛАНИБ ЯШАЙМАН!!!

ТАНГРИМДАН СУРАБ, КЕЛАЖАКДА ЁШЛАРИМИЗ ОРНОМУСЛИ, ДИЁНАТЛИ ВА ОРИЯТЛИ БУЛИШСИН ДЕЙМАН, КЕЛГУСИДА ЯНАДА ФИДОИЙ МАРД БУЛИШНИНИ ТИЛАЙМАН.

ОФИЦЕРЛАР ФАРЗАНДЛАРИ ШУ ГАПЛАРИМИНИ ЁДИНГДА ТУТ!

ОТА ЁКИ ОНАНИНГ АСЛО ЁМОНИ БЎЛМАС ҲЕЧ БУ ДУНЁДА, АКСИНЧА, ЯХШИ ФАРЗАНДЛАР ЁХУД ЁМОН ФАРЗАНДЛАР БОР БУ ҲАЁТДА!!!

УЗ ЖОНИ ВА ҲАЁТИНИ ОЛЛОҲГА ТАВАККАЛ ҚИЛИБ,
ҲАЁТ ДОВУЛЛАРИГА БАРДОШ БЕРИБ, УМР ЙЎЛИДА ЁВ
БИЛАН ОЛИШИБ, ХАВФ-ХАТАР, ХУЖУМЛАР ИЧРА
ТАҲЛИКА ЧИГИРИГИДАН УТИБ, ТАҚДИР СУҚМОГИДА
СУВ КЕЧИБ, УТ-ОЛОВГА КИРИБ, ҚИСМАТ СИНОВИДА
ТОҒУ ДОВОНДАН ОШИБ, ОФИЦЕРЛИК ОР-НОМУСНИИ
САҚЛАБ, ОТАНГ ОСОНЛИК БИЛАН ЯРАТМАГАН АХИР,
БАХТЛИ БОЛАЛИГИНИ, ГЎЗАЛ ҲАЁТИНИГ, ФАРОВОН
КЕЛАЖАГИНИ.

ПАДАРУ БУЗРУКВОРИМ – ОТАМ ВА ВОЛИДАИ
МУҲТАРАМА – ОНАИЗОРИМГА БУ ДУНЁДА ЛАЪНАТ
КЕЛТИРМАГАНИМДАН БАХТИЁРМАН!!!

РАББИМДАН ЕШ АВЛОД МАЪНАВИЙ БОЙ БУЛИШЛА-
РИНИ СУРАБ, АВЛОД ЗУРРИЁДЛАРИ НАЗАРИ ТУҚ, ТУЛА-
ТЎКИС СОҲИБЛАР БЎЛИШНИ ЭГАМДАН ТИЛАЙМИЗ.

БАҲОДИР ЗУҲУРОВ

Таниқли ҳарбий шифокор, истеъфодаги подполковник, шоир
Искандар Раҳмон қуйидаги шеърини ёзган ва бу шеърга қуй
басталанган қушиқни истеъдодли хонанда Юлдуз опа Абдуллаева
биз Узбек офицерлари учун завқ-шавқ билан қуйлаган эди:

Буюк зотлар элдошларисиз,
Суюк зотлар издошларисиз,
Мард йигитлар сафдошларисиз,
Ўзбекистон офицерлари!
Ватанимиз умид кўзисиз,
Кукидаги чунг юлдўзисиз,
Соф виждони, ёруғ юзисиз,
Ўзбекистон офицерлари!
Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўкси тўла жанговор нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон офицерлари!

Улуғ мактаб жасоратингиз,
Ҳарбий санъат, маҳоратингиз,
Ҳарбийларча салобатингиз,
Ўзбекистон офицерлари,
Йигит борки, дилида ғулу,
Ором бермас, ажиб ҳис-туйғу,
Сиздек булсам деб килар орзу,
Ўзбекистон офицерлари.

Шоир инсонларни ва адибларни биз офицерлар ҳамиша ҳурмат қиламиз, чунки улар ички дунёси гўзал ва пок одамлардир.

Бир шоирнинг ҳикматли сузлар битилган шеър матни ҳамон эсимда, бу шеърга мусиқа басталаб, таникли машҳур ҳофиза-хонанда ҳамда юрист Юлдуз Усмонова қушиқ яратиб, шахсан ижро этиб куйлаган эди. Қушиқ матнида:

Бу замонни қайтариб булмас,
Келган ажални қайтариб бўлмас,
Букрини тугирлаб булмас.

Мард майдонини ташлаб кетмас!!! дейилган ва марок билан куйланган.

Мен, бир офицер инсон сифатида шу шеърдаги сузлар каби таъкидлаб айтаманки:

Офицер инсонлар ёмони бўлмас,
Офицер бурчидан ҳеч қачон воз кечмас,
Офицер жанг майдонини асло ташлаб кетмас,
Офицердек ҳеч ким халққа содиқ қалқон бўлмас
Офицер ичган қасамёдидан ҳеч қачон қайтмас,
Офицерга бирорта ҳам жиноятчилар асло дуст булмас
Бу дунёда кечирилган душманингдан ҳеч замон дуст чиқмас!



**АВЛОДИМИЗДАН ЧИҚҚАН ЖАНГЧИ
ОФИЦЕРЛАРИМИЗ – БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ ВА
АБАДИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗДИР!**

Баҳодир Зухуровнинг отаси Ботир Зухуровнинг 2 та жангчи тоғалари, яъни мазкур авлодда ОРТИҚЖОН катта ойимизнинг икки нафар ҳарбий офицер-жангчи акалари бўлган:

1. Ботир ота Зухуровнинг тоғаси, жангчи-офицер, лейтенант Баҳрутдинов Тўхтамурод тоға уруш қаҳрамони, кўп орден-медаллар соҳиби эди, жангчи-сапёр – портловчи мосламалар, бомба ва мина топувчи бўлган. Ленинград камали иштирокчиси. Псков, Киев шаҳарларидаги жангларда жанг қилиб, 1945 йил урушдан тирик қайтиб келган.

2. Ботир ота Зухуровнинг тоғаси бизни авлодимиз боши, шу жангчи-офицер капитан Собир Соинов булган, урушда қаҳрамонлик курсатиб, халқимиз тинчлиги учун уз жонини қурбон қилган, у ёшлигида 1938 йилда Беллоруссиядаги махсус ҳарбий разведкачилар тайёрлаш ҳарбий уқув юртида таҳсил олиб, мазкур мактабни аълога битирган. 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан

уруши қатнашчиси, №160-жангчилар ҳарбий дивизияси, №636-уқ отувчилар полкида жангчи булган эди, айниқса, Россиянинг Курск вилояти, Тимский райони, Морозовка ва Соколье номли қишлоқларида 1942 йил езида булган қақшатқич жангларда фаол иштирок этган.

Давлатимиз кадрлаб, хотиралаб пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонидаги хотира хиёбони меъмориал ёдгорлигида уларнинг исмларини абадийлаштириб, зарҳал ҳарфларда ёзиб қуйилган.

3. Ботир Ота Зухуровнинг Ғуломжон исмли амакиси бор, яъни Зухур катта отанинг укаси булиб, бу инсон Ғулом ва Ҳабибулло қушалок икки исмли амакимиз булади.

Амакимиз – довурак жангчи Ғойибназаров Ҳабибулло Раҳимович 1938 йилда туғилган булиб, 1959 йилда ҳарбий хизматга сафарбар этилган, бу жанговор артелеристик ҳарбий қисм Россияда (уша пайтдаги РСФСРнинг) Ленинград вилоятининг Выборг шаҳрида жойлашган булиб, махфий мақсадларга йуналтирилган қисм эди.

Шу қуролли армия ҳарбий гарнизонида Ғулом-“Ҳабибулла” амаки хизмат қилган, Махсус-ҳарбий жанговор махфий қисмга уни киритишиб урушга тайёрлашган, сунг урушга айнан қизгин палладаги жанг майдонига ташлашган эди.

1962 йил кузда Куба давлати Гаванна шаҳрига “Хабаровский” номли ҳарбий жанговор қрсйсер-теплоходида 15 сутка йул юриб, денгиз йули орқали уруш майдонига ўз қуролдошлари билан етиб борган. Морфлотда артиллерист булиб, 85 мм.лик жанговор тупни қабул қилган ва шу урушда жанговор қурол замбаракдан уқ отувчи вазифасини бажариб, ҳарбий жангчи “ефрейтор-наладчик” булган.

Бу инсон уша пайтда собиқ СССР ва ЎзССРни давлат махсус ҳарбий топширигини бажарган, ўз ҳаётини хавф-хатарга қуйиб чет элда Куба давлатида булган урушда профессионал ашаддий жангарилар билан юзма-юз жанг қилган ва урушдан тирик қайтиб келган.

1963 йил Николаевский номли ҳарбий жанговор теплоходда 18 сутка денгизда юриб, Кримдаги Севастополь шаҳри ҳарбий денгиз қуrollи кучларининг денгиз портига қайтгач, у ерда “Сухопутный войсковый часть” ҳарбий қисмида хизматда бўлган, хизматни тугатгач тақдирланиб, унга ҳарбий мукофот “Знак отличие” курак нишони ва фахрий ёрлик берилган.

4. Зумрад Она Зухурованинг Шамшиддин амакисининг ўгли, раҳматли Сайфиддин амаки уша даврда куп йил Янгийул тумани ҳоқими булган, яъни собиқ Иттифоқ даврида мансаб мақоми: “Давлат Ижро қўмитаси Янгийул тумани раиси (Председатель Янгиюльского Райисполкома) булган эди.

Бу инсон ҳам урушга бориб жанг қилиб огир яраланиб, Ватанга омон қайтган ветеран-жангчи, яъни Зумрад ойимиз отаси Қамбар отанинг акаси Шамсиддин амакини ўгли эди. Курсатган ҳарбий манёвр ва стратегик муваффақиятли мардонавор ишларига кўплаб мукофотлар берилган. Нишондор инсон эди, орден медаллари билан куksi тула булган.

Бу каби мисолларни юзлаб келтиришим мумкин, қиссадан хисса шуки, отлар изини тойлар босди, деган нақл сингари бу келтирилган мисоллар биз офицерлар учун ғуруримиздан далолат беради, ориятли диёнатли хиссиётларимиз билан, барча сафдош офицерлар фахрланишимизга арзийдиган, ҳавас қиладиган мисоллар эди.

Ўзбек офицери ўғлониман, адашиб бегонани касбига кириб келган бегона эмасман, қонимда вужудимда туғилганимдан ҳарбий ғурурим булган.

ЗУХУР ОТА АВЛОДИ СУЛОЛАСИНИНГ ҲАЁТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА !!!

Ҳозирги кунда Зухур хожи ота чевараси, Зухуров Ботир отанинг эвараси МуҳаммадЗухурнинг 7 пушти шажараси киска шарҳи :

1. МуҳаммадЗухур Ботировнинг узи,
2. Тошкентлик МуҳаммадБобир отага угил,
3. Янгийуллик Баҳодир ота Зухуровга набира,
4. Янгийуллик Ботир ота ва Янгийуллик Зумрад ойига эвара.
5. Янгийуллик Зухур хожи ота ва Тошкентлик Ортиқжон ойига чевара ҳамда
Тошкентлик Қамбар ота ва Тошкентлик Саломатхон ойига чевара,
6. Тошкентлик Соиб ота ва Тошкентлик Ҳабиба ойига авара
Янгийуллик Раҳим ота ва Салима эроний бувига авара,
Тошкентлик Қушоқ ота ва Тошкентлик Замира ойига авара
ҳамда
Тошкентлик Хожиматбой ота ва Расулбой оталарга авара,
7. Олмослик ГойибНазар отага абира ҳамда
Шаҳрисабзлик барлос Раҳматилла эрони отага абира,
Тошкентлик Шоқосим ота ва
Тошкентлик Шохат бувиларга абира, ҳамда
Тошкентлик Бадалмат отага абира,
8. Тошкентлик Шоёқуб отага дувара ҳамда,
Тошкентлик Алмат отага дувара
фарзанд булади МуҳаммадЗухур шу кунда !!!

ИЗОҲ: Шажарамиз асл нуسخасидан кучирма ҳажми ва унга илова суратлар, ҳамда ҳужжатлар жуда катта жилд, боб, бўлимлардан иборатлиги сабабли, ушбу китобимизга кирита олмаймиз. бироқ қисқартирилган жадвал динамикасини илова қилмоқдамиз, холос.

СУЛОЛА БОШИ ЗУХУР ХОЖИ ОТАМ ҲАҚИДА

Зухур отам онасидан ёш етим қолиб, кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, қаҳатчилик ва уруш заҳматларини чекиб, ўз юрти раўнақи учун бутун умр ҳалол меҳнатда яшаб, кенг феълу кетмас давлат соҳиби бўлиб, ўз эътиқодига садоқатли бўлиб, динига имонли бўлиб, бу ҳаёт моҳияти негизини англаб, умри давомида йигитлик эркак ғурурини сақлаб яшаган инсон эди.

Бу дунёда меҳнати эъзизга тоғанини эл юрт халқига туйлар, эҳсонлар қилиб, халқига тоғанини улашиб, фарзандларни Давлатга, халқ хизматига лойиқ қилиб тарбиялаб, халқ химоясига шай қилиб, болаларига меросга эътиқодли тарбия бериб кетди. Ўзларидан авлодимиз барча фарзандларига ҳадя қилиб яхши инсоннинг фарзанди, деган обрўлик ўз мавқеи ва номларини ворисликка ташлаб кетдилар.

Раҳматли Зухур отам шахсан менга ўзларидан 5 та ҳадис қолдириб, мерос қилиб бериб, ургатиб кетдилар:

“Сани таниган, билган одам санга яхшилик қилмасаям майли болам, санга ёмонлик қилмаса булди, демак шу одамни ўзинга дўст ҳисоблагин” деганлар!!!

“Кечиримли булгин болам, чунки бегонани яхшисидан, ёмон булсаям ўзингни ёмонинг яхшидир”, - дердилар!!!

“Санга тош отган одамга нон отгин” деб айтардилар!!!

“Биргина душман кўп, аммо 100 та дўстинг кам” деб айтганлар!!!

“Дўстларингдан биронтаси душманга айланиши мумкин, аммо санга ёмонлик қилган душманинг дўстингга айланиб қолмайди ҳеч қачон, кечирим сўраган душманинг дўст булмас ҳеч қачон”, - деганлар !!!

Отамнинг отаси - катта дадам “Зукур”-Зухур хожи отам Янгийул шаҳрида туғилиб усганлар.

Зухур хожи отам ўзининг 84 йил бир умрлик ҳаётини авлодига, давлатга ва халқига хизмат қилишга сарф қилдилар.

Бир умр Ўзбек миллати қадриятларини, урф-одату анъаналарига риоя қилган, бошидан қалампир гулли ўзбек дўпписи бир умр ечмаган эркак эдилар, айниқса, жуда меҳмондўст дастур-

хонли, кули очик сахий инсон булганлар. виждон амрига итоаткор. имони бутун. эътиқодли инсон эдилар. Халқимиз орасида марака, фотиҳа, жанозадан ҳеч қачон қолмаганлар, доимо фаол иштирок этганлар. Шу каби ва бошқа фазилатлари сабаб одамлар олқишлаб, ҳурмат қилишиб, яхши куришарди, эъозли жиҳатлари кўп эди, улардан бири айнан шу қадимдан мавжуд миллий-интизом тартибга риоя қилиш **УЗБЕК** миллатимиз азалий одатларига итоат қилиш эътиқоди бор одам булган.

Зиёридлар каби зиёратгуй эди, тез-тез улуғлар кабрини зиёрат қилардилар, доим бизни бошлаб олиб борганлар, элдан қолмасдилар, айниқса, гуйга бормасаларда, аммо ош тадбирлари, амри-маъриф маросимлардан, жаноза ва фотиҳадан қолмаган одам эдилар. бизга ҳам узлари тимсолида шу каби ишлардан сабоқ, урнак бериб кетганлар!!!

Зухур отам жуда кўп дўстлар, устоз-шоғирдлар ортирган-дилар, айниқса, уша даврни таниқли буюк арбоб инсонлари билан дўст булганлар, танишларни ниҳоятда жуда кўп ортирган-дилар, бир умр раҳбар лавозимларда ишлаб, давлатга хизмат қилиб, обру, эъоз-эҳтиромга эга булиб, халқпарвар булиб, жами 12 нафар фарзандларини, 50 та набираю эвараларни катта қилиб, тарбиялаб, уқитиб, уйлантириб, узатиб, тўйлар қилиб, куда-анда ортириб, уй жойлик қилиб, куплаб неваралар, эваралар куриб, дунёни куп юртларини сайёҳат сафарларида куриб, қариллик гаштини суриб, муқаддас даргоҳга Саудия Арабистонга зиёратга бориб келиб, дунёдан яхши деган ном билан яшаб утдилар.

Зухур отамнинг Ғойибназар боболари ва отаси Раҳим отанинг келиб чиқишлари асли Тошкент вилояти билан Фарғона Водийси уртасидаги чегара тоғли ҳудудида жойлашган, Қамчиқ довонидаги, Ангрэн билан Чуст шаҳри уртасида жойлашган Олмос тоғидаги Олмос қургонидан бўлган. Зухур хожи катта дадамиз шу Ғойибназар бобога невара, Раҳим отага эса ўғил буладилар.

Зухур отамиз олмослик Ғойибназар ота ҳамда барлослардан чиққан “қора қошли” Раҳматилла-эрони бобосига невара, олмослик Раҳим “оқсоқол” ота ва Салима-эрони бувига ўғил фарзанди булган. Тирикликларида менга оналари ҳақида доим

эслаб айтардилар, оналари Салима-эрони буви уша даврни энг тенги йук даражада жуда чиройли. гузал аёли булганлигини эслаб юз кузларини таърифлаб берардилар.

Фарзанди борларга ҳавас қилган, имонли савоб пеша, фарзандсиз ҳаётдан эзилган эр-хотин Замира буви билан Қушок ота Ортиқжон ойимизнинг ота-онаси вафотидан сунг ҳамда шахсан Зухур отамни айнан онасининг вафотидан сунг, онасиз қолган Зухур отамизни ўғил қилиб олиб, тарбия қилган ва ота-онадан етим қолган Ортиқжон ойимизни фарзандликка олишиб, улғайтириб узатишган. Етимликда қийинчиликларда катта булган, уша даврда юртимизда булган қийин аҳвол, қаҳатчиликларни куришган. уруш йилларида фронт ортида меҳнат қилишиб, ғалабамизга ҳисса қушишган. Ҳануз эслаймак, бошларидан утказган оғир йилларни гапириб беришган эди менга.

Тошкентлик Юнус отанинг ўғли Қушок ота ва тошкентлик Замира буви Зухур отамизни Янгийулнинг “Тахта куприк” маҳалласидаги уй ҳовлисида боқиб, тарбиялаган, катта қилиб уйлантиришган, ҳамда уша ҳовли жойни мерос қилиб Зухур отамга ҳадя қилиб қолдиришган.

Қушок отани, унинг хотини вафотидан кейин Зухур отам уйлантиргандилар, шу ҳовли боғларида мен куп меҳмонда булганман, жуда катта узум боғлари бор эди.

Зухур отамга оталик қилган ва уйлантирган, Янгийулга Тахта куприк қўғонига кучиб келган асли тошкентлик Юнус отанинг ўғли Қушок отамиз Ортиқжон катта ойимизни поччаси булган эди, яъни Қушок ота Ортиқжон ойимизнинг Замира холасининг эри булган (Қушок исми маъноси: «полвон-курашчини белбоғи» дегани).

Зухур исми – бу араблар исми булиб, маъноси чирой-гузал ҳақида, мазмуни эса юзи чиройли одам дегани. Сурия арабларида бу сузнинг келиб чиқиши тарихига шундай шарҳ берилган:

“Ўтмишда Дамашқ араб амир халифалигининг Зухур шаҳрида Гузал бола туғилганида одамлар чақалоқнинг юзи-бетини куриб чақалоқ худди Зухур Подшоҳ отасининг юзидай чиройли”.
- дейишар экан.

Ёш болалигидан деҳқончилик, боғбончилик соҳасида меҳнат қилиб иш бошлагандилар. Улғайгач Рустам ва Тошмат исмли обрулик мартабалик тоғалари ва акаси Раҳмон амакимиз раҳнамолиги остида, ҳамда баъзи садоқатли яқин дўстлари сабабчи бўлиб, Ун-дон корхоналари тизимида, Янгийул шаҳар озиқ-овқат саноати тизимида раҳбар лавозимларда ишлаганлар.

Тоғаларига, акаларига, устозларига, дўстларига садоқатли булгани учун ва уз ҳалол меҳнати билан Ҳукуматни ишончига эришиб, раҳбарларини ишончини оқлагач, Зухур отам Ўзбекистонда Қишлоқ хужалиги кимё саноати соҳаси, қишлоқ хужалиги техника таъминоти тизими, ёғоч-тахта таъминот савдоси ва ёқилги-кумир савдоси тизими, темир йўлда озиқ-овқат таъминоти савдоси тизими, Ун-дон корхоналари тизимида, Янгийул шаҳар озиқ-овқат саноати тизимида раҳбар лавозимларда ишлаганлар.

Чет элларда куп йил элчи-консул бўлган ва Ташки ишлар Вазирлиги ДИП-СЕРВИС раҳбари булган Обид Жураевични ҳамда куп йил Прокурор булган Раҳим Жураевичларни отаси Жура амаки билан Зухур отамиз яқин дўст булишган, бирга ишлаб, ҳамкасб бўлишиб борди-келди алоқада бўлишган.

Отам ҳам уз отасининг айнан шу Жура аканинг авлоди билан дўстлик риштасини давом эттирдилар, уғиллари Обид ака билан дўст бўлиб, кўп йил борди-келди қилинди.

Отам Ботир Зухуровични куп йиллик улфат сафидаги дўстлик даврасида бўлган мана шу ака-укаларни қудаси ҳам бегона эмас эди.

Юртимизда ниҳоятда обрулик булган, Ҳукумат девони Маҳкамаси масъули Зелимхон ака Ҳайдаровнинг отаси, амакилари, ака-укаси билан шахсан Зухур отам аҳил, борди-келди муносабатда бўлишган эди.

Уз даврининг машҳур маънавият раҳнамолари, илм фан арбоблари, олимларидан айнан уша вақтдаги ТошДУ Юридик факультетининг Декани академик Анвар ака Агзамхужаев, академик юрист олимлар Шавкат Закариевич Уразаев, Шоакбар ака Шораҳметов, Икромжон ака Зокировлар каби юридик фанлар

доктори, профессорлар дустана даврасида умр гузаронлик қилгандилар.

Зухур отам таникли олимлар Марат Уринбосевич Ғуломов, Зайниддин ака Исламовлар билан дўстона, ака-укачилик муносабатда булган инсон эди. Тасодифми Шоакбар ака Шораҳметовнинг угли Куёш ака Шараҳметов билан Прокуратура тизимида ишладик. 3.Исламовнинг қизи Лола Исламова ва куёви Элбек Бўриев билан бирга уқидик ва Марат ака Ғуломовнинг угли Алишер Ғуломов билан душлашиб, Юридик институтда бирга уқидик ва дустана муносабатни ханузгача давом эттирмақдамиз.

Ундан ташқари отам Ботир Зухуровичнинг дусти Россияда Москвалик дунёга машхур яхудий бизнесмен Иосиф Вайманнинг отаси ҳам Зухур хожи отамнинг яқин дусти бўлган эди. ундан ташқари Россиянинг Красноярск шаҳрида ҳам дуслари куп эди. Дунёни бошка давлатларида ҳам дуслари куп булган, шу жумладан Исроил ва АҚШда яшайдиган Аркадий исмли яхудий одам эски ҳовлимизга меҳмонга куп келарди. айниқса, МДҲнинг барча давлатлари буйлаб рус миллатига мансуб дуслари куп эди.

Уша даврларда куп йил Республикамиз Бош прокурори булган Нуъмонхужа ака Бурихужаев, уларнинг куёви бўлмиш Республика Бош Прокурори уринбосари булган Алишер ака Хусаиновнинг отаси судья булган Ваҳобжон ака Хусаинов билан дусти бўлишган эдилар.

Кўп йил Прокурор булган Чустлик Бурхон Усмонович билан Зухур отамнинг улфатчилиги бор эди, Бурхон ака ҳаётлигида Зухур отамни ва УзССР Бош Прокурори булган Нуъмонхужа ака Бурихужаев, уша даврда шаҳар суди раиси булган Ваҳобжон ака Хусаинов, Академик, олим инсон Икромжон Бекенович Зокиров ва уларнинг машхур юрист рафиқаси билан борди келдиси булган, айниқса, Бурхон акани айём тадбирлари, угли дунёга машхур таникли А.Б.Усмонови эхтироми ва шарофати билан жуда ҳашаматли булиб утарди, Зухур отам айтган таассуротларни эсламан хануз, турли тадбирларга жуда куп борганлар. Вафотидан сунг ҳам Бурхон акани хотирлаб утказилган тадбирлар куп булган эди, Осиё кошонасида эҳсон оши тадбирлари.

Хаст-Имом мажмуасидаги кошонада утказилган ҳалим тадбирларига ҳам куп боришган эди.

Тошкент шаҳрида энг обрулик юрист авлодлардан бири булган Жалиловлар офицерлар сулоласининг боши Холмат амаки Жалилов билан Зухур хожи отам бир умр дуст эдилар.

Отам ПОЛКОВНИК Ботир Зухуров билан бирга ишлаган. Тошкент вилояти ИИБнинг бошлиғи булган ПОЛКОВНИК Олимжон ака Жалиловни отаси бу инсон куп йил турли давлат органларида масъул вазифаларда ишлаган обрулик Холмат ака Жалилов булади, улар узаро яқин улфат оғайни булиб, ҳамда узаро қула-андачилик алоқасида ҳам булишган эди.

Ҳаётнинг тасодифи билан мен ҳам Холмат амакининг кейинги ўғли ПОЛКОВНИК Акбар Холматович Жалиловнинг хизмат кул остида куп йил ишладим. Олимжон ака Жалиловни офицер ўғли билан Тошкент Транспорт ТИИБда бирга ишладим.

ПОЛКОВНИК Акбар ака Жалилов мени Давлатта хизмат қилган давримда шахсан қуллаб қувватлаганлар. Зухур хожи катта дадам ва отамнинг ҳурмати сабабли доим куп яхшиликлар қилган эди.

Зухур отам Янгийул шаҳар ИИБ бошлиғи булган тошкентлик ПОЛКОВНИК Ақобир ака Қосимовни отаси Анвар амаки билан дўст улфат эди, унинг уғиллари Ақобир ака ва Аваз акалар билан отам Ботир Зухуров бирга ишлаганлар, мен ҳам Янгийул шаҳар Прокуратурасида ишлаган давримда Ақобир ака билан Давлат органлари ўзаро хизмат ҳамкорлигида Янгийул шаҳрида бирга ишладим, ҳамда Анвар акани неваралари. Ақобир ака Қосимовни ўғиллари Бобир ва Олмосхонлар билан таниш булдик, бир тизимда Ички ишлар органи хизматида ҳамкасб булиб ишлаганмиз.

Олмосхон ўзР ИИВнинг “ЖКваТККБ” да тезкор вазифасида ва Бобир ўзР Ички ишлар Вазирининг ёрдамчиси лавозимида куп йил ишлашган, улар ҳам ака-ука офицерлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ёрдамчиси лавозимида куп йил ишлаган укамиз Шухрат Назаровнинг додаси Домбрабодлик Гуломназар амаки билан ёшлиқдан бошлаб бир умр кадрдон, яқин оғайни бўлишган эди.

доим Зухур отамни эски ховлисида ва мени отамни янги уй ховлисида тез-тез улфатчилик қилиб йигилиб туришар эди. Мен ҳам шу инсон невараси Шухрат Назаров билан бирга давлат хизмати узаро алоқасида булдик ва угилларидан Бахтиер ака билан яхши таниш бўлдик.

Ўзбекистон Спорт кумитаси раиси ва Бука тумани ҳокими булган Баҳодир ака Макситов, Ўзбекистонда машҳур ҳофиз Махмуджон ака Азимовларнинг ота-онаси билан борди-келдилик дуст эдилар, отам ҳам шу ака укалар билан дустона алоқада булишган эди, тасодиф билан мен Макситов Баҳром билан бирга Юридик институтда уқидим ва Прокуратура органида бир тизимда бирга ишлаганман.

Зухур отам ТошДУ Олий илмгоҳида кўп йил декан бўлиб ишлаган Гулчеҳра опа Охунова билан узаро ака-сингил тутинишган эди, шу опанинг Гузал исмли кизи билан мен юридик институтда бирга уқидим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номи уша даврда Марказий партия кумитаси булган масъул маҳкаманинг бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган Муҳаббат опа билан узаро ака-сингил тутинишган эди. Шу опанинг углини мен ҳам танирдим, юридик фан олими Алишер Болтаевич Расулов юридик институтда менга дарс берган. Алишер аканинг Болтавой исмли судья тоғаси билан ҳам Зухур отамнинг яқин оғайни бўлишган.

Шу жумладан собиқ Иттифоқ даврида кўп йил Янгийул шаҳар прокурори булган Фаттоҳ ака ва Янгийул шаҳар суди раиси булган Болтавой ака билан ҳам яқин борди келдилик даражасида дуст булишган.

Шунингдек, кўп йил Бухоро вилоятининг собиқ иттифоқ даврида комунистик фирка кумитасининг I-котиби булган, анча муддат Бухоро вилоят ҳокими булган шахсан Дамир ака Ёдгоров оиласи ва унинг қайноналари Назира холамиз доим борди-келди қилишган, эски ховлимизга бирга тез-тез келиб турардилар.

Зухур отамнинг ва Раҳмон амакимизнинг таниши, кўп йил Тошкент вилояти ИИБда УБХСС тезкор хизматида раҳбар лавозимларда ишлаган Қоровой ака, Пётр Константинович Кан бор эди, шу инсоннинг фарзанди Республика Транспорт Проку-

ратурасида ишлаган, булим прокурори Жанна Петровна Кан билан ҳам мен бирга ҳамкорликда ишлагандим.

Зухур отамиз Тошкент шаҳрида таниқли авлод оила боши Гофиржон амаки билан яқин дуст булишган, уни ўгли Абдуқодир ака Тулаганов куп йил турли давлат ва ҳукумат раҳбар лавозимларида ишлаб, сунг Тошкент марказидаги “Метрафанов” номли спорт мажмуаси раҳбари булган эди, неваралари “ГИФ” бизнес маркази, “ГУНЧА кинотеатри”, Зебизар, Куҳинур, Қодир Равот корхоналари соҳиблари булган тадбиркор Фарух, Фарҳод, Дилмуродлардир. Гофир амакининг ўгли Абдуқодир ака отамнинг дуст укаси булган, набиралари билан мен ҳам узаро таниш-билиш булиб колганмиз.

Зухур отамнинг куп йил УзР Ҳукумат Девонида ишлаган ва УзР Олий Судида ишлаган Қулмаҳаммад ака исмли дуст бор эди, унинг куёви машхур бизнесмен Ёқуб ака булади, Тошкентдаги Хонобод маҳалласида машхур отчопар мажмуасининг “Джакей клуб” соҳиби.

Қулмаҳаммад ака олмосликлардан Янгийулдаги Ҳабибулла аканинг ўгли Холмурод аканинг тоғаси булади.

Кўп йил вилоят суди раиси, судья ва прокурор булган Мирхидоят ака Миржалилов билан Зухур отам дуст булишган эди, шу одамнинг ўғиллари билан мен бирга бир тизимда Прокуратура органида ишлагандим.

Шунингдек Зухур отамнинг Янгийул шаҳар прокурори булган яқин дуст Қодирқул ака Эгамқулов булган, уларнинг ўгли Фаҳриддин ака ва Ҳайдар Эгамқуловлар билан бирга бир тизимда ишладик. Мен билан бирга ишлаб, менга кўп ёрдами теккан прокурор Муқаддас опа Ғуломовани отаси ҳам Янгийул шаҳрида прокурор бўлган Ғуломов Зиёдилла ака билан ҳам Зухур отам дуст бўлишган эди.

Уша даврда Зухур отамнинг, Раҳмон амакимизнинг бирга ишлаган ҳамшаҳар таниши, Юсуф ака Толипов Янгийуллик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент туманига ҳокими бўлган дуст укаси бор эди, бу одам Юсуф ака Толипов Жаҳонгир тоғамнинг ҳам улфат-акаси булган эди. Юсуф акани офицер ўғиллари ака-ука

Раҳматжон ака Толипов ва Аҳмаджон ака Толиповлар билан мен Ички ишлар Давлат хизмати тизимида бирга ишладим.

Ўзбекистон халқ артисти буюк актёр Наби Раҳимов, машҳур буюк хушовоз ҳамда хушнавоз санъаткор Таваккал Қодиров, Юнус Ражабий, ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев, ҳофиз Очилхон ака, Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Еқубов, Абдуҳошим Исмоилов, Хожиакбар Ҳамидовлар ҳам Зухур отамни ҳурмат қилишарди, улар билан яхши таниш эдилар. Ўзбекистон халқ артисти халқимизнинг таниқли машҳур актёри Тошкентнинг Себзор-Тахтапул маҳалласидан Пулат ака Саидқосимов Зухур отамизнинг энг яқин дўстлари бўлган.

Зухур отамнини жияни яъни опасининг невараси бу Ўзбекистонда машҳур кино актриса Зулҳумор Муминова булади, жуда кўп кинофильмлар бадиий фильмларда рол уйнаган таниқли ижодкор санъаткордир.

Бош ўғил набираси Баҳодир Зухуров хотираларидан...

Султаминиз тарихида аҳамияти бор хотиралар:

Қарияларимизнинг айтишларича, уша даврни аслида босмачилар ўзбек халқининг ҳимоячилари бўлишган экан, яъни Зумрад онамининг Қамбар отаси, уни дусту Мадаминбек қурбоши ва Зухур отамнинг Султон қурбоши исмли тоғаси, Зухур хожи отам айтишича, улар бирга олиб борган кураш яъни уша пайтдаги босмачилар ҳаракати миллатимизни ва юртимизни оқ гвардия ҳамда кизил армия босқинидан ҳимоя қилиш учун курашлар эди.

Халқимиз орасида Тошкент ва Янгийулдаги қарияларнинг мисли қурилмаган даражадаги, асрларга татигулик жасоратлари ҳақида ҳалигача кўп эслашади.

Обрудор Атҳам ака хотираларидан суҳбат мазмуни :

Айниқса, Тошкентда энг обрулик инсонлардан бири, шаҳарда 2 та ягона мард эркакни зуридан бири бу Атҳам ака дейишади, бу инсон Ипакчи маҳаллада яшовчи Мусаевлар авлодидан Аҳмад ака ва Атҳам ака булади, улар кенг жамоатчилик орасида, халқни гувоҳлигида уша даврда эталон шахслар бўваларим эканлигини, бу тарихий ларзага соладиган воқеалар ҳақида менга кўп таъкид-

лайдилар. Атҳам акани отаси буваларим билан яқин дўст булишган экан ва оталари ҳам ўз даврида катта обру соҳиби булган экан.

Чиност килда тулланган хужжатларга карганив узбу жиноят каласидан тергов харакетларини олиб бордилик Ингиля туман прокурори терговчиси Зухуров Б.га окетилган булжб,унинг ботчилигида тезкор тергов турухи ташкил килиб,тергов харакетлари зифрачлик билан ва аста килтирилган далиллар билан судланганларнинг жиноят" харрпакти тула тасдиқлангантеги куоинада,Зухуров Б.тамонидан олиб борилган барча харакетлар ДК конун тилбларига тула риюя килинган.итги унинг уз ласи!осини сифатли ва йикунали бахрганчикидан далилат беради.

Бу сабабли судлов хайъати Ингиля туман прокуратуре катта терговчиси Зухуров Б.Б.уз вази!осини виждонан ва йикунали бахрган-

лягина инобатта олма, қолжамакка бонна торгов қодимлари ҳақиқу қлоқ торгов харакатларина оғилатли за ИТК жонун талаблари асосида оқло оғилатлиқлари үтүн прокуратура қилға торговчаси олғурол Бина роғбаг- ластирягити и салдоқини муқоимла қилғилати мақсадли.

Ишда ила судлоқ хабарати 2012.02.02-да 2012.02.02 қилға оғилатлиқларини қилғилати.

А Б Р И:

Үтүн қилғилати ила қилғилатил торгов харакатларини оқло борилати қилғилатил қилғилати Яқинда шилғилати прокуратура қилғилати торговчаси олғурол Бина роғбаг- ластирягити и салдоқини муқоимла қилғилати мақсадли.

Ақлим муқоимла қилғилати қилғилатил үтүн қилғилати қилғилати прокуратура қилғилати торговчаси олғурол Бина роғбаг- ластирягити и салдоқини муқоимла қилғилати мақсадли.

РАҚОД ИҚ. ТУЗУЛТИ: ишдо.

қилғилати қилғилатил қилғилати: 1. қилғилати.



Handwritten signature and date:
2012.02.02
50.12.48



ИЗОҲ: Уша даврда Республика Бош Прокуратураси тергов гуруҳида ва УзР ИИВ Тезкор-тергов гуруҳида жуда куп тезкор ва тергов ходимлари ҳалол меҳнат қилишган ва ҳар бири узига яраша ютуқларга эришган, уларни фидоий ишлари мақтовга лойиқ ва биз уларни ютуқларини ҳурмат қиламиз танқид ёки инкор қилмаймиз ҳеч қачон, аксинча уларга ҳавас қиламиз.

ШАРҲ: Қолган барча тезкор-тергов ходимлари агар уз утмишларида мустақил, шахсан койил қилиб эришган уз ютуқлари булса, уз хоҳишларига кура эслаб фахрланишга. Ўз меъмуарларида улар ҳақида хоҳлаганича хотирлашга, рисола, китоблар чиқаришга тулиқ ҳақлидирлар!

Фарзандларимизга ва келажак ёшларимизга моддий меросдан кура маънавий мерос даркор ва афзалдир.

Эслаб хотиралашга журъат қилдимки, чунки уша даврда Терроризмга қарши курашлар жараёнида шахсан мен билан бир сафда Республика Бош Прокуратураси тергов гуруҳи ва УзР ИИВ Тезкор-тергов гуруҳида ҳамда вилоятлар микёсидаги ҳуқуқий муҳофаза органларида жуда куп тезкор ва тергов ходимлар туну кун ҳалол меҳнат қилишган.

Уша ходимларнинг ҳар бири узига яраша озми ёки купми баъзи ютуқларга эришганлар, аммо шунини таъкидлаш керакки улкан ютуқларга эса ҳамма ҳам эришавермайди, чунки бу ҳаёт қонуни, инсон тақдири, омад ва одам ризки мезонлари булади.

Ходимлар кўпчилик бўлиб, жамоа таркиби сафида, тезкор-тергов гуруҳ фаолияти жараёнида бирга эришилган ютуқлардан ташқари, баъзи омадли ходимлар якка ёлғиз шахсан бир узи якка равишда эришган фидоий ишлари ҳам бор, айнан омад ёр булиб, Тангрим йўлини ёритиб, бир узи ёлғиз ҳолда фидоий ютуқларга эришган ходимнинг ҳалол иши ватанимизда доимо мақтовга лойиқ булган.

Биз уларни барча ютуқларини ҳурмат қиламиз, ўзгалар обрӯ мавқейини, ютуқини кибрга, фиски фасодга йўймаймиз, бошқалар фидокорона мардонавор ишлари ҳақида салбий бахил маънода фикр қилмаймиз, **чунки биз Ўзбек офицерлари ор номуси, орияти ва диёнати бор инсонлармиз, шахсан бир узи уз маҳорати малакаси билан эришган ютуқларини танқид ёки инкор қилмаймиз ҳеч қачон, аксинча ҳавас қиламиз уларга, фарзандларимиз ҳам шундай омадли бўлишсин деб қўлимизни дуога очамиз!**

ФИДОЙЛИК ВА БУРЧ

Бирок айтиб утиш ва эшлашга сазовор арзигулик ютуқлари ҳақида шахсан Баҳодир Зухуровнинг уз меҳнати билан, узининг аниқ мақсади сари режалари билан ўтказган тергов ҳаракати натижасида эришган фидойий муваффақиятли ишлари орадан 18 йил вақт ўтгач эшлаш вақти келди. 18 йил камтарона сукут сақлаб юриб булгач, энди келажак авлод учун эсласа, маънавий мерос булгач, чунки ҳар бир ходим кимлигидан қатъий назар, қайси лавозим мансабда ишлаганидан қатъий назар, қанча йиллик тажрибага эгалигидан қатъий назар, ҳар бир офицерни уз ватани учун ўтмишдаги қилган меҳнатини таҳлил қилиб эслаб сарҳисоб қилиб эшлашга рисола ёхуд китоб ёзиб ўз амалиёти тажрибасидан эсдалик тарихини қолдиришга ҳаққи бор.

Гуруҳ терговчиси бўлган жараёнда Баҳодир Зухуров аниқлаб, уз номидан Ички ишлар Вазирлигига берган расмий хабар топшириғи билан Андижон ва Наманган шаҳарларини портлашдан асраб ҳамда халқни улимдан сақлаб қолган эди. жами 1 тоннадан ортиқ портловчи моддаларни сақланган жойларни тергов йули билан шахсан ўзи аниқлаган. Ички ишлар Вазирлигида масъул раҳбар лавозимда ишлаган офицерлар Б.Р.Турсунов ва И.Мирсоатовлар бошчилигидаги тезкор гуруҳ томонидан жуда кўп вазн оғирликдаги эквивалентдан иборат хавфли портловчи моддаларни олинишини таъминлаган, иш буйича тезкор қобилияти билан кечиктириб булмайдиган ҳолатда мустақил қарор қабул қилган ва аниқ натижага эришишга муяссар булган, яъни юз берадиган куплаб фуқароларимиз улими, содир қилинадиган ўта оғир жиноятларнинг олдини олган, уз вақтида кечиктирмасдан ЎЗР ИИВ раҳбарияти махсус тезкор гуруҳини ёзма равишда огоҳ этиб топширик берган эди.

1999 йилда 16 февраль воқеалари бўйича Суд жараёни 1999 йилда телевидениеда кўрсатилган, телетасвирларни бизни юртимиз халқи ва барча дунё халқлари курди. Барча айбдорлар судланиб жазога маҳкум этилдилар.

Бу воқеа тафсилоти, Баҳодир Зухуров эришган ютуқлари ҳақида Ўзбекистон давлат рўзномаларидан бири, Тошкент вилояти «Янгийўл» газетасининг 1999 йил 2 июль куни чоп этилган сониди 4-бетиди. «Пайи қирқилмоқда» номли

сарлавҳали мақолада батафсил ҳолда халқимизга расмий эълон қилинган эди.

Шунингдек, ушбу портлаш воқеаси ва террорчилар ҳақида, қилинган ишларни умумий акс эттириб, айнан Баҳодир Зухуров ва бошқалар томонидан тергов қилинган жиноят иши эпизодларидаги иш ҳолатлар ҳамда тергов қилинган жиноий иш фигурантлари ҳақида журналист ёзувчи Олег Якубов муаллифлигида ёзилган 1999 йили нашр этилган «Волчья стая. Кровавый след террора» номли китоб бор, уни юртимизда купчилик уқиган ва унинг китобида ёритган воқеаларни халқимиз билади.

Яқин кунларда ўзбек офицери Баҳодир Зухуровнинг илгари Давлат хизмати даврида умумжаҳон терроризмига қарши курашларда курсатган хизматлари учун ҳамда Давлат ва юрти учун қилган фидоий ишларига қисман баҳо берилди ва натижада Жангчилар бирлашмаси ҳарбий президиуми томонидан Б.Б.Зухуров фахрий-жангчи тариқасида аъзоликка қабул қилиниб, Ватан учун қилган мардонавор иши учун уни тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

2017 йил 1 сентябрь кuni жангчилар ҳаракатида курсатган фидоий хизмати учун ҳарбий медал билан тақдирланди.

Баҳодир халқимиз ҳамда Ватан олдидаги бурчини наъмунали сидқидилдан бажариб, куп ютуқларга эришганини МДХ давлатларидан Россиянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси, Россиянинг Ўзбекистондаги ҳарбий Атташэси Полковник Сергей Генадьевич Чернышов томонидан тан олинган, МДХга кирувчи 16 та Давлат бўйича Жангчилар ва Уруш фахрийлари Бирлашмаси раҳбарияти Кенгаш Президиуми тан олган ва Давлатимизда ЎзР Мудофаа Вазирлиги тан олиб рағбатлантирган, ЎзР ИИВ расмий тан олган ва айнан шу фидоий ишларига яраша рағбатлантирилган.

Ушбу ҳолат мазкур китобда ёзиб ёритилиб, бир умр эслашга арзигулик ҳодисалардан иборатдир.

“ҚАҲРАМОНЛИКМИ ЁХУД ЖАСОРАТМИ ЁКИ САВОБМИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ БИЛАДИ”

ЎЗБЕК ОФИЦЕРЛАРИНИНГ ҲАЁТИДА ЮРТИ, ДАВЛАТИ ВА ХАЛҚИ УЧУН ҚИЛГАН ФИДОИЙ ИШЛАРИ КУП БУЛАДИ, УЛАРДАН ФАҚАТ БИРИ ҲАҚИДА ТУХТАЛДИК, ХОЛОС.

ОТА КАСБ – БУ МУҚАДДАС КАСБ

Генерал-майор Ғофуржон Раҳимовнинг терговчилик касби ҳақида ўз фикрларини билдирган мақбубдан нусха, бу биз ёш тергов хизмати офицерлари учун ҳикमत ва шараф.

ОТАНИНГ УЎИЛГА НАСИҲАТИ

Уғлим Расулжон — Абдурасул! Биласан, ҳаммамиз ҳам сени жуда яхши кураимиз, албатта, бунга лойиқсан. Мана, 30 енга кирдинг. Оила боплиғисан, ширин фарзандларинг бор, ҳамманинг ҳурматига сазовор меҳнатқаш жуфти ҳалолнинг — Зебо қизим бор. Келгусида менинг изимдан борасан, деган умидим бор.

Терговчилик — ута мураккаб, машаққатли, шу билан бирга, адолатли вазифа. Жиноятчининг қилмишларини фони қилиб, жазо муқаррар эканлигини ски айби йуқ бўлса, адолатни исботловчи терговчидир.

Шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, рўнарангга утирган айбланувчи ута оғир жиноят содир қилган бўлсада, барибир, у ҳам инсон. Қонуний чоралар қўлдан билан бирга унинг инсон сифатидаги ҳуқуқларини ҳам унутма.

Терговчи айбланувчи билан эҳтиёткорона мулоқотда булиши шарт. Унга инсбатан қўполлик қилини, жаҳл билан муомала қилини поуриндир. Кунроқ ҳужжатлар, далиллар ва гувоҳлар асосида уни олиб бориши керак.

Тергов иши тулиқ, ҳар томонлама суриштирилган, гушунарли, саводли, маданиятли тилда олиб борилини ва ёзилини керак. Ини билан танишган прокурор, суд сенини номинини айтиб, мишиятдорчилик изҳор қилини керак.

Ҳеч бир содир этилган жиноят бир хил йул билан очилмайди. Ҳар бир жиноятни тергов қилини илмий изланини билан тегдир.

Ширин ош пиширилади-ю, оғизга олиш билан тош чиқса, қилган меҳнатинг зое кетали. Тергов ишнини тамомласанг — уни-буни қилинманти деб қайтарибса, худди юқоридагинга ўхшаб, ишнинг зое бўлади.

Сойда, биласан, ҳамма ер тош. Кетастиб, бир тошга оёғинг урилса, уни қўлингга олиб, у ёқ-бу егини сичкиклаб кўздан кечирасан, «нима учун бу тошга урилдим» деб фикр қиласан. Ҳақиқий терговчи ҳам тергов ишнини ана шундай сичкиклаб олиб боришиг шарт.

Тергов натижаси буйича яна бир муҳим иш — жиноят содир бўлишининг сабаб ва омилларини чуқур ўрганиб, келгусида яна кимдир шу йул билан жиноят содир этишининг олдини олинидир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг раҳбарларини купчилиги терговчилардан чиққан. Зеро, бу касб соҳиблари Давлатимизнинг амалдаги қонушларини яқини билдилар ва уларга тўлиқ риоя қилиб, иш юритадилар. Унинг ҳар бир ҳаракати қонуний, адолатли, юксак инсонийлик билан амалга оширилади.

Сен ҳам, уелним Расулжон, худди ана шу йулдан бора-ясан деб ишонаман. Яқин оламларга — устозларга ёйтан, уларга ҳурмат бажо келтир. Ёмон худқни, ҳуқуқбузарлардан узокроқ юргин. Ундайларга яқин борма, қораси юқали.

Ғафуржон Раҳимов
2001 йил 1 февраль

Б.Б.Зухуров Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ИИБ Тергов Бошқармасида ҳарбий офицерлик хизматини утаган, бир вақтнинг узида Тергов Бош Бошқармаси таркибидаги Транспорт Тергов Бошқармасида масъул лавозимда ишлаб, Ички ишлар Тергов хизматидан эхтиром ва уз ҳурмати билан тантанавор тадбир ўтказилиб, миллий либос кийдирилган ҳолда нафақага кузатилган. Ички ишлар Давлат хизмати нафақасидаги ўзбек офицери 2001-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Гранспорт Ички ишлар Бошқармасининг Тергов Бошқармасида турли махсус тезкор-

тергов лавозимларида, асосан «Коррупция, уюшган жиноий гуруҳлар, бандитизм ва терроризмга қарши кураш» буйича катта терговчи лавозимида фаолият олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Давлат ички ишлар хизмати МАЙОРИ” унвони соҳиб.

Айнан махсус тезкор-тергов хизматида ишлаган даврида Баходир Зухуров лавозими ҳукуки ва функционал вазифаси буйича бир вақтнинг узида;

ЎзР Ички ишлар Вазирлиги Транспорт Ички ишлар Бошқармасининг Тергов Бошқармаси буйича Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидаги мавжуд куйи турувчи барча Транспорт тармок ИИБларининг тергов бўлимлари устидан масъул эди, айнан, коррупция, иктисодий-молиявий жиноятларни тергови бўйича жиноят ишлари юзасидан ҳамда муайян юклатилган терговнинг соҳавий назоратига, тергов раҳбарларидан ҳар ойлик ҳисобот қабул қилишга расмий масъул булган ҳамда куп йил жиноят ишлар терговини устидан соҳавий назоратни амалга оширган, шу йусинда жиноятчиликка ҳам қарши курашган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг Тергов Бош Бошқармасида турли раҳбар лавозимларда куп йил ишлаган, энг обрулик устоз офицерлардан Шавкат Тоҳирович Икрамов, Подполковник Ақром Сатторович Қаршиев, Полковник Равшан ака Иулдошев, Полковник Сергей Васильевич Шиняев, Мамадиёр ака Усмонов, Полковник Дониёр Ташходжаев, Гулмира опа Шоюнусова, Алишер ака Қушоқов, Боймирза ака Татлимурадов каби кучли маҳоратга эга тергов хизмати офицерларига, уларни тажрибасига, обрусига биз офицерлар доимо ҳавас билан, эҳтиром билан қараганмиз.

ОФИЦЕРНИНГ ҲАРБИЙ ҲАЁТИ ХОТИРАСИДАН

Бошқармамизда биз билан бирга ишлаган инсонлар орасида биз барча офицерлар фахр билан эслайдиган, асл самимий ҳурматга сазовор инсонлар бор, шу жумладан **Анвар ака Икромов** бир умр масъул ва тезкор лавозимларда ишлаб Ватани учун куп меҳнатлар қилган инсонлардан бири.

Бизнинг ЎзР ИИБ ТИИБ Бошқармамизда кўп йил “Коррупцияга қарши кураш бўлими”да раҳбар бўлиб, ЎзР ИИБ “ҚР ва ТҚКББ”да ҳам фаолият юритганлар кўп йил терроризмга қарши курашиб, кейинчалик Тошкент шаҳрининг кўп туманларида ИИБ бошлиғи, сўнг Самарқанд вилояти ИИБ раҳбари бўлиб ишлаганлар. Биз ёш офицерлар доим шу инсонга ҳавас қилиб у билан бирга ишлаганимиздан ҳалигача фахрланамиз.

Уша даврда хизмат сафимизда кўп вақт давомида обрў билан бир сафда биз билан ишлаб, кетганлардан яна бири **Анвар ака Тошпулатов** булади, улар жуда кўп вақт вазирликда “Коррупцияга, рэкёт ва терроризмга қарши кураш” Бош Бошқармасида ишлаган эди. биз 1999 йилда узоқ вақт бирга бир тезкор-тергов гуруҳида ишлаганимиз, сўнг Анвар ака кўпчиликл орзу қилган обрўлик лавозим, яъни Тошкент халқаро аэропорти Транспорт тармоқ ИИБ бошлиғи бўлиб ўта масъулиятли лавозимда ишлаган.

Ҳамкасбларимиз орасида тезкор фаолият бўйича ўта тажрибалик, ЎзР ИИБ тизимида обрўлик инсон, ёш офицерлар орасида ҳурматга эришган устоз акамиз булади.

Кўп йил ишлаб ҳурмат қозонган ёш офицерлар орасида ҳурмати бор офицерлардан бири бу Тошкент Аэропорти ТИИБда бир умр ишлаган юксак обрўга эга Гаппаров Нуриддин ака булади.

Терговчи ҳамкасблари ҳақидаги хогиратари:

Баҳодир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош Бошқармасининг Транспорт Тергов Бошқармасидаги ўз хизмат фаолияти мобайнида устозим деб, Подполковник Ҳасан ака Каримовни тан олган.

Баҳодир мақтов ва урнакка арзигулик шогирдлар тарбиялаган улар шу кунлардаям жиноятчиларга қарши курашиб ватан хизматида ханузгача бонг уриб ишлашмоқда.

Шулар жумласидан ЎзР ИИБ Тергов Бош Бошқармасида “Коррупцияга қарши кураш бўлими” бошлиғи Ойбек Турсуналиевич Қулбеков шогирдлар орасида энг иқтидорли, савиялиси, устозларига эҳтиромли ва садоқатли чиққани булди.

Баҳодир Зухуровга терговчиликда мураббийлик қилиб, тажрибасио маслаҳатларини, керагида тергов назарий-амалий ёрдамини аямаган инсонлар куп. Бахтиер Турматович Нурматов, Хасан ака Каримов, Баҳром ака Юлдашев, Полковник Раҳматжон Эргашбоевич Жураев, Зафар ака Аллабергенов, Умар ака Бердиёровлар шулар жумласидандир.

Полковник Абдурахмон Тилланазарович Баҳромов, Абдуқодир Насириддинович Азинов, Бердиқул ака Кучқоров, Озод ака Абдукаримов, Сувон Мардонович Абдумуратов, Полковник Равшан ака Ажибековлар уз тергов хизмати жамоасида ёш офицерлар учун доимо обруга эга булган наъмунавий фидоий инсонлар булишган.

Уз мавқеига ва мандатига кура Республикамиз миқёсидаги Тергов Бошқармаси булгани учун, барча вилоятлар ҳудуди буйича жиноятчиликка қарши курашда Транспорт Тергов Бошқармаси жамоасида куп йил, бир жамоада аҳилчиликда елкадош, ҳамжихат ва ҳамдард бўлиб ишлаган курулдош, сафдош ҳамкасбларимиз бор эди, жумладан:

Музаффар Аскарров, Мухтор ака Егизбеков, Улуғбек Парманкулов, Хуршид ака Ризаев, Баҳодирхужа Гиязов, Баҳодир Ботирович Кодиров, Маҳамаджон ака Хусанов, Иброхим ака Тожибоев, Алишер Мэлсович, Фарход Араббоевич Рихсибоев, Шерзоджон Холмуратов, Кучқоров Жаҳонгир, Маликов Абдулла каби офицерлар ва тезкор ходимлардан Дилмурод ака Далабоев, капитан Мирсобир Мирахмедов, катта лейтенант Камолхужа Зайнитдиновлар Тергов Бошқармамиз тарихида катта ҳажм куп эпизодли, турли ҳолатлардан иборат ута огир жиноятлар буйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориб, тергов йули билан очиб, юртимиз равнақи, тинчлиги йулида ҳалол меҳнат қилишиб, иқтисодиётимизни емирувчи жиноий тудаларга қарши курашда ўз ҳиссаларини қушишган.

Бу фидоий ишларда, айникса, жиноят излари, далиллар, ашёвий далиллар билан ишлашда, тергов мобайнида далиллар билан тасдиқлаб, исботлаш борасида Бошқарма ЭКБ булими мутахассис-изтопарлари яъни криминалист-экспертларидан Маъмур ака Ирматов, Ҳамидулла ака Нурматхужаев, Раҳмонали

ака Алимбаев, Тургун Очилович Исмоилов каби ва бошқа барча экспертлар ҳиссаси каттадир.

Жиноятчиликка қарши тузилган узаро ҳамкорликдаги Тезкор-Тергов гуруҳлари таркибида тергов хизмати офицери Баҳодир Зухуров билан биргаликда, Бошқарма тизимидаги батальонларда, булим ва бошқармалари раҳбар ходимлари булган, ҳамда Транспорт тармоқ ИИБ бошлиқларидан обрулик, ута тажрибали, купчилик ҳамкасбларга яхшилиги теккан офицер Валерий Кундусович Абдурахмонов, Полковник Уткир ака Сатторов, Сайдали ака Тургунов, Станислав Ибрагимович Полвонов, Хусан ака Шохидов, Полковник Карим ака Турсунбаев, Туйчи ака Самиев, Туйчи ака Турсунбаев, Йўлдош ака Отажонов, Икром Йўлдошевич Тошбоевлар каби раҳбар устоз-офицерлар намуна бўлишган.

Шунингдек, тажрибали тезкор ҳамкасб акаларимиз ҳам куп эди. жумладан: Ибодулла ака Уринов, Аҳмаджон ака Толипов, Ботир Эркинович Нурматов, Подполковник Ҳаким ака Қурбонов, Қозим ака Усаров, Аҳмаджон ака Тожибоев, Ойбек ака Ниятов, Махмуд ака Алиев, Подполковник Улугбек ака Исмоилов, Подполковник Ботир Уткурович Махмудовлар билан узаро ҳамкорликда ишлаганмиз, улар барчаси хизмат муддати якунида нафақага чиқишга муяссар бўлган, Бошқармамиз раҳбарияти томонидан ҳурмат билан кузатилган офицерлар жумласига киради, улар барчаси ҳозир истеъфода булган ҳарбий хизмат нафақасидаги офицерлардир.

Юқориди номлари курсатилган офицерлар билан бирга ҳамжиҳатликда ишладик, барча мишқавий ҳудудий тармоқлар, барча вилоятлар, туманлар миқёсида, транспорт соҳалари, ҳаво йўллари транспорти, юртимиздаги барча аэропортлар, темир йўл транспорти тизими, юртимиздаги темир йўл вокзаллари, ер ости метро транспорти, Орол денгизидаги транспорт ҳамда Орол денгизи буйи транспорти ва юртимиздаги барча дарёлар транспорти, дарёлар устидаги куприқлар тизими фаолиятларидаги ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа барча иқтисодий-молиявий тижорат тизимларида, халқаро иқтисодий алоқа соҳаларида, юртимиздан олиб чиқиладиган ва юртимизга

олиб келинадиган катта ҳажмдаги иқтисодий қимматбаҳо юклар тизимида, юртимиз ичкарасида узаро ташиладиган барча турдаги юклар тизимида уюшган жиноятчиликка қарши курашиб. Давлатимиз иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаганмиз, барча мансабдор жиний ишларга ўз вақтида барҳам бериб катъий чоралар қўрганмиз.

Тезкор-тергов амалиётларимиздан мисоллар оммавий оламшумул, таниқли, машҳур жиний эпизодлар, турли ҳолатлар бўйича ўша даврда турли матбуот саҳифаларида ва телевидение кўрсатувлари орқали элимиз эътиборига ҳавола қилинган.

Мен Офицер Баҳодир Зухуров ва тергов хизматининг бошқа барча терговчилари билан ҳамкорликда ишлаган бошқа хизмат булимлари вакиллари ҳам кўп, бизни ишлаган идорамиз вазирликнинг энг етакчи, кучли, таянчли Бошқармаси булади.

Республика ҳудуди миқёсидаги хизмат доирасида булган Транспорт ИИБ нинг “ЖКваТККБ” тезкор вакилларининг маҳоратли ва амалиётда кучли тезкор тажрибалик офицерларидан булганлар бу Подполковник Сайидали Улмасович Тургунов, Подполковник Сайидислом Сайидкамолович Сайидвалиев, Баҳром ака Ганиев, Мухтор ака Раджабов, Шухрат ака Газиев, Шухрат ака Тулибоев, Махмудов Ботир Уткурович, Қурбон ака Журакулиев, Фурқат Ҳасанович Ризаев, Янгийуллик Юрсинали ака Маматжонов ва Подполковник Рустам ака Ибрагимовлар, Хожиакбар ака Султонов, Нарзулло Исиргапов, Журъат Ғофиржонович Бердибоев, Алишер Эргашевич Уринбоев, Омонқулов Муса Ганиевич, Муса ака Кодиров, Жалол ака Мадумаров, Подполковник Бахтиёр ака Шарипов, Мурод ака Ҳамидов, Эшдавлат ака Жумабоев, майор Фахриддин ака Сапарбоев, полковник Собир ака Тожиев, подполковник Қодир Эрматов, Голованов Виктор Сергеевич, Валерий Высоцкий, А.И.Похиловлар ҳамда аёллардан энг обрўлик, тезкор маҳорат соҳибаси, ута муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакила булган офицер Подполковник Консулу Косбергеновна Тлеубергенова билан узаро ҳурматда, ҳамкорликда ва ҳамжихатликда жиноятчиликка қарши фаол курашганмиз, айнан шу ҳозирги кунда улар барчаси Давлат

ҳарбий хизматлари муддати якунига кура Бошқармамиз раҳбарияти томонидан ҳурмат курсатилиб, УзР ИИВ Транспорт Бошқармасидан расмий офицерлик истеъфо нафақасига чиқарилишига сазовор булиб кузатилган инсонлардир.

Ҳозирги кунда УзР ИИВда ҳануз турли раҳбарлик ва тергов-тезкор йуналишдаги масъул лавозимларда ишлаётган ҳамкасбларимиздан ПОЛКОВНИК Раҳматжон ака Жураев, Ойбек Кулбеков, Музаффаржон Асқаров, Дилмурод Эминжонович Эгамбердиев, Алишер Содиқов, Икром Каримович Турсунбаев, Сарвар Йулдошевич Отажонов, Алишер Хасанович Сарабековлар каби малакали тергов-тезкор ходимлари илгари биз билан бирга ишлаб, Транспорт ИИБ томонидан Республикамиз микёсида жуда қўл жўнай қўдалар қўш қилинган ва бир қанча қўнун бузилишлар олди олинган эди.

ВАТАН УЧУН МЕҲНАТЛАР БЕҲУДА БУЛМАС

Б.Б.Зухуров хизмат даврида намунали, фидойи иш натижаларига асосан УзР ИИВ Вазири ва Бошқарма раҳбари томонидан жуда қўл маротаба рағбатлантирилиб қўллаб расмий мукофотлар берилган, жумладан:

2002 йилда шахсан Ички ишлар Вазири З.А.Алматов томонидан рағбатлантирилиб, мукофотланган.

2003 йилда УзР ИИВ ТИИБ Бошқарма раҳбари томонидан 2 маротаба мукофотланиб расмий «Ташаккурнома» ва ИИВнинг ҳарбий эсдалик соати берилган.

2004 йилда УзР ИИВ Вазири томонидан Баҳодир Зухуров Ватанииз тинчлиги йўлида, эл осойишталигини таъминлашда эришган юксак ютуқлари учун унга мукофот тариқасида унинг ота-онаси номига расмий ёзма равишда Давлат томонидан эътироф этилиб, «Ташаккурнома» берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ
ТРАНСПОРТДАГИ ИЧКИ ИШЛАР БОШКАРМАСИ
Б У Й Р У К

№ 125

27 декабрь 2002 йил

Тошкент шаҳри

Уз хизмат вазифаларига етдирилдан ендониб зиммасига юкланган тоширикларини виждонан бажаретганликлари, жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда фаол иштирок этаётганликлари ҳамда 2002 йил якулларига кура куйндагилар

МУКОФОТЛАНСИНЛАР:

“Бошкарма бошлиги номидан тайёрланган кимма тбахо соат билан”

БОШКАРМА МАХКАМАСИ БУЙИЧА

· Милиция катта лейтенанти Зухуров Баходир Ботировичга – Тергов Бошкармаси Уюшган гурухлар томонидан гиёҳванд моддаларини ишлаб чиқариш сақлаш, тарқатиш ва уларни ташиб утқалиш билан богдик жиноятларни тергов қилиш гурухининг катта терговчиси.

Бошкарма бошлиги
вазифасини бажарувчи
милиция подполковниги



А.М.Х.С. ДАВНАТОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ
ТРАНСПОРТДАГИ ИЧКИ ИШЛАР БОШКАРМАСИ
Б У Й Р У К

№ 39

05 апрель 2003 йил

Тошкент шаҳри

Уш хизмат вазифаларига етдикидидан ендишиб зиммасига юкланган тошхирикларни виждонан бажараётганликлари, жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда фаол иштирок этаётганликлари ҳамда 6 апрель "Тергов хизматини ташкил тошган куни" муносабати билан Бошкарма Тергов Бошкармасининг қуйидаги ходимлари

МУКОФОТЛАНСИНЛАР:

"Бошкарма бошлиги номидан ТАШАККУРНОМА эълон қилинсин»

БОШКАРМА МАХКАМАСИ БУЙИЧА

- Милиция қатта лейтенанти Зухуров Баходир Ботировична – Тергов Бошкармаси Уюшган гуруҳлар томонидан гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш саклаш, тарқатиш ва уларни ташиб утқизиш билан боглик жиноятларни тергов қилиш гуруҳининг қатта терговчиси.

Бу йрук шахсий таркибга эълон қилинсин.

Бошкарма бошлиги
патифасини бажарувчи
милиция подполковниги



А.М.ХУДАЙНАЗАРОВ

Аслига гуғри

Тергов Бошкармаси
Жамлаш гуруҳи қатта
инспектори милиция капитани

Ф.А.Рихсибоев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHILAR VAZIRLIGI
 TRANSPORT ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI
 TERGOV BOSHQARMASI

B U Y R U Q

№ 317-й/1; 2004 йил « 4 » октябрь Toshkent sh.

«шахсий таркиб бўйича»

ТАЙИНЛАНСИН: БОШҚАРМА АППАРАТИ БУЙИЧА

Капитан Зухуров Баходир Ботирович (У-185563), Тергов Бошқармаси Уюлган гуруҳлар томонидаги гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва уларни ташиб утқизиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш гуруҳидаги қатта терговчиси лавозимидан озод этилиб, шу Бошқарма Коррупция, тошмаччилик, усталарни мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш гуруҳидаги қатта терговчиси лавозимига.

Транспорт ИИБ бошлиғининг
 ўринбосари подполковник



А.Т.БАХРАМОВ

ОТА МЕРОС КАСБ ЭГАЛЛАГАН ВА ОТАСИНИНГ ХАРБИЙ ЛИБОСИНИ КИЙГАН ОФИЦЕРЛАР

Транспорт ИИБда ишлаган ва ишлаётганлардан

**ОФИЦЕР ОТАСИНИНГ КАСБИНИ ТАНЛАГАН,
ОТАСИ ХАЁТИ ИЗИДАН БОРГАН ЙИГИТЛАР ОРИЯТИ,
ОР-НОМУСИ БОР ЙИГИТЛАРДИР!!! РУС ХАЛҚИДА
БУНИ “ЧЕСТЬ” ДЕЙДИ.**

Мен муаллиф тариқасида бошқа касбдошларимни камситмоқчи эмасман асло, фақат бошқалардан бир оз фарқи борлигига изоҳ бермоқдаман, холос.

Офицерлар фарзандлари уз отаси билан фахрланиб катта булган болалардир.

Офицерлар болалари ҳарбий интизомда усганлигини таъкидламоқчиман, улар ҳарбий орият ва диёнат билан тарбияда усган йигитлар булади. уларда юртига садоқат, фидоийлик фазилати, ҳарбий гурур, офицер ор номуси, офицер эътиқоди болаликдан мужассамлашган булади.

Биз офицерлар фарзандларининг бошқалардан ажралиб турадиган фарқимиз, айнан шундадир.

Шу мавзудаги киссадан ҳисса шуки, отлар изини тойлар босди деган накл сингари. мен **Ўзбек офицери ўғлониман, бу юксак фахрли ота касбига баъзи ноълоийнлар каби енгил хавас билан келиб қолмаганмиз, бегоналарни касбига адашиб кириб келган бегона эмасман, қонимда вужудимда туғилганимдан бери булган ҳарбий гурурим ва қалбимдаги юртимга нисбатан булган офицерлик садоқатим туғмадир, биз офицерлар фарзандларининг бошқа орган ходимларидан ажралиб турадиган фарқимиз айнан шундадир.**

Сафдошларимиз орасидаги офицерлардан купчилиги худди мен сингари ота изидан борган йигитлар эди, яъни офицерларнинг фарзандлари. ота мерос касб эгалари, ҳарбий офицерлар оиласида ҳарбийча тарбия топган, ҳарбий интизомда усиб улғай-

ган, ҳар қандай вазиятга чидамли, шижоатли, ватанга садоқати қонида бор, довжорак ҳамда ута зийрак йигитлардир!

Полковник Фарҳод ака Мамаюсупов куп йил УзР ИИБда турли соҳа хизматларида раҳбар лавозимларда ҳамда тергов хизматида ҳам ишлаб, сунг куп йил Транспорт ИИБда бошлик уринбосари лавозимида ишлаган, угли Шерзод Мамаюсуповни ҳам юрист офицер қилиб ватан хизматиға ишға юборган. Шерзод куп йил Транспорт ИИБда фидоий ишларға хиссасини қушган терговчилар сафида эди, ҳозир Прокуратура органи тизимида ишламоқда.

Офицер Бахтиер Турматович Нурматов терговчи бўлиб ишлаб, бир умр Давлатға хизмат қилиб, хизмат даврида дунёдан утиб кетди. Унинг ўгли Элёр Нурматов ҳозир Транспорт ИИБ эксперт криминалист ходими, офицер.

Офицер юрист укамиз Алишер Абдукаримович Акбаров ҳам офицер ўғлони, бир умр давлатға хизмат қилган, раҳбар мансабларда ишлаган, ҳурматли Полковник Абдукарим Акбаровичнинг угли булади, Алишер ота изидан бориб, ватан олдидаги бурчини бажариб, Транспорт ИИБ обрусига ўз хиссасини қушиб кетган йигитларимиздан бири.

Офицер укамиз Дилмурод Эгамбердиев, анча йилдан бери Давлат хизматида обру билан ишламоқда, у ҳам таниқли юристлар сулоласи фарзанди, поччаси Хусанов Маҳмаджон ака ҳам Транспорт ИИБ тергов хизматида ишлаган фахрий офицер эди, отаси Эминжон ака ҳамма юристларға таълим тарбия берган олим инсон Эминжон ака Эгамбердиев бўлади, акаси юрист офицер Музаффар Эминжонович Эгамбердиев куп йиллик прокурор.

Илғари биз билан бирға ишлаган офицер укамиз Ильхом Хожиматов ҳам офицер оиласининг ўғлони, унинг отаси Муҳаммадамин ака Хожиматов офицер, бир умр Ички ишлар органларида турли лавозимларда ишлаган инсон эди.

Подполковник Баҳром Абдуазимович Ганиев ҳам, куп йил раҳбарлик лавозимларда ишлаган инсон, офицер юристлар сулоласининг вакили, акалари Полковник Рустам ака Ганиев бир

умр УзР ИИВда Тергов Бош Бошкармасида обрулик лавозимларда ишлаган ҳурматли инсон булган.

Тергов хизмати фахрийларидан булган Подполковник Каримов Хасан ака раҳматлини уғли Сарвар ҳам юрист булиб, куп йил УзР Президенти Девонида ишлади, ҳозир Тошкент шаҳар жиноий ишлар суди судьяси лавозимида Ватан ҳимоясида.

Офицер Подполковник Абдукодир Насириддинович Азинов куп йил Давлатга хизмат қилган ходим эди, у офицер юристлар оиласида усиб улғайган, отаси офицер Прокурор Насириддин ака Азинов тарбиясини олган, яъни офицернинг фарзандидир.

Подполковник Баҳром ака Юлдашев биз билан тергов хизматида куп йил ишлаган ҳурматга сазовор сафдош ҳамкасбимиз, фахрий офицеримиз булади, унинг уғли Даврон ҳам офицер, Транспорт ИИБда ишлаган эди, ҳозир Тошкент шаҳар ИИБда ишламоқда.

ПОЛКОВНИК Акбар ака Жалиловлар авлоди ҳам офицер юристлар сулоласи вакилларидан, Акбар акани отаси Холматжон амакимиз Зухур хожи отамнинг дусту булган, бир умр Давлат органларида халқига хизмат қилган ҳурматли фахрийлардан, акалари Полковник Олимжон ака Жалилов куп йил ватанга хизмат қилган, ҳозир уғиллари Сарвар ва Азиз Жалиловлар ҳам ота касбини эгаллаб, офицер хизматини давом эттиришмоқда.

Бошқармамиз ҳузуридаги қуйи турувчи Ургенч Транспорт тармоқ ИИБда Тергов булими бошлиғи лавозимида ишлаган офицер Подполковник Озод ога Абдукаримов ҳам тергов ветеранларидан биридир, ҳозир унинг уғли офицер Ички ишлар органи ходими, Ургенч Транспорт тармоқ ИИБда терговчи лавозимда ишламоқда.

Жумладан офицер укамиз Сарвар Отажонов ҳам ота изидан борган, офицер тарбиясини олган, бир умр давлатга хизмат қилган, Транспорт ИИБда ишлаган ҳурматли тажрибали офицер Йулдон ака Отажоновнинг уғли булади.

Шуниингдек, сафдошларимиздан бири офицер укамиз Майор Музроб Қутлимуродов Раҳимберганович булади, унинг отаси раҳматли офицер Майор Раҳимберган ака Қутлимуродов эди. Улар бир умр УзР, ИИВ ДАНББда ва Тошкент шаҳар ИИББ

ДАНББда турли лавозимларда ишлаган офицер булган эди. угли ҳам ота изидан бориб юрт учун хизмат қилган бурчига садоқатли ута тезкор тажриба соҳиби булган тезкор ходим булиб етишди. Бошқармамизда куп хизмат тизимларида масъул ва раҳбар лавозимларда ишлади.

Яна ҳамкасбларимиздан бири Улуғбек ака Исмоилов ҳам укаларига ва уз боласига ҳарбий тарбия ва илм берди. угли Рустам отаси изидан бориб, ота касб эгаси булди. ҳозирги вақтда Тошкент шаҳар ИИББ ДАНББда ходим булиб ишлаб келмоқда. Улуғбек ака асл аجدодлари тарихий шахслар сулоласидан, таниқли адиб булиб, уз даврида шоир, Хива тарихидан машҳур адабиётшунос Саид Назар отанинг, ҳамда унинг отаси Хоразм Шохининг ясовул боши булган Шайх Назар авлодининг фарзанди булади. Айнан ушбу бобосининг “Шиносий” номи яъни «Чинозлардан» деган номи ҳам булган. Бу сулола ҳақида ажойиб асарлардан бири “Ҳаёт китобида янги бир фасл” номли китоб юртимизда 2010 йилда расмий нашр этилган эди.

Офицер укамиз Алишер Сарабсков ҳам офицер уғлони, отаси бир умр Давлат учун хизмат қилган. УзР ИИВда юкори лавозимларда ҳурматга сазовор бўлиб ишлаган офицер Полковник Ҳасан ака Сарабсковдир.

Офицер укамиз Ойбек Турсунбаев ҳам офицер уғлони, отаси изидан ота касбни эгаллаб куп йил меҳнат қилди, отаси Туйчи ака Турсунбаев ҳам истеъфодаги офицер, бир умр раҳбар лавозимларда ишлаган инсон.

Офицер Туйчи ака Самиев ҳам Давлатга хизмат қилган фаҳрий инсон, угли Инъом Тажиев ҳам офицер, Транспорт ИИБ ходими.

Ҳамкасбимиз офицер Аҳмаджон ака Тожибоев ҳам уғлига ота касбни мерос қилди, офицер оиласида ҳарбий тарбия олган угли Аваз Тожибоев ҳам офицер бўлди, ҳозир Ватан учун хизматда УзР ИИВда ишламоқда.

Подполковник Манзура опа Каримова куп йил ишлаган фаҳрия офицер онамиз булади, улар укаси билан онаю ука офицерлар булиб, бир бошқармада укаси Наим Маликович билан бир сафда ишлаган эдик.

Марҳаматхон Хайритдиновна Набиханова офицер аёлларимиздан бири, куп йил бошқармада бирга ишлаган обрулик

ходимамиз булади. бу офицер ҳам таниқли Набихановларнинг офицерлар сулоласи фарзанди бўлади.

Бошқармамизда ака-ука офицерлар Абдурайим Шукурович ҳамда Абдумалик Шукурович Мамадиёровлар ҳам куп йил ишлаган. шахсий таркиб орасида фаол жамоатчи булган. ҳаммани бошини қовуштириб келган, барча фахрий офицер ходимларни узаро муносабатларида аҳилчилик урнатиб давра ташкил қилиб юрган. иккиси ҳам ватан ҳимоясига катта ҳисса қушишган.

ГЕНЕРАЛ Носириддин Аҳадович Исмоилов ҳам катта уғлини офицер касбига уқитиб ҳарбий тарбия берган, улар ҳақида фахрланиб эслаш лозим, чунки юртимиздан чиққан **ЎЗБЕК** офицерлари орасида юқори мансабда ишлаган инсонлардан бири айнан шу офицер эди.

Ҳозирги МДХ доирасида, собиқ Совет Иттифоқида буйсунувчи барча 15 та Республикалар буйича ягона бошқарган Вазирликда, собиқ Иттифоқ даврида Москвага буйсунувчи жами 15 та Республика Ички ишлар вазирлари устидан ягона бошқарувчи булган СССР Ички ишлар вазирининг ёрдамчиси лавозимида куп йиллар ишлаган биргина Ўзбек офицери булган.

Ундан ташқари Носир ака Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ва Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида куп йил ишлаган эди.

Офицер Полковник Аваз ака Азизхужаев ҳам таниқли юристлар сулоласи вакили. куп йил ЎЗР ИИВда турли хизматлар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, сунгра **ЎЗР ИИВнинг Транспорт ИИБга буйсунувчи** оғанда Тошкент транспорт тармоғи ИИБ раҳбари булган эди.

Полковник Мурод ака Ағзамов ҳам ЎЗР ИИВ Транспорт ИИБ ҳузуридаги Тошкент Транспорт тармоқ Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи булган, биз бирга ишлаган эдик, уларнинг отаси ҳам бир умр ватанга хизмат қилган офицер инсон, ЎЗР Ички ишлар вазирининг муовини лавозимида ишлаб, купчиликка устоз булиб, мураббийлик қилган Генерал Жура ака Ағзамовнинг уғли булади. Ҳозир Жура Ағзамовичнинг набираси, қиз фарзандининг уғли Даврон ҳам бобоси ҳаёт йулидан бориб, куп йилдан бери ватанга хизмат қилмоқда.

ҲАР БИР ОФИЦЕРГА НАФАҚАГА ЭҲТИРОМ БИЛАН КУЗАТУВ ТАДБИРИ НАСИБ ҚИЛСИН

2009 йил май ойининг 9 кунинда ЎзР ИИБ ТИИБ маросимлар залида раҳбарият ва шахсий таркиби иштирокида Б.Б.Зухуров расмий тантанавор тартибда офицерлик ҳурмати билан, миллий тун кийдирилиб истеъфога кузатилган, яъни органда хизмат қилиш охиридаги маросим, шу ҳарбий Давлат хизматини чиройли якуни насиб қилган.

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт “НАКЛИЁТ” Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи булган Генерал Носир Аҳадович Исмоилов ва мазкур лавозимда вақтинча бошлиқ вазифасини қўп йил бажарган Полковник Аҳмадали Мирзаназарович Худайназаров, Бошқармада қўп йил Бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаган Полковник Рамзиддин Ҳафизович Гафаров каби ҳамма раҳбарларимиздан ва ҳамкасб офицер укамиз. Бошқармада ҳурматга сазовор инсон Музаффаржон Асқаровдан ҳамда ҳозирги кунда Транспорт ИИБининг бошлиғи ҳурматли ҳамкасб укамиз Ҳамдам Қаршиевдан Ватан учун, Бошқармада ва шахсий таркиб учун қилган барча меҳнатларидан ва раҳбарлик хизматларидан бир умр миннатдоримиз.

Бизнинг бошлигимиз сифатида ҳалоқ меҳнатларимиз, юртимиз ва халқимизга курсатган барча хизматларимизни адолатли баҳолаб, уз вақтида доим тақдирлаганлари учун, бизга эҳтиром қўрашиб, иззат-икром ҳурмати билан Давлат ҳарбий хизматидан нафақага кузатув офицерлик тадбирларини утказиб кузатганларини бир умр унутмаймиз ҳеч қачон. Уларга узоқ умр, катта улкан зафарлар ва шон-шараф тилаймиз!!!

ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Фаолияти даврида бирга ишлаган Транспорт Прокуратураси тизимидаги Прокурорлардан, айнан Ички ишлар органи ходимлари тан олган офицерлар орасида ҳурматга лойиқ ва сазовор булганлари прокурор Ҳамид ака Неъматов, Бахтиер

Жураевич Абдувоҳидов, Фаргона Транспорт прокурорлари Зафар Акрамович Низамитдинов ва Омонулла ака Мамадаев, Равшан ака Шерматовлар, шунингдек Транспорт Прокуратураси Тергов бўлиmidан Шавкат ака Умиров, Шодмон ака Усмонов, Хасан ака Ортикхужаев, Қаршивой ака Хайталиев, Нодир Ганиевич Наджимов, Бегали Буриевич Зоировлар ута тажрибали прокурор ходимлар эди.

Қуш йил Тошкент вилояти ИИБда УБХСС тезкор хизматида раҳбар лавозимларда Отам билан бирга ишлаган Пётр Константинович Кан фарзанди Жанна Петровна Кан билан ҳам бирга ишлагандим.

Ушбу Прокурорлар билан бирга Транспорт ИИБ шахсий таркиби ходимлари жиноятчиликка қарши кескин курашиб, узаро ҳамкорликда, ҳамжихатликда ва аҳилчиликда ишлаган эдик.

НАФАҚАГА ЧИҚҚАЧ ЯНА ЯНГИ ЛАВОЗИМ ҲАМДА ЯНА ДАВЛАТ УНВОНИ

Нафақада булса ҳам, устозлари ишончи туфайли Баҳодир Зухуровни нуфузи баланд Вазирлик Маҳкамасига лавозимга куйилиб унга 2009 йилда яна иш берилди.

Янги лавозим мавқеи ва ваколатига асосан ноқонуний текширувларга қарши курашган. Ўзбекистонда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларини фаолиятини текширишларда йул куйилган қонун бузишликларни аниқлаб, чоралар қурган.

Баҳодир Зухуров 2009 йилдан 2010 йилгача ЎзР Адлия вазирлигида масъул мартабали лавозимда ишлаган.

Ватан учун қилган фидойи меҳнатлари эвазига янги унвон билан тақдирланган.

Ўзбекистон Адлия Вазирлигида давлат унвони:

“3-даражали Адлия маслаҳатчиси” давлат унвони соҳибни.

БУЙРУҚДАН КЎЧИРМА



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ADITIЯ VA ШP. TIГИ
Б У Й Р У Қ**

18.01.2010 йил №20-шл

Тошкент шаҳри

Махсус ушвонлар - мартаба даражалари бeрнин ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия идоралари ва давлат потариати ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида”ги Низомга асосан,

Б У Ю Р А М А Н:

1. 2010 йилнинг яиларь ойидан қуйидаги ходимларга ниябатдаги махсус ушвонлар – мартаба даражалари берилсин.

Марказий аппарат буйича:

3-даражада адлия мас. ш. х. т. ч. си

**Зухуров Баҳодир
Ботирович**

Галбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси

2. Махсус ушвонлар - мартаба даражалари учун 2010 йил февраль кунидан бонслаб ҳақ тўлансин.

Асос: Махсус ушвонлар - мартаба даражалари бeрнин буйича комиссия шўғлишининг 2010 йил 14 январь кунидаги мажлис бeсини маҳли.

Вазир

Р. Муҳитдинов

Буйруқдан кўчирма аслига тўғри
Кадрлар бошқармаси 1-қўрсатқичи
Ш. Каримова
21.01.2010 йил

ЎЗБЕК ОФИЦЕРИ МЕМУАРЛАРИ

Баходир Зухуров 1999 йил февраль ойидан то 2000 йилгача УЗР Бош Прокурори томонидан тузилган, “Халқаро Террористларни тергов қилиш” бўйича Бош Прокуратура Тергов Бошқармаси махсус тезкор-тергов гуруҳи терговчиси бўлиб ишлади. Гуруҳдаги ҳамма терговчилар бирга қилган куп ҳажмлардаги умумий тергов ишларидан ташқари, жиноят ишини тергови давомида шахсан унинг ўзига муайян юклатилган жиноят ишини қисми бўйича малакали тажриба билан ёндашиб маҳоратли тергов қилиши натижасида унга омад ёр бўлган.

“ҚАҲРАМОНЛИКМИ ЁХУД ЖАСОРАТМИ ЁКИ САВОБМИ, ЎЗБЕК ХАЛҚИ БИЛАДИ” чунки ўзбек офицерларининг ҳаётида юрти, давлати ва халқи учун қилган фидойи ишлари куп бўлади, улардан бири ҳақида тухталамиз.

Маълумки, хоин, бандит, жосуслар тудаси давлат гунтариш қилиш мақсадида режа тузиб, 1999 йилнинг 16 февраль куни кундузи Ўзбекистон Республикаси ҳукумати раҳбарлари ва аъзолари йиғилиш анжумани ўтказётган пайтда Тошкент шаҳрининг мустақиллик майдонида жойлашган Вазирлар Маҳкамаси маъмурий биносини портлатишиб Президентимиз ҳаётига ва давлатимиз ҳукумати барча раҳбарларига қарши суиқасд қилишди, булар давлатимиз душманлари бандит-террористлар куппорувчилик теракти содир қилишди.

Бундан ташқари шу куни шу вақтда шу портлашдан кейин Тошкентнинг яна 4 та манзилида катта бинолар кетма-кет портлади, натижада бегуноҳ фуқаролар нобуд бўлишди халқимиз саросимага тушди юртимда хотиржамлик йўқолди одамлар кучага чиқишга чўчиб қолишди.

Уша портлашларда купчилик одамларнинг ҳаёти хавф остида қолди.

Уша пайтда Ўзбекистон Бош прокурори Усмон Чинозович Худойқулов эди. Ўзбекистонда шунча куп терговчилар бўлсада шахсан узлари айнан Баходир Зухуровни танлаб чақиртирганлар,

ҳали ёш ходим булсада ва Президентимиз ҳаётига тажовуз қилган террористларни топиш, аниқлаш, айбю жиноятини исботлаб қаттиқ чора куришни топширдилар.

Тошкентдаги портлашлар фактлари буйича Республика Бош прокуратураси №18 тергов бошқармасида йиғилиб, 18№8363 рақамли жиноят иши қузгатилиб жами 20 та нафар терговчилардан иборат махсус тезкор-тергов гуруҳи тузилди, УзР ИИБ ТББ терговчиларидан баъзилари бизнинг тергов гуруҳимизга аъзо қилиб, амалий ёрдам бериши учун киритилдилар. холос.

Жами 100 дан ортиқ гумондорларга нисбатан дарҳол иш бошлаб, УзР ИИБ раҳбарияти бошчилиги ва кумагида террористлардан 55 нафари узоқ Давлат юртлардан топиб келтирилди. тергов гуруҳимиз томонидан улар барчаси қамаб айбланди, санкциялар олинди.

Террористларнинг айнан ашаддий ижрочи жангариларидан бир қисмини, хомийларини ва раҳнамоларини аниқлаш, топиш жуда кийин булсаям Ички ишлар Вазири, кумондонимиз, Генерал-полковник муҳтарам Зокир ака Алматов бошчилигида ва уларнинг доно курсатмалари ва шахсан ёрдами туфайли, тезкор-тергов гуруҳ томонидан биргаликда аниқланди, қулга олинди ва қамалди.

Ҳатто жангариларнинг бир қисмини Б.Р.Турсунов раҳбарлигида унинг бошқармаси томонидан Дубай, Туркия, Кавказ, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан топиб, олиб келишди.

Б.Б.Зухуровга тергов қилиш учун топширилган асосий террористлар ашаддийлари эди, Афғонистон ва Чеченистонда махфий яширин ҳарбий террористлар, жиноий жосуслар тайёрланадиган базаларда уқиган жосуслар, ёнланма қотиллар, қул жанги усталари, кўп террористик купорувчиликларни ижро қилган ва бошқа ўта оғир жиноий ишлар қилган жангарилар, шунингдек баъзилари дунёда бошқа жангларда иштирок этган эди.

Халқаро терроризмга қарши курашган жангчи-терговчининг хотиравий эсламалари :

«1999 йил февралидан то август ойигача **Махсус ер ости хонада жойлашган хибсхонанинг тергов қилиш хонасида ишладим, жиддий огоҳлантиришган эди ҳаётимизга хавф хатар**

булган экан, чунки кишанда булсада террористлардан ҳар қандай ҳатар ҳужум ҳавфи борлиги оддий ҳолат экан. **терговчини қалбидаги қурқмаслиғу юрағидаги ути шижоғи худо берган эркаклик нурури, офицерлик ор-номуси олдида бу ҳатар сезилмас эди, кулаб одамларни улдирган ёнланма қотиллар, жосус, рецедивистчилар гуёки бир оддий одамдай туюларди, бандитларни тергов қилиб, умрим, соғлигим кетди, мақсадиму вазифам: юртим ҳатким тинчлигини таъминлаш, адолат мезонини урнаши, далил исбот тушлаш, жиноятни исботлаш эди.**

Ҳамон ёдимда, менга ғамхўрлик қилиб, мен тергов қилаётган изолятордаги тергов хонасига ўша вақтда тезкор Бошқарма бошлиғи булган Ботир ака Турсунов шахсан кириб гапирган гаплари ҳеч эсимдан чикмайди:

“Бизни сафдош қуролдош дўстимиз Ботирни уғли экансан укам, иш бўйича нима муаммо булса менга мурожаат қилавергин, хоҳласанг мени хизмат кабинетимга кириб ишлавергин тергов суроқларни қилишинга, анча ёш экансан, ўзингни эҳтиёт қилгин, тергов қилишга бир ўзинг ҳеч қачон кирмагин хибхонага, булардан ҳавфлиси йўқ дунёда, энг ашаддий қотил-жосус террористлар булар”, деган эдилар Ботир Ражабович, ана шунда тушундим қутилмагандаги рўй бериши мумкин булган ҳужум, ҳатарни.

Ана шунда мен УзР ИИВдаги бир жамоада офицерлар орасида ўзаро ҳурмат борлигига, ҳамкасбини боласига уз боласидай меҳрибонлик қилиб қайғуриш фазилаги борлигини кўрдим ва шахсан амин булдим, **МИЛИЦИЯ** ходимларига янаям ҳурматим ошди.

Мазкур мен тергов қилаётган жиноят иши шахсан Президент назоратидаги тергов иши эди!!!

Бу оддий иш эмас эди, иш бўйича айбдорларни орқасида турган жосуслар, хуфёна хомий, буюртма берган шахсларни, ҳуллас Ватан хоинларини аниқлаш фош этиш, чора куриш маҳсус ва масъул мажбурияти елкамизда булган эди.

Қадимдан бизни она тупроғимизда Мавороуннаҳр, Туркистон, Ўзбекистон тарихида ва ҳозирги мустақил Ўзбекистон даврида бирор шоҳ, амир, хон ёки давлат раҳбарлари ҳаётига,

очикдан-очик суиъқасд, сиёсий ҳужум қилиш ҳолати ҳеч бўлмаган эди, устозларимиз даврида тергов иш амалиётида бундай иш ҳечам қурилмаганлиги боис уша давр жараёнида менга маслаҳат тавсия берадиган ўргатадиган, терроризм бўйича террорист жиноятини тергов қилиш услубларини кўрсатадиган мутахассис ва устубий адабиётлар юртимизда мутлақо йўқ эди, энди 6 йилгина ишлаган терговчилигим учун. эплай оламанми деб, шу масала чуқур уйлантирди.

Авалом Эгам ёритди йулимни, ота-онам тарбияси, ўзбекнинг ёш, офицерлик номуси бор ўғлонилигим, елкамдаги пагониму юлдузим, устозларимнинг тарбияси, Бош прокурорга менга шу иш берилишини тавсия этганларнинг, Ўзбекистон Бош прокурори менга ишончи менга далда бўлди. Оллоҳим берган идрок, онг, ақл, фаҳм, ички сезги, сабримга таяндим, чунки қилни қирққа ёриб, синчиклаб устамона маҳорат талаб этадиган малакали устаси фаранг прокуратура терговчиси эканлигимни исботлашим шарт ва зарур эди.

Келгусида Олий судда бу иш қурилиши, Халқаро ҳуқуқий вакиллар, журналистлар қатнашиши, суд жараёнида халқимиз қатнашиши, ойнайи жаҳонда қуриши маълум эди.

Жиноят иши бўйича Фигурантлардан бири Ўзбекистонда жиҳод қилиш мақсади бўлган “амир”ларидан бири “Зубайир” лақабли халқаро террорист Жаҳонгир Абдуллаевни тергов қилиб, тезкор тергов режамши тузиб, малакати услуб қўллаб, маҳоратли мантиқий психологик тактика ишлаб чиқиб, шахсий тажрибамга кура қилган суроқларим жуда қуп кун давом этдию, ниҳоят ижобий натижа берди, ғойибдан Оллоҳ марҳаматини кўрсатди, омадим келди иш бўйича ҳанузгача юртимизда ва тезкор-тергов гуруҳида бирорта ходим хабари бўлмаган ҳолатни аниқлаганман, ҳеч ким билмаган террористлар режаларидаги янги амалга энди ошиши керак бўлган, 21 март куни Навруз куни байрам пайтида Андижон портлаши ҳақида 1999 йили 19 март куни янги жиноят ҳақида қурғазмаларини олдим шу заҳотиёқ расмийлаштирдим шахсан узим. Тезкорлик билан Ички ишлар Вазилигининг Жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғига ёзма равишда топшириқ ёздим, мен аниқлаган манзилда 552 кг.

портлаш бомбаси топилди ва зарарсизлантирилди, мени хабарим топширигим асосида ҳатто бу ҳақида ИИВ раҳбарияти шахсан менинг номимга топширигимга расмий хат беришди, Андижон шаҳрини ва халқини улимдан сақлаб қолдим. Анча халқ портлаш қурбони бўлиб кетишдан омон қолди.

Кейинги ютуғим ҳам омадли, савобли самарали бўлди, янги бўлиши керак бўлган террор жиноятини аниқладим, топшириқ расмий ИИВ Терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғига бердим. Портлашни, одамлар улимни олдини олдим, улгурдим, хабарим топширигим асосида Наманган шаҳридаги мағзилда қурол-яроғ ва 521 кг. портловчи бомба топилди, зарарсизлантирилди ва расмий жавоб хати менга беришди, шахсан мен бу шаҳарни ҳамда халқини асраб сақлаб қолдим.

Суд жараёни телевидениеда кўрсатилди, бутун халқимиз ва дунё халқлари кўрди. Барча айбдорлар судланди жазога маҳкум этилди»

Бу воқеани айнан Б.Б.Зухуров қилган фидоий ишлари ҳақида Ўзбекистон Давлат рузномаларидан бири, Тошкент вилояти «Янгийул» газетасининг 4-бетига, «Пайи қирқилмоқда» номли сарлавҳа билан, 1999 йилда 2 июль куни чоп этилган мақолада халқимизга эълон қилинган эди.

Шунингдек, ушбу портлаш воқеаси ва террорчилар ҳақида, қилинган ишларни умумий ақс эттириб, айнан Баҳодир Зухуров ва бошқа ходимлар томонидан тергов қилинган жиноят иши фигурантлари ва эпизодларидаги иш ҳолатларини журналист ёзувчи Олег Якубов узининг 1999 йили нашр этилган «Волчья стая. Кровавый след террора» номли китобида ёзиб ёритган бўлиб юртимизда бу китобни кўпчилик ўқиган.

Халқим вақти келиб, балки билар балки билмас, вақт олий ҳакам бир Янгийуллик офицер йигит қилган шу 2 та шаҳарни одамларини портлашдан сақлаб қолган ишини элим, она халқим билди, аввалом бор Тангрим билди курди!

20 -сар. 1999
8353

Ўзбекистон Республикаси
ИИВнинг ИҚВБ-бўлиги
уришбосари миқдори
полковниги
И. кирсатовга

ГОПШИРИК
УзР шифри 33,343,347
моддаларига асосан

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан тошкент шаҳрида 15.01.99йилда содир этилган қўлланма қўлланма қоғазига бўйича 19363сонли хилофат аниқтаров қилинмоқда. Маълум хилофат иши бўйича айбланувчи Абдуллаев Жаҳонгир Алимович курғашларидан қуйидагилар аниқланди.

17.03.99йилда у айбланувчи тарихида қўшма равишда сурок қилинганда, 1999йил январ ойи уртасида Андижон шаҳрида бир гуруҳ вақобий оқми аъзолари билан бирга жикод қилиш мақсадида портов моддалар қорилиши тайерлаб хозирча ноямалум манзилга олиб бориб қуйилгани маълум бўлди. Шбу гуруҳ аъзолари Абдуллаев Жаҳонгирнинг узи у хозир қимомда ИИВнинг яутх.да, Соипов Қодир Қошиқович, 26097Йил тугилган, Андижон шаҳар, Олмазор куча 4-уйда яшайди, айнан шу шахс аломин пудраси 50кг. олиб келган, 1975йил тугилган, Андижон шаҳар, Чайковская кучада яшовчи Нуритдинов Хуснитдин лақаби "қора", Андижон шаҳар 137-урта мактабни ташилл шу шахснинг ақаси Андижонда "зеленый мост" деб аталмиш қойда, пахтачилик илмий институтини орқа томонидаги ҳамма хуқалигида раи лавозимида яшайдиган шахсдан пул эвазига 450кг. селитра ва 13 олтин гугурт моддасини шу уз уқаси Хуснитдин орқали сотиб олиш селитрани кг.ни 4сумдан "комсомолское озеро" номли қойга яқин қойда қойлашган хусусий тегирилми бор шахс ердимида янчилиб из ланиб, жами хом ашадир Андижон шаҳар, Чайковская кучасида яшовчи 137-урта мактабни битирган, шаҳар клиник касалхонаси олдидаги хусусий дуконда сотувчи сулиб қилувчи, "оқ" лақабли, 1975йил туги



4611 10028

4903 79996

Узбекистон Республикаси
прокуратура терговчиси
2-даражали юрист

Б. Б. Зухурова.

Сизнинг 1999 йил 20 март кунги № 8363 ракамли алохида топширингизга асосан куйидагиларни аниқлади:

Узбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги жиноят кидирув бош бошкармаси ва Андижон вилояти ички ишлар бошкармаси ҳамкорлигида 1999 йил 20 март кунини қурилган чора тadbирлар натижасида Андижон шаҳар Хайдар Ашуров кучаси 78- уйда яшовчи фуқаро Тухтабоев Абдурахимнинг уйдан жиний мақсадда фойдаланиш учун тайёрланган 11 қоп полиэтилен қопдаги оғирлиги 552 кг булган портловчи қоришма моддаси олинди. Бу портловчи моддаларни тайёрлашда унинг жиний шериклари

1. Андижон шаҳар Муҳиддинов кучаси 7-уйда истикомат қилувчи 1975 йилда туғилган Зақриддин Хусниддин Жамолиддинович .

2. Андижон шаҳар Тинчлик кучаси 3-уй 13 –хонада яшовчи 1960 йилда туғилган Насриддинов Нуриддин Каримович.(Андижон Кишлоқ Хужалиги олийгоҳида илмий ишлаб чиқариш раиси лавозимида ишлайди)

3. Андижон вилояти Андижон тумани Экин-тикин маҳалласида 1967 йилда туғилган Мадумаров Толиб (уз уйдаги махсус телгирмонда қоришма портловчи қоришма моддасини тайёрлашда ёрдам берган.)

4. Наманган вилояти Учқургон тумани Янгигер кишлоғида яшовчи 1976 йилда туғилган Султонов Бегали Абдусатторович(лақаби «Иқром, Абдулло, Шавкат» билан юритилган). Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида хибса олинган.

5. Андижон шаҳар Олмазор кучаси 3-уйда яшовчи 1970 йилда туғилган Қаримов Незъматилло (лақаби «Сайфулло») Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида хибса олинган.

100026, Тошкент пр. Широк Рахмонов, 1.

Хибса олинган жиноятчилар устидан ҳозирда жиноий иш кузгатилиб, тергов ишлари олиб борилаёпти.

Бу портловчи қоришмани таяёрлашда қатнашган жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари уларни билан 6 дона туппонча, 200 дан ортиқ туппонча уқлари 2 дона ф-1 жанговар гранатасини олиб номаълум томонга яширинганлар. Ҳозирда

1. Андижон шаҳар Олмазор кучаси 4-уйда яшовчи 1971 йилда туғилган Соипов Кодир Хошимович .

2. Андижон шаҳар Ўзбекистон 50 йиллиги кучаси 12- уйда яшовчи 1976 йилда туғилган Юсупов Мухаммадрафик Мухаммадусмонович .

3. Андижон шаҳар Тинчлик кучаси 3-уй 13- хонадонда яшовчи (лаҳабн «Қора») 1975 йилда туғилган Насриддинов Хусниддин Каримовичлар устидан қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Юқоридаги жиноятчиларни қидириб топилш борасида гуруҳлар тузилиб Қирғизистон Республикаси Бишкек, Ош ва Жалолобод вилоятларига хизмат сафарига юборилганлар. Бу жиноятчилар ҳақидаги маълумотлардан хабардор этиб турачиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЖКББ бошлиғининг уринбосари
милиция полковниги



Handwritten signature and stamp of the Uzbekistan Ministry of Internal Affairs, JSCB (Joint Security Control Body) head's deputy, Colonel of the Militia.

Уша 1999 йилдан кейин 10 йил вақт орадан утгач савобини ажирини берди эгам 2009 йил баҳорида Арабистонга Мадинаю Мукаррамага ва Макккаю Мукаррамага онажонимни олиб бордим, Каъбатуллоҳда дуоларини олдим, зиёратга Худони уйинга узи меҳмонга чақирди, ҳаётимда шундай бахт менга насиб қилди. Дунёдан утган катта дадам ва катта ойим, бувам, бувим, амакиларим, тоғам учун шахсан узим галма-гал навбати билан Каъбатуллоҳда таввоф қилиб бадалини бажардим. Ногирон болалиқдан касал укам УМИДЖОН учун урнига эҳром кийиб, тавоф қилиб, умра хаж бадалини амалга оширдим.

Менинг Ўзбек халқим учун ватанга, ҳукуматимизга қилган офицерлик куп йиллик хизматим даврида шу ҳозир баён қилиб билдираётган фактлар менинг фидойи бурчим эди, лекин аслида бу **ЖАСОРАТМИ ЁХУД КАҲРАМОНЛИКМИ ФАҚАТ ХУДОГА АЁН, САВОБИНИ ХАЛҚИМ БИЛАДИ !**

Яқин кунларда ўзбек офицери Баҳодир Зухуровнинг илгари Давлат хизмати даврида умумжаҳон терроризмга қарши курашларда курсатган хизматлари учун ҳамда Давлат ва юрти учун қилган фидойи ишларига қисман баҳо берилди :

2017 йил 5 май куни илгари эришган ютуқлари тан олинди Куроли кучлар заҳирасидаги наъмунали офицер тариқасида ҳарбий комиссариат-мудофаа ишлари томонидан ЎзР Мудофаа Вазири номидан фахрий ёрлик берилди.

2017 йил 26 май куни нафақадаги истеъфодаги офицер тариқасида мукофотланиб нишондор булди, ЎзР ИИБ Фахрийлар Бирлашмаси Кенгани томонидан «Ички ишлар вазирлигининг фахрий-ветерани» номли кўкрак нишони билан тақдирланди.

2017 йил 23 июнь куни жанг урушларда қатнашганларнинг “Ўзбекистон жангчи ҳарбий ветеранлар бирлашмаси” Президиуми томонидан Б.Б.Зухуров утмишида қилган мардонавор жасорати, терроризмга қарши кураидаги ютуғи тан олинган ва унинг эришган ютуқлари урушда булганлар мавқеига тенглаштирилиб, унга “Жангчи-ветеран гувоҳномаси” берилди. Бу Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ҳарбий Атташеси инфофли рус офицери Полковник С.Г. Чернишёвнинг ташаббуси

ва ҳарбий жангчилар бирлашмаси раиси Талъат Пардаевич. Полковник Рустам ака Султоновларнинг тавсияси билан амалга ошди.

Жангчилар бирлашмаси ҳарбий президиуми томонидан Б.Б.Зухуров фахрий-жангчи тариқасида аъзоликка қабул қилиниб, Ватан учун қилган мардонавор иши учун уни тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

2017-2018 йиллар жангчилар ҳаракатида курсатган фидоий хизмати учун МДХ миқёсида ҳарбий медаллар билан тақдирланди.

«Шахсан эслаб хотиралашга ижозат қилдимки, чунки уша даврда Терроризмга қарши курашлар жараёнида шахсан мен Баҳодир Зухуров билан бирга бир сафда Республика Бош Прокуратураси тергов гуруҳида ва УзР ИИВ Тезкор-тергов гуруҳида ҳамда ҳар бир вилоятлар миқёсидаги ҳуқуқий муҳофаза органларида жуда кўп тезкор ва тергов ходимлар туну кун ҳалол меҳнат қилишган эди.

Чунки ҳар бир ходим кимлигидан қатъий назар, қайси лавозим мансабда ишлаганидан қатъий назар, қанча йиллик тажрибага эгаллигидан қатъий назар, ҳар бир офицерни ўз ватани учун утмишдаги қилган меҳнатини таҳлил қилиб, эслаб сарҳисоб қилиб, рисола ёхуд китоб ёзиб, шахсан ўз амалиёти тажрибасидан эсдалик тарихини қолдиришга ҳаққи бор.

Уша ходимларнинг ҳар бири узига яраша озми ёки кўпми баъзи ютуқларга эришганлар, аммо шуни таъкидлаш керакки улкан буюк ютуқларга эса ҳамма ҳам эришавермайди, чунки бу ҳаёт қонуни, инсон тақдири, омад ва одам рисқи мезонлари бўлади.

Ходимлар кўпчилик булиб, жамоа таркиби сафида, тезкор-тергов гуруҳ фаолияти жараёнида бирга эришилган ютуқлардан ташқари, баъзи омадли ходимлар яқка ёлғиз шахсан бир ўзи яққохон равишда эришган фидоий ишлари ҳам бор, айнан омад ёр булиб, Тангрим йулини ёритиб, бир ўзи ёлғиз ҳолда фидоий ютуқларга эришган ходимнинг ҳалол иши ватанимизда доимо мактовга лойиқ булган.

Биз уларни барча ютуқларини ҳурмат қиламиз, узгалар обру мавкейини, ютуқини кибрга, фиски фасодга йуймаймиз, бошқалар фидокорона мардонавор ишлари ҳақида салбий бахил маънода фикр қилмаймиз, **чунки биз каби Узбек офицерлари ор номуси, орияти ва диёнати бор инсонлармиз**, шахсан бир узи уз маҳорати малакаси билан эришган ютуқларини танқид ёки инкор қилмаймиз ҳеч қачон, аксинча ҳавас қиламиз уларга, фарзандларимиз ҳам шундай омадли булишсин деб кулимизни дуога очамиз!!!

Фарзандларимизга ва келажак ёшларимизга уларга қоладиган моддий меросдан кура биздан маънавий меросимиз, ҳаёт тажрибамиз, авлодимиз обрусидаркор ва афзалдир.

Жуда кўп йиллар давомида 18 йил камтарона сукут сақлаб юриб бўлгач, эндиликда фарзандларимиз улғайишди набиралар ўсиб, кўпайиб бормоқда, мана энди ҳар бир офицер ўз шахсий ютуғини келажак авлод учун эсласа маънавий мерос бўлгай !!!»

Халкимиз, ҳамда ватан олдидаги бурчини Баҳодир наъмунали сидқидилдан бажариб, кўп ютуқларга эришганини Россиянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси, Россиянинг Ўзбекистондаги ҳарбий Атташэси Полковник Сергей Генадьевич Чернышов томонидан, МДХга кирувчи 16 та Давлат буйича Жангчилар ва Уруш фахрийлари Бирлашмаси Кенгаш Президиуми ва бизни Давлатимизда УзР Мудофаа вазирлиги, УзР ИИБ расмий тан олган, фидойи ишлари эвазига яраша БАҲОДИР рағбаглантирилган.

Ушбу ҳолат мазкур китобда ёзиб ёритилиб, бир умр эслашга арзигулик ҳодисалардан иборатдир.

Шахсан уша даврда Терактлар буйича ва Терроризмга қарши кураш буйича бошқа ишлар терговни мобайнида ҳамда Республика Бош Прокуратураси тергов гуруҳида ва УзР ИИБ Тезкор-тергов гуруҳида жуда кўп тезкор ва тергов ходимлар ҳалол меҳнат қилишган ва ҳар бири узинга яраша ютуқларга эришганлар.

Уларни фидоий ишлари Давлатимиз томонидан тан олинган ва мукофотланган, шундай офицерлар мактовга лойиқ ва биз уларни ютуқларини танкид ёки инкор қилмаймиз ҳеч қачон, аксинча ҳавас қиламиз уларга ҳамда барча касбдошларимиз ютуқлари билан фахрланамиз доим.

“ҚАҲРАМОНЛИКМИ ЁХУД ЖАСОРАТМИ ЁКИ САВОБМИ УЗБЕК ХАЛҚИ БИЛАДИ”

УЗБЕК ОФИЦЕРЛАРИНИНГ ҲАЁТИДА ЮРТИ, ДАВЛАТИ ВА ХАЛҚИ УЧУН ҚИЛГАН ФИДОИЙ ИШЛАРИ КҮН БҮЛАДИ. УЛАРДАН ФАҚАТ БИРИ ҲАҚИДА ТУХТАЛДИК ХОЛОС.

Ўтмишдаги ўз шахсий аниқ қойил мақом ўрнатма сазовор ишларимизни ва ўз ютуқларимизни эслаш бу асосий мактовга кирмайди, камтарликдан четга чиқишга кирмайди ҳеч қачон.

Қолган барча Республикамызда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги ходимлар мустақил шахсан қойил қилиб эринган ўз ютуқлари бўлса агар, улар ҳақида бемалол индивидуал ҳолда ўз мемуарларида чексиз хоҳлаганича эслашга, рисола, китоблар, мақолалар, ҳикоялар чиқаришга гулик ҳақлидирлар!!!

Бироқ этиб ўтиш ва эслашга сазовор арзигулик ютуқлари ҳақида шахсан Баҳодир Зухуровни ўз меҳнаги билан, узининг аниқ мақсади сари режалари билан утказган тергов ҳаракати натижасида эринган фидоий муваффақиятли ишларини орадан 18 йил вақт ўтгач эслаш вақти келди, 18 йил камтарона сукут саклаб юриб булгач, энди келажак авлод учун эсласа маънавий мерос булгай, чунки ҳар бир ходим кимлигидан қатъий назар қайси лавозим мансабда ишлаганидан қатъий назар, қанча йиллик тажрибага эгаллигидан қатъий назар, ҳар бир офицерни ўз вагани учун ўтмишдаги қилган меҳнатини таҳлил қилиб эслаб сарҳисоб қилиб эслашга рисола ёхуд китоб ёзиб ўз амаллиётини тажрибасидан эдалик тарихини қолдиришга ҳаққи бор.

Мисол тариқасида айтиб таъкидлайманки, юртимизда терроризмга қарши курашганлик ишлар ҳақида бизнинг собиқ сафдош ҳамкасбимиз, кўп йил тезкор вакил бўлиб ишлаган, Тошкент шаҳар ИИББ ДАИБ бошлиғи лавозимида ишлаб, Тошкент йулларида мутлақо тартиб урнатган инсон. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг уринбосари бўлган офицер Шўҳрат ака Абдужабборов китоб ёзиб чоп эттирган эди, ҳаммамиз ҳавас қилиб ўқигандик, жуда сермазmun, чиройли маърифий китоб ёзиб бизга туҳфа қилганлар.


ХАЛҚАРО КАСБДОШЛАР

Жиноятчиликка қарши курашда офицерларни ёҳуд уруш майдонидаги жангчиларни ватани, оиласи, уювони ва дустри булади аммо миллати ё эътиқодида фарқ бўлмас асло!!!

Бутун дунёда номи бир, улар офицерлардир, бу дунёда барчасини номи бир хил улар ЖАНГЧИЛАРДИР!!!

Халқаро ҳамкорликда чет эл мамлакатлари тергов органлари билан узаро жиноятчиликка қарши кураш йўналишида мен тергов гуруҳида ўз вазифасини сикқидилдан бажаришим натижасида чет эл офицерларидан кўп дустлар ортирганман. Россия Федерацияси Марказий Волга Округи тергов бошлиғи, Округ ҳудуди бўйича бошлиқ, Россияни жами 5 та вилоят тергов идораларига масъул ва раҳбар бўлган Транспорт Тергов Бошқармаси бошлиғи, Россия Полицияси Подполковниги Дмитрий Борисович билан анча йилдан бери ҳамкасб, соҳадош дўстмиз.

БАҲОДИРНИНГ ҲАЕТ ЙУЛИДАН ФОТО ЛАВҲАЛАР



Баҳодир Зухуров таҳсил олган Европанинг Латвия давлатида Рига, Цесис шаҳарларидаги махсус ўқув марказининг таълим-таътил мажмуаси (CESU, SANATORIJAS MEZA SKOLA, OTOMARA OSKALINA PIONIERU VIENISA, MOMENTE BERZOINE)



Баҳодир ёшлигида Европада таълим ва тарбия олган ўқув маркази.
Биринчи қатор ўнгдан чапга учинчи Б.Зухуров. Биринчи қатор чапдан ўнгга олтинчи Саида Зухурова.
Энг юқори қатор ўнгдан биринчиси Севара Зухуровна.



Арслон ака Илов жанговор спорт буйича мураббийимиз.





Устозим прокурор, Генерал Абдурашид Маннонов.



Устеним прокурор Орифжон ака Холматов.







ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРАТИ
ТЕРГОВ БОШ БОШҚАРМАСИ

ТАШАККУРНОМА



2006 йил

«ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИДА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ОДАМЛАР ЎЗИНИНГ
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ФУҚАРОЛИК БУРЧИНИ ҚАНЧАЛИК
ҲАЛОЛ ВА СИДҚИДИДАН ИЖРО ЭТИШИ, ҲЕЧ
МУБОЛАҒАСИЗ, БУТУН ХОКИМИЯТНИНГ ОБРЎСИ ВА
КИШИЛАРИМИЗНИНГ АДОЛАТГА ИШОНЧИ ҚАЙ
ДАРАЖАДА БЎЛИШINI БЕЛГИЛАЙДИ».

И.А.КАРИМОВ



ТРАНСПОРТ ИИБ

ЗУХУРОВЛАР оиласига

ТАШАККУРНОМА

Хурматли Ботир Зухурович ва Зиннат Қамбаровна !

Фарзандингиз капитан Зухуров Баҳодир Ботирович, Транспорт ИИБ. тергов бошқармаси гуруҳ катта терговчиси лавозимида хизмат қилиб, 2005 йил ва 2006 йил 1 – чораги даврида давлат ва фуқароларнинг эркинлигига қарши қаратилган ўта оғир жиноятларни тергов қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фарзандингиз истиқлолимизга раҳна солишга уринаётган ички ва ташқи кучларга қарши курашнинг оддинги сафларида бориб, халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги фидокорона меҳнати билан мустақил Ватанимизнинг равақига унинг ўзиге хос ва ўзига мос йўлидан буюк келажаги сари боришида уз хизматлари билан муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Халқимизга, Ватанимизга сизидидан хизмат қиладиган, ўз ишига содиқ бўлган фидокор фарзандни тарбиялаб юлга етказишнингиз учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти Сизга ўз миннатдорчилигини билдиради

Сизга мустақкам сиҳат – саломатлик, узоқ ва сермазмун умр, оилангизга тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Хурмат ва эҳтиром билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби помидан

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирли
ўринбосари



А.О.Шарафутдинов

2006 йил * * * апрел





Полковник устозларим: А.Х.Жалилов, А.М.Худойназаров ва бошқалар.





**ҲАР БИР ОФИЦЕРГА ИСТЕЪФО-НАФАҚАСИГА КУЗАТУВ
ТАДБИРИ НАСИБ КИЛСИН**





09.05.2009 Яил.

**ҲАРБИЙ НАҒАҚАДАГИ ОФИЦЕРНИ КЎРСАТГАН
ФИДОЙИЛИКЛАРИ УЧУН ТАҚДИРЛАШ ВА МУКОФОТЛАШ
ТАҚДИМОТ МАРОСИМЛАРИ**



Полковник Р.Султонов Президент И.А.Каримов билан.



Полковник Р.Султонов Президент Ш.М.Мирзиёев билан.



Бахдир Зухуров Пожовник Р.Султонов билан.



Жангчи ва жиноятчиликка қарши курашган офицер ватанига халқига ҳалол меҳнати билан хизмат қилгани эвазига давлат ва халқ томонидан эътироф этилиб елкасидаги юлдузи ва медал-орденлари берилди. 01.03.2018 й.



Полковник Р.Султонов Б.Зухуровни тақдирламоқда.



Ўзининг яхшига ва муносиб
таълим олишига қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ
қўйиб, ўзининг қўйган ҳақ

Ўзининг яхшига ва муносиб

Ўзининг яхшига ва муносиб

FAXRIY YORLIQ BILAN MUKOFOTLANADI

Ўзининг яхшига ва муносиб

Ўзининг яхшига ва муносиб

Ўзининг яхшига ва муносиб

Ўзининг яхшига ва муносиб

Ўзининг яхшига ва муносиб



Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги
Фахрийларининг жамоат бирлашмаси

ГУВОХНОМА № 601

И.А.Б.Э.Р.
Бунёдоров
Бунёдоров

кўкракка тақриладиган «O'zbekiston IV
Важузи-Ветеран МВД Ўзбекистана»
нишон билан тақдирланди

Ўзбекистон ИИИ
Фахрийлар кенгаши раиси
генерал-майор

Г.Р. Рахмонов

2016 йил 20 апр



Баходир Зуҳуров Генерал Артикбаев билан ҳарбий маросимда.
25.10.2017 й.



Россиянинг Ўзбекистондаги ҳарбий Атташэси Полковник Сергей
Геннадьевич Чернышев, Жангчи-ветеранлар бирлашмаси раиси Талъат
Пардаевич Муратов, истеъфодаги Полковник Рустам ака Султонов.



Ҳарбий байрам тадбири 13.01.2018 йил.



Тошкент шаҳар Ветеранлар бирлашмаси Ҳарбий кенгаши президиуми
йигилиши 15.02.2018 йил.







**БОБОДЕҲҚОН ЁКИ БОҒБОН ЭККАН КУЧАТИНИ МЕВАСИДАН ЭМАС,
УНИНГ ИЛДИЗ ОЛИБ КУРТАК ЧИҚАРИБ, ГУЛЛАГАНДА БАҲРИДИЛИ
ЙЙРАЙДИ, ХАЁТГА ЯНАДА МЕҲРИ ОШАДИ.
СПОРТЧИЛАРИМИЗ СТАРТДАН ФИНИШГАЧА ЧЕМПИОНАТ МУСОБА-
ҚАСИДА ИШТИРОК ЭТГАНИНИНГ ЎЗИ УНИНГ УЧУН КАТТА БАХТ ВА
ИШТИРОК ЭТГАНИ ТАРИХДА ҚОЛАДИ. АММО СОВРИННИ ҚЎЛГА
КИРИТСА, ЮТСА, МУКОФОТНИ ҚЎЛГА КИРИТСА, ОДАМЛАР, ХАЛҚИМИЗ
ХОТИРАСИДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ.
ЖАНГЧИ ЁКИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШГАН ОФИЦЕР КАТТА
МУКОФОТ ВА БУЮК УНВОНЛАРГА ЭРИШСА ЁКИ ЭРИШМАСАДА ШУ УЛУҒ
КУРАШЛАРДА ИШТИРОКИ ВА ҚУШГАН ҲИССАСИ БИЛАН БАХТЛИДИР.
АММО ЭРИШГАН ЕЛКАСИДАГИ ЮЛДУЗЛИ УНВОНИ ВА КУКРАГИДАГИ
МЕДАЛЛАРИ БИЛАН ЎЗ ВАТАНИ ТАРИХИДА, АВЛОДИ СУЛОЛАСИ
ТАРИХИДА, УЗИ ХИЗМАТ ҚИЛГАН ХАЛҚИ ХОТИРАСИДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ.**







ОФИЦЕР – ҲАРБИЙ МАРДОНАВОР ИНСОН, У АБАДИЙ ЖАНГЧИ, УЛИМДАН ҚУРҚМАС ЖАНГАРИ ОДАМ, ҲАЁТИДА ДОИМ ТУНУ-КУН ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТГА ТАЙЁР ШАХС, УНИНГ ҚАЛБИДА РОББИМ, КЎЗ УНГИДА ВАТАНИ, ОИЛАСИ ТУРАДИ, ҲАЁТИДАГИ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ ЭСА ЕЛКАСИДАГИ ЮЛДУЗИ, ҚУРОЛИ ВА ТУЛПОРИДИР, УНИНГ РАМЗИ АЗАЛДАН ҚИЛИЧУ ҚАЛҚОН БУЛГАН!!!



Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Транспорт Ички ишлар Бошқармасининг Тергов Бошқармасида ишлаб, Ички ишлар Давлат Тергов хизматидан эҳтиром ва ўз ҳурмати билан тантанавор тадбир ўтказилиши мавқеиغا эришиб, миллий либос кийдирилишига сазовор бўлиб, офицерлик нафақасига кузатилган:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органида берилган давлат хизмати мартаба даражаси унвони 2-даражали юрист.

Ўзбекистон Ички ишлар Вазирлиги Давлат хизмати нафақасидаги офицери, унвони Майор.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида берилган Давлат хизмати мартаба унвони 3-даражали Адлия маслаҳатчиси.

Ўзбекистон Мудофаа Вазирлиги ҳарбий захираси офицери, ҳарбий унвони Майор.

Б.Б.ЗУҲУРОВ







Баходир курсдош дўстлари билан қадимги Оқ саройда. Шаҳрисабз шаҳри.
17.04.2011 й.



ХАЛҚАРО КАСБДОШЛАР



Баходирнинг дўсти рус офицери Дмитрий Борисович



Баходир Ботирович ва Дмитрий Борисович. Россия.
Волга дарёси буйида сайрда.

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЛМОС ҚАБИЛАСИ ВА УРУҒЛАРИ
ҲАҚИДА**



**Полковник Ботир Зухурович ва шогирд-укаси олмослик полковник
Баҳром Арапатов**



Сардор Мамадалиев Баҳодирнинг тадбирида меҳмонда. 01.03.2017 й.



Жамшид ва МуҳаммадБобир.



Ўзбекистонда машҳур хофиз хонанда олмослик Сардор Мамадалиев
Баҳодирнинг тадбирида. 01.03.2017 й.




Қамчик довоида Олмос тоғли қўргонига кириш.



Олмос қўргони Имом ота кишлоғидаги Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримизнинг звараси ҳамда авлиё Фотима онанинг невараси пайғамбарзода макбараси ва зиёратгоҳи

Hüseyn və Yezid Əmioğlu olublar



ҚАДИМГИ ОЛМОС ВА АХЧА (ОҚҶУЮНЛИ), БАРЛОС ВА ЧИНОС ҚАБИЛАЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВ ХАРИТАЛАРИ.







Source: A.A. Santos

- | | | |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> — National Capital Region — Metro Manila — Province — City — Municipality — Barangay | <ul style="list-style-type: none"> • Administrative center • Major city • Provincial capital • City • Municipality • Barangay | <ul style="list-style-type: none"> • Administrative center • City • Municipality • Barangay |
|---|---|---|
- Source: A.A. Santos (1988)



*The Abbasid Caliphate,
Administrative Provinces &
During Harun Al-Rashid's Reign
(786-805)*









ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЛМОС ҚАБИЛАСИ ВА УРУҒЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекларнинг яъни қадимги туркий қабиларидан бири булган Олмос қабиласи, ундан тарқалган қовми-мурт, уруғ-аймоқ ҳамда сулолалар ҳозирги даврда Ўзбекистонимизнинг барча вилоят туманларида яшашади. Асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшайдилар, шу жумладан Олмосликларни зич маконлари бу Тошкент шаҳридаги Яшнаобод туманида ва Файзиобод, Роҳат, Оқ уй, Янгиобод маҳаллаларида, Туйтепа шаҳри ҳудудидаги Олмос қургони, Занги Ота қургони Эркин маҳалла, Чош тепа маҳалла ҳудудларида, Янгийул шаҳрида ва Файзиобод маҳалласида, Чиноз шаҳрида ва Чинознинг Олмазор, Эски Тошкент қурғонларида, Оҳангарон тумани баъзи тоғли ҳудудларида, Ангрен шаҳрида, ҳамда Турақурғон туманида ҳамда юртимизнинг барча турли маконларида яшайдилар.

Қадимги даврдан бери, жипс-зич, утроқ аجدодлардан чиққан авлод ва сулолалардан тарқаган оилалар асосан Чуст туманидаги “Имом Ота” номли (“Парда Турсун” номи ҳам бор) қурғонга қушни ёнма-ён жойлашган Олмос ва Ахча қурғонида ягона фақат Олмос авлод оилалари бор ҳолда яшайдилар.

Ҳозирги вақтда бизга замондош инсонлардан асл келиб чиқиши Олмос қабиласидан тарқалган таниқли ва машҳур одамлар кўп, уларнинг барчасини эслаб, кўрсатиб утишни лозим топмадик, шу жумладан фақат Олмосларни баъзилари ҳақида эслашимиз жоиз бўлади.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида тезкор хизматнинг турли раҳбар лавозимларда кўп йил ишлаган ПОЛКОВНИК Баҳром ака Арапатов авлоди, Ўзбекистонда Маданият вазири ва кўп йил раҳбар лавозимларда ишлаган Баҳодир ака Абдурахимов, унинг уғли кўп йил “СБП” Ҳарбий махсус Қушинида, яъни ЎзР Президенти хавфсизлиги хизмати раҳбарининг уринбосари лавозимида ишлаган, ҳарбий офицер Бахтиер ака Абдурахимовлар авлоди, халқ олқишига

сазovor таникли булган, санъаткорларни энг обрулиги ва зури. элимизда машхур хушовоз ҳам хушнавоз хонанда, ҳамда ҳақиқий жарангдор эркак-овози соҳиби булган ҳофиз, обрулик оила фарзанди Сардор Мамадалиев сулоласи Олмослар авлодидан бўлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Хонобод маҳалласидаги ҳурматли Абдувоҳид ака Абдураҳимовнинг угли таникли катта тадбиркор Мурод Абдураҳимов обрулик укамизнинг авлоди Олмослардандир.

Янгийул тумани, “Эски қовунчи” маҳалласидаги тадбиркор Холмурод ва Муйдин акаларимиз авлоди ҳам элга таникли одамлар, Россия билан савдо алоқасини йулга қуйган инсонлардир.

Шунингдек, куп йил Янгийул шаҳар ҳокимияти ва Тошкент вилояти ҳокимиятида турли раҳбар лавозимларида ишлаган Холмурод ака авлоди, бу инсон Янгийул шаҳридаги Файзиобод маҳалласида яшаган обрули, олмослик Карим амакиннинг невараси, Холмурод акамиз янгийуллик таникли Ҳабибулла аканинг угли бўлади. Уларнинг амакисининг угилларидан Махмуд ака, Қодир ака ва Ғофир акалар ҳурматли инсонлар. Янгийул шаҳрида, Ғофир ака куп йил Янгийулда корхона раҳбари булган эди, Қодир акамиз биз билан дўстона алоқада булган доимо, Россия билан совет давридан бери чамбарчас боғлиқ бизнес соҳиби бўлган эди.

Ҳабибулла ака ва Қувват ака бизнинг раҳматли Жаҳонгир Қамбаров тоғамиз билан дўст эдилар. ҳозирги кунда шу риштани Ботир Қувватович ва Холмурод ака шахсан мен билан дўстона муносабатни давом эттиришмоқда

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг, Яшнаобод туманидаги “Билимдон” маҳалласида яшовчи Турахужаевлар авлоди ҳам юристлар сулоласи булиб, уларнинг отаси бир умр Прокуратура идораларида ишлаган прокурор булган инсон эди. угли Ойбек Турахужаев ҳам юрист, бу авлоддан чиққан таникли инсон Азизбек куп йил юртимизда энг машхур “Меҳр нури” хайрия жамғармаси раҳбари булиб ишлаган эди. Азизбек асли Генерал Охунжонов сулоласига қондош фарзанд булади.

Ўзбекистонда энг қадимги олмос қабиласи ҳақида

Ўзбекларнинг яъни қадимги туркий қабилардан бири, энг қадимги эски Ўзбек қабиласи булган Олмос қабиласи халқи, ундан тарқалган қовми-мурт, уруг-аймоқ, эллат-миллат, аждоду-авлод ҳамда сулолалар одамлари ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг барча вилоят, туманларида яшашади, асосан Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятидаги барча туман ва шаҳарларида, ҳамда Қамчик тоғли улкан довондаги Олмос тоғида. Чуст, Туракурғон туманида яшайдилар.

Олмос қабил аруги жуда қадим тарихга эга булган, Ўзбек халқининг бурунги утрок, эски туркий-ўзбек туркумига кирадиган халқ.

Олмослар келиб чиқиши, тарқалиши тарихи Ўрта Осиёнинг жуда қадимги ер эгалари булган, утрок халқи яъни қадимги араб манбасидаги номи “Худикент”, “Худайкент” бўлган Ўзбекча номи эса Шохрухия давлати одамлари билан ҳамда ҳозирги Тошкент воҳаси, Оҳангарон, Ангрэн, Қамчик тоғи ҳудудида булган қадим “ТУНКЕНТ”, “ҲАРАШКЕНТ” қадимги яъни Илоқ давлати ва “КАНКА ТЕПА” яъни Канка давлатлари халқи Ахурамазда динига эътиқод қилишган, яъни одамзодга идрок берган ақл худосига сизинган, ёлгондан хазар қилувчи ва ёлгон гуноҳидан қурқишдан иборат қадимги динга эътиқод соҳиблари, шунингдек ёлгондан хазар қилиш қадим одати бор бўлган мазкур қабилалар ва кейинчалик муқаддас китоби “Авесто” булган зардуштийлик динига сизинган қабил адамлари яшаган даврдан мавжуд бўлган “Қанқа”, “Қанғ”, “Қанҳа”, хитойча талаффузда “Қангюй”, “Канджуй” Канка, Илоқ “Элоқ” қадимги давлатлар аҳолисидир, кейинроқ давр сурган, бутун дунёни ўз ҳарбий юришлари забт қилган давлатлари билан машҳур булган Олмос, Барлос, Чиноз, Балх, Ахча хонлиги буюк империяси жангари одамлари билан боғлиқдир.

Тошкент вилояти Ўзбекистондаги барча вилоятларнинг ичида ягона маркази. Республиканинг пойтахт вилояти, деб расмий белгиланган.

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятининг географик ҳудуди уртасида, Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахти жойлашган.

Тошкент пойтахтини ён-биқинида 20 километр нарида пойтахтга қушни бўлиб бизнинг Янгийул шаҳри, эски қадим номи “**Эски қовунчи**” булган шаҳар жойлашган.

Аслида ҳозирги Тошкентнинг ёши эндигина 2200 йилга тўлди холос, “**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ**” яъни ҳақиқий эски Тошкент бу ҳозирги Тошкент вилояти еридаги ҳудудда жойлашган эди ва уни ёши ҳозирги вақтга келиб, 15000 йилдан ошади.

Халқаро микёсидаги 1970-1972 йилларда олиб борилган археологик тарихий экспедиция натижаси бўйича СССР Фанлар Академияси этнография тарих институти илмий изланиши ва ЎзССР археология тарих институти илмий текшириши натижасида 1973 йил 10 апрель кун итказилган тарихий илмий сессиясида олимлар В.П.Яйленко, Д.Г.Зильпер ва Ю.Ф.Буряковлар томонидан қуйида баён қилинган тарихий манбалар исботлаб, асосланган.

Эски қадимги Тошкент аслида Чиноздан то Эркингача бўлган, уни ичида Чиначкент, Чоч тепа «Шош тепа», Эшонгузар, Беш қўрғон. ҳамда ҳозирги Ногайқўрғондаги ҳудуд қадимги Банункет яъни КУҒАИТ ТЕПЕ бўлганлиги, қадим номи ЗИЛТИКЕНТ яъни Занги Ота қўрғони, Урта овул, Саид ота қишлоғи, Нов қишлоғидаги Ихлос ота қадимги қўрғони, Тахта-куприк қишлоғи, ҳозирги Янгийул урнида булган қадимги Дафнакент-ДАИФЕГАНКЕНТ шаҳри, яъни айнан Новдаги “Йуғон тепа” археологик тарихий маскани, “Эски қовунчи” қўрғони бор эди холос, қадимдан Оқ қўрғон ва Янгийул ерлари ҳудудидаги утмишда машҳур **Шохрухия давлати** бўлган ва бу жойда Амир Темур ўғли Шохрух шу жойда шоҳ булган экан.

Ҳозирги Янгийул билан Чиначкент-Чиноз уртасидаги “Пахта” қишлоғи бор, мана шуни урнида айнан қадимги номи

ШУТУРКЕТ, ШУТУР КЕНТ, Чиноздан Эркингача ҳудуд Уртасида яъни Эски Тошкент пайдо булган, бу юқорида номлари курсатилган археолог олим ва тарихчи мутахассислар томонидан исботланган.

Сирдарё буйи киргоғидаги ЧИНАЧКЕТ яъни Чинакент ҳозирги Чиноз шаҳридан то Шош тепа маконигача бўлган ораликда, Занги Ота, Урта овул кўргони, ҳозирги Оккўргон тумани, “ҚОВУНЧИ”, ТАХТА КЎПРИК, НОВ ҳозирги Янгийул. Чиноз туманлари ҳудуди жойларида қадимги машҳур Шохрухия давлати булган, ваҳоланки бизнинг Тошкент вилоятимиз илк бор пайдо бўлган даврда, бу ҳозирги янги Тошкент шаҳар мутлақо булмаган эди!!!

Қадимда Чиноз шаҳридаги Сирдарё бўйидан то Ангрндаги Қамчиқ тоғли катта довонгача булган ҳудудда Илок давлати, Канка давлати ва Шохрухия давлатлари бўлган эди.

Қадимги эски Тошкент асл жойлашган ҳудуд бу Сирдарё бўйидаги Чиноздан Занги ота ва Чош тепа ерларигача бўлган ҳудуд урнида булганлиги бу буюк тарихимиздан маълум исбот талаб этилмайдиган, илмий изланиб текширилган археологик ҳолат.

Қадимги Чоч-Шош-Шошкент-Бинакент яъни ҳозирги Тошкент уша даврларда ҳозирги Тошкент вилояти воҳасидаги ерлар ўрнида, ҳамда уларга туташ юқорида тоғли Қамчиқ довоннинг тепасида Олмос тоғи атрофидаги Сирдарёнинг бошланиши жойида буюк Ахсикент шаҳар, Ахси хонлиги, яъни эски номи Ахча кент булган давлати мавжуд эди.

Урта Осиёга араб халифалиги уз истилоси билан кириб келгач, маҳаллий туркий узбек халқи мусулмон динини қабул қилиб утгач араб, эрон, ироқ, курд, албанларга яъни язид, зазалар, гар-гарлар, асслар, яссавийлар, оссурийларга генлари этногенез равишда аралашган.

Дунёга машҳур курд қабиласидан чиққан кучли қори инсон бўлган, унинг исми Абдул Босит Муҳаммаддир. У 1927 йил Мисрнинг Зухур шаҳар-районида туғилган, 1988 йилда вафот этган. 1970 йил Куръон уқиш буйича дунё миқёсида “Хофиз” мақоми берилган ва у инсон уч қарра жаҳон чемпиони бўлган.

Аслида Олмослар қадим азалдан бегона юрт ва узга қабиладан ҳеч қачон келин олишмаган.

Олмослар қадим утмишда тақдир тақазоси билан баъзи қабилла қовми узга эллат қабилалардан келин олиб, бегона қабилла қизларига уйланиш ва қизларни бегоналарга келинликка узатиш оқибатида бошқа қабилалар яъни уруғ қони айнан араб, эрони, албан ва курд-язидларга қисман араллашиб қолган.

Аммо азалдан уз урф-одатларига содиқ ҳолда риоя қилиб келадиган асл зода қовми уруғлар бор. Олмосларнинг алоҳида тоғлик феъл атворлари ажралиб туради, ёмонлик қилганлардан хунини олиш қасоскорлиги, айниқса қайсар-кийикликлари ва тажанг-ужарликлари, миллий урф-одатларига қура бегонадан келин олишмаган ва келинликка бегона қабиллага қизларини беришмаганлиги, қилич, қурол-аслаҳаларга уч бўлишлари, маҳоратли чавандозликлари, от минишга жуда усталиклари билан алоҳида ажралиб туради. Тана қиёфаларида гавдали баланд бўйли қоматдаги савлатдор бўлишгани, юз қуринишларида шу эрони-арабий ва курд миллат эллатларига хос туташ қора қош, қора соч, қирра бурун чеҳра қиёфаси ҳамон сақланиб қолган.

Айнан бурунги даврдан тупроқ ер сирини яхши биладиган одамлар олмослар, боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвадорликда улардан устун ийуқ, айниқса, темирчилик-пичоқчи ҳунарида ҳамда савдогарчилик бобида ҳам нуфузи юқори халқ.

Ахсикент, Олмос, Ахча масканлари қадим утмишдаги Қамчиқ ва унинг атрофида ҳукм сурган буюк “Давалъ-Довон” номли давлатнинг эгаллик ерлари ҳудуди маркази бўлган.

Ёш болалигимдан қариялар орасидаги давраларда эшитар эдим, Олмос тоғи номи бир вақтнинг узида параллел ҳолда «Парийлар макони», «Фаришталар қургони» деган ном эскидан бор эди, қизиқиб сабабини кидирганимда тарихий шарҳ, изоҳларни куриб чиқиб таҳлил қилгач, Олмос “Алмас” Тибет тилида тоғдаги фаришта маъносини англатади дейилганлиги тарихий лугатлардан маълум булди.

Аслида жуда қадим замонларда Урта Осиё ҳудудлари ва айнан Ўзбекистон ерлари илк бор, доимий утрок ер эгалари Тибет халқи ва уларнинг ерлари булганлиги исботланган ва бу халқ утмишда бутларга сиғинганлигидан далолат археологик топилма лавҳалар куплаб топилган эди. Тибетлик руҳоний монахлар ҳақидаги китобларда ёзилишича чўлда ва тоғда кимсасиз йўлда учрайдиган оқ бўрини ҳам Алмос номи билан аташган.

Қадимги Албанияда Кавказ халқи адабиётида, фольклор санъати сўзларидаги «Алмос» сузи шу кунларда ҳам «фаришта», «қор одами» терминлари урнида ишлатишади.

Олмос қургони номига асос Олмос тоғида қадимдан бебаҳо тошлар, олтин, пулат, уран ва бошқа конлар табиий рудалар кўплиги ҳозир ҳам ёпиқ шахталар сақлангани сабабли шундай таъриф беришар эди. Мазкур шарҳ ҳам асосли деб ҳисоблайман.

Дунёда фақатгина Ҳиндистондагина ва Олмос, Ахча, Имом ота қургонлари ер ости, тоғ остидагина мавжуд қаттиқ руда пулат тури булиб, ундан қурол-аслаҳа ясовчи қурол-созлар томонидан ясалган, қадимги узининг синмайдиган Ахсикент қиличлари билан машҳур халқ - бу олмосликлар бўлади, кейинчалик бу қиличларнинг номи узгарганлиги, айнан Сурия араблари бош харидор булиб, уларни олиб кетиб, бутун дунёга сотганлиги сабаб, натижада харидорбоб

Дамашқ пулати ва Дамашқ қиличлари номи билан бутун дунёга ҳозирги кунгача машҳур булган бу қиличлар аслида Ахсикент қиличлари эканлиги исботланган.

Олмос қўргонининг тарихий бир жихати утмишда Подшоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур усиб улғайган жой Ахсикент давлат хонлиги ҳудудида, яъни Темурийлар, Бобурийлар авлодлари ерида жойлашган қўргон маконлардан булади.

Ушбу маскан 2 та дарёлар, яъни Норин дарёси, ҳамда Қора дарё кўшилиб, нағижада Сирдарё бошланғич оқими пайдо булган дарёни бош ўзанидаги жой.

Бу хонлик саройида буюк шоир подшоҳ саркарда Бобур катта булган, унинг отаси шу саройида вафот этган жой. Ахсикентнинг дунёга машҳурлиги, уша даврда донғи дунёга таралганлигининг асосий сабаби дунёда кўп бўлган жанг майдонларидаги жангларда Ахсикент қиличлари ҳеч синмайдиган металлдан яратилганлиги булган экан.

Мана шу дамашқ қиличлари аслида бу бизнинг Олмос тоғидаги Ахсикент олмос қиличларидир!!!

Синмайдиган бу қилич Олмос тупроғидан олинган уран рудасидан эритиб ажратилиб яратилган пулатдан ишланган, унинг ватани Олмос ва Ахча булади.

1 июль 2011 йил «Наманганская правда» газетасида чоп этилган «Дамасская сталь – родом из Ахсикента» сарлавҳали мақолада юқоридаги фикрларнинг тарихий исботлари келтирилган. Шунингдек, Россия Фанлар Академияси Ахборот маркази томонидан чоп этилган илмий мақолаларда Ярославльнинг Успенский собор яқинида қадимги жанг майдонидаги қазилмаларида экспедициялар олмос қиличи, ахсикент қиличи топганлиги ёритилган. 2006 йилда Асия Инговати ва Владимир Завъяловлар томонидан тадқиқот ва экспертизалар олиб борилганлиги қайд этилган. Маълумотларга кўра Дамашқ Олмос қиличи айнан Ахсикентда айнан шу

ерининг тууроғидан ишлаганлиги Франция олимлари билан тадқиқотларда ишотланган. Бу хақида «Наука и жизнь» журналида «В России в первые нашли саблю из среднеазиатской тигельной стали «булат» - «тигельной» сарлавха остида мақола чоп этилган.

Ахча хонлиги тарихимизда Сохибқирон Амир Темур тарафдори бўлиб жанг қилган, Темур лашқарини жангчилар билан таъминлаган хонлик давлати бўлган.

Бутун дунёни яримини забт этган Амир Темурнинг подшолик тахтига утириш коронация, тож кийдирилган маросими Ахча қалъаси Балх саройида утказилган.

Қадимги Урта Осиёдаги давлатлар, Ўзбекистондан олдин-Туркистон, ундан олдин Мавороуннахр-Сугдиёна-Марғиёна бўлган даврда (ҳозирги Афғонистон 1922 йилгача мутлақо бўлмаган) Афғонистон ҳудуди Ўзбекларники бўлган ва Ахча шаҳри (Балх шаҳри) Ахча хонлиги пойтахти бўлган. Ўзбекларнинг қадимги утрок қабиласи «чораймоқлар» жамшидлар, темурийлар, хазарийлар, порсивойлар, порсилар, порсивонлар шаҳарларидан Қозоғистондаги Кукча (Балхаш) қулигача, Марғилондан Хитойгача, Туркиядан Кавказгача, Туркменистондан то Озарбайжоннинг Қорабоғи Нахичевангача бориб босиб олган ва бошқарган қадимги подшоҳлик «Оқ қуйинлу» Ақча-Ахча хонлиги жангчи аждодлари булади. Улар мазкур ҳудудда жойлашган Олмос қургони ва Ахча маконидан бутун Ислом дунёсига лашқар жангарилар бўлиб хизмат қилиб Эрон, Курдистон, Кавказ, Балқария, Адигея, Черкесия, Абхазия, Доғистон, Осетия, Озарбайжон, Нахичеван, Арабистон, Сурия, Туркия, Афғонистон, Мисргача жанг қилиб боришган.

Хожаназар Ҳувайдо “Девон” номли китобида (36-бет) узининг порсилардан эканлигини шеърини тарзда ифодалаб ёзиб қолдирган.

Хумори чашм сокийн дилоромим баен килсам,
Май ичмай булғуси ҳар гўшадин масғоналар пайдо.

Сан эй зоҳид, бугун майхураларни айбини килма,
Биров масжид бию айлар, биров майхоналар пайдо.

Саропо дард эрурман, лек дармонин тополмасман,
Лабимдин бўлди бағрим гармидин ган жолалар пайдо.

Ае боли сабо, еткур Хувайлодин бу нишони,
Юрак зардобидин килдим санамга номалар пайдо

30

Дарди ғамига ҳаргин килма даво, Хувайло,
Ичгил майи муҳаббат бемуддао, Хувайло

Зухд айла, килма тақво, майхуралик широт,
Майхонада муким ул, килма рис, Хувайло.

Ишқу муҳаббат ичра уллуни, муборак улсуни,
Шарти муҳаббат улдур булмоқ фано, Хувайло

Минг уқбаи пур ошуб ишқинг йулида бордур,
Ё ҳодийал-музиллин, дер ахадно, Хувайло

Хайра гламан, ни оро, йук кудда ихтиерим,
Сармоя йук кудумда, ғайри ризо, Хувайло.

Ғар тавфи Каъба килмоқ, эй кунгдум, истор эсанг,
Кил тавфи каъбаи дил, ди порҳо Хувайло

Ишқиди бир санамни девона булмасайди,
Васфига килмас эрдим тил ошино, Хувайло.

Олмослар ва ахчалар қабиласи Урта Осиёмизга тарқалган исломий авлиё Низор. Назарлар қабиласи, ҳамда Фотима она наслига қондошдир.

Ахча қургони билан Олмос қургони уртасида айнан Олмос тоғида эски Имом ота қишлоғи бор. Ҳозир шу маскан номи «Парда Турсун» адиб шоир номида. шу жойга С.А.В. Мухаммад пайғамбаримизнинг эвараси Имому Зайнубиддин дафн этилган мақбараси ва унга яқин юқоридаги тепада пайғамбар чевараси “АСВОР” Сасвор Ғози зиёратгоҳи бор, улар пайғамбарнинг кизи Фотима онанинг авлодларидир.

Ушбу масканга Олмос қургонига ён қушни Ола Буқа худудида Шоҳ Фозил ва Сафед Булан зиёратгоҳлари ҳам мавжуд. Ола буқада Арчамозор тоғида II асрда қурилган қадимги мақбаралар сақланиб қолган.

Қадимда шу жойлар, айнан, Урта Осиёга Александр Македонскийнинг ҳарбий қилган ҳужумларида етиб келган охирги ва сак-тиграхаудлар, яъни маҳаллий қамчиқ, олмос, ола буқа қабилалари жангариларига қучи етмаган ва жангда мағлуб бўлиб қолган лашкарлари билан орқага қайтган, чекинган жой эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бу маълумотларнинг исботи сифатида Арчамозорда сақланиб келаётган гранит тошга грекча “Александрия Эсхат” деб уйиб ёзилган, маъноси “Александриянинг Охири” ёзувлари келтириш мумкин.

Сафед (Исбурд) Булан бу юртларга Мухаммад пайғамбаримизнинг энг суюкли набираси, ислом динини тарғиб қилиб келган Шоҳ Жалил лашкарбоши, хожасининг изидан келган.

Маҳаллий жангарилар ислом лашкарлари жума номозини уқиб турганларида уларнинг қурол ярқисиз эканлигидан фойдаланиб ҳужум қилади ва бу киргинда 2770 га яқин ислом жангчилари қатл этилади.

Булан якка узи барча ҳалок бўлган ислом жангчиларини исломий қондаларга биноан ювиб, кумади. Уша жангларда омон сақланиб қолган ягона мачитнинг номи “Қиргин мачит” деб аталади.

Шоҳ Жалил лашкарбошининг угли Маҳмуд ибн Носир (Шоҳ Фозил) шу юртда туғилган ва Фарғонага ҳоким бўлган. Шоҳ Жалил лашкарбошининг ҳам шу масканда қабри мавжуд.

Бу ҳудуддаги қадамжолар Юнеско рўйхатига киритилган. Шоҳ Ҳаким Халиса 1811 йилда шу улуг инсонлар ва муқаддас қадамжолар ҳақида уз китобида ёзиб қолдирган.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг 89.833.3400 оят сураларида «Аз-ЗУҲР уф», 55, 342.1420.3 оят сураларида Ал-Қамар осмондаги ой маъноси /«Аш-Шамс» осмондаги кўёш маъноси / ҳақида ёзилган булиб, шунингдек, Қуръони Каримнинг 73-сурасида ва 20, 285, 838, 2 сура ва оятларида «Ал-Музз аммз, Ал-Музз» ҳақида батафсил маълумотлар ёритилган.

Бутун дунёда барча юртларда мусулмон миллат эллатлар жуда кўп ва улар турли узларига тегишли ёхуд бегона исмлар куйишади, аммо фақат яққою ягона Олмос қабиласидан тарқалган уруғ вакиллари авлодларигина Зухур, Зуфар исмларини қуйиб келишган, шу исмларни фақат Олмослар қуйишади доимий-абдий, Ўз аجدодлардан авлодларига васий ҳамда ворис исм қилиб, ҳар насл авлодда қайтадан такрорий равишда, мерос қилиб қуйиб келинадиган исмлари. Одамзод пайдо бўлган даврдан бери уларнинг қадимги асл келиб чиққан қадимги ватанини англашиб турадиган исмлари бу, қадим замонда қайси тупроқ еру шаҳардан тарқганини эсдан чиқармасликлари учун қуйилади. Шу мақсадда Олмосларнинг асл қabila юртини умрбод эслатиб турадиган исмлари бу асосан Зухур, Зуфар, Назар бўлиб, бу исмларга баъзида Имом, Ғойиб исмларни қўшимча қилиб от қуйишиб, Олмос қабиласи асл келиб чиққан қадимги ватанларини номини доимо хотиралаб, абдийлаштиришади.

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи” китобида Зухур сузининг келиб чиқиши ва луғавий маънолари батафсил ёритилган. (китобдан парчалар келтирилган).

эътиборлидир. Чунки жавонмардлик ёки футувват деганимизда куз оддимиёга аввало жисмонан бақувват, тоғини ўрса талкон қиладиган паҳлавонлар, куч-қудрати охиб-тошиб ётган йигитлар келади. Албатта, куч-қувват бўлмаса, шижоат ҳам, қахрамонлик ҳам содир бўлиши қийин. Лекин фақат дағал жисмоний кучнинг училиши жавонмард бўлишига кифоя эмас. Жавонмард кишининг жисмоний кучи унинг рудий маънавий етуқлиги билан мувофиқ келиши лозим. Шунда одам жисмоний кучини яхшилик тантанасига сарфлай олади, ожизларини химоя қиладди. Рухий-маънавий куч элти жисмоний кучдан афзал деб қаралган. Шу бопе Кошнфий рудий тарбияни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Рудий маънавий камолот намунали ахлоқ билан ажралиб туриш демак «Футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтилади», — дея таърифини давом эттиради Кошнфий, — шу ваджанким, бундай одам хамини ахлоқи билан хз касбдошлари, тонфа-табақаси орасида мумтоз бўлади». Хуллас, жавонмард барчанинг севимли кишиси, барчага намуна бўладиган эзгу сифатли инсон. Шунинг учун умумлаштириб айтганда, «футувват» инсоний фитва (нури зуҳурининг) нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб утишидан иборат бўлмоғи керак. Жавонмард элдан яширин бирор нин қилмайди, одамларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишни улуғ бахт деб уилайди.

«...» и худдинг ила махбуб бул.
 Жаннат боғига бул бошловчи шудир, эй дил.

Футувват кунгил кузини равшан этади, жон боғини сафо офтоби билан парвариш қиладди. Футувват ақлга вачо қилишни, барчани ўзидан афзал билни я узини ҳеч кимдан юқори қўнмасликка ўргатади. Футувват тақаллуфни тарк этмоқ ва уйда инма бўлса, меҳмон учун ҳозир қилмоқдир:

Боримизни меҳр дастурдонига ҳозир айтадик,
 Герчи арда полию сирьодни уга мар а йск

Ҳа, тақаллуфдан анонийат (маиманлик)нинг ҳиди келади, футувватнинг қуввати эса манмаиллик ва тақаб-бурилишни талк эттишдан ҳосил бўлади: «Худбинлик» — худпарастлик эмас, балки худпарастликдир:

Воқеан, муъжиза ва кароматларнинг ҳаммаси Аллоҳдан, зеро дунёнинг узи, унинг беҳисоб ажойибозодлари, пилму ҳикмати, сиру-асрори неки бор, барча барча Халиқ азалининг яратгани, унинг ижоди, қарами, тухфасидир. Ва бу беоён қарам денгизининг энг ноёб муъжизаси Иисонининг узи. Қуръони қаримда «Валакаъ караманно бани адам (Одам болаларининг муқаррам қилиб яратдик)» деб айтилган-ку!

Шунинг учун пайғамбарларнинг, валийларининг муъжиза ва кароматларини Халиқ азол қудратининг иссон орқали намойи булиши деб англамоғимиз керак. Арабча «каромат» сузининг таройиб, муъжизадан ташқари яна саховат, шараф, қадр-қиммат, олийжанлик, олийҳимматлик каби маънолари ҳам бор. Қаромат сузан тасаввуфда кашф, мукошафа сузалари билан маънодеш булиб келади. Кашф — беркидан, парда орқидати парса-
шунинг муқаддаслиги билан яшайди. Кайсарий деган шайхнинг сузи: «Кашф парданинг кутарилиши, суфийлар парда орқасидан елларин билши, хабардор булишини кашф дейдилар». Маъфияликнинг ошкор булиши, гайб воқеаларининг айтганини ҳам кашфга кирди. Мукошафа олатда сезгилардан ташқари бир ҳолатда юз беради, қалб туридаги аллақандай сирли идрок булининг очилиши бу.

Кашфу каромат билан саховат ва қарам сузаларининг маънодеш булиб келишига сабаб шуки, пайғамбар муъжизаси, шайхнинг қаромати ҳам Илоҳ таъжизаси булган. Бу ҳақда аълоиниёти ва саховатидир. Қароматиди одам фанни, одам, асмак, у вақоғиди, яратувчи, ошадкор одамдир. Бугун одам қарам ва қаромат нури билан боқайдир. Халиқиятдан таралган энгудик нурининг тажаллиси билан мушоардир. Улуғ шайх Жувайд Баллодий таърифи билан айтсак, тасаввуфнинг узи ҳам бутун оламни Қарам ичра қурмоқдир. Жувайд Баллодийдан тасаввуф нима деб сураганларда у жавабда «Билмадим» деб жавоб берган. Сунгра қушиб қуйган: «Хулқу қарим яхират қарим фи қумчи қарим мин ражли қарим байна қалму қарим» (Яъни: шундай бир қарим ҳуқуқиди, у қаримдан қарим омонда қарим қарим аро қарим сунчи ҳовил булур). Мана сизга тасаввуфнинг таърифи! Демак, бутун маъна қарам ва қарамликдидир. Жувайд қарам ва қароматни жуда кенг маънода олиб қарайди. Бу тушунча орқали у гуё оруздаги бир оламни таърифлаган. Яъни: шундай бир замон бул-

Олмос қабиласи асл келиб чикқан қадимги ватанларини номини яъни Сурия Арабистонидаги Дамасқ шаҳри яқинидаги Идлиб ва Мосул шаҳрига қўшни булган “Зухур” шаҳри, яъни арабча талаффузи “Абу-эд-Духур” ва “Зуфар” шаҳарлари ва Эрон, Ироқ, Курдистон чегарасида жойлашган “Олмос” яъни арабий-форсча талаффузда “Салмас” шаҳри номини донмо хотирлаб, абадийлаштириб келишади!!!

Олмос номи Сурия Арабистонидаги Аль-Мосул шаҳри номи билан ҳам қадим тарихий жихатдан боғлиқ булиб, айнан шу сўздан Ал-Мосулликлар халқи деб кичкароқ “АЛЬ-МОС”лар деб таърифлашган.

Сурия араблари Идлиб, Дамасқ-“ДАМАШҚ” шаҳарлари яқинида жойлашган ЗУХУР шаҳри ва ЗУФАР шаҳарларидаги, Мисрнинг Зухур шаҳридаги эски арабийларга, курдларга яъни язидларга, эски ирокий, эроний ва Сурия арабларига, “Сурияликлар”нинг қадимги қабиләю уруғларига, таниқли сулолаларига ва Эрондаги Курдистон курдларига, Ироқнинг чегарасидаги Курдистон курдларига, Азербайжон давлатига бир қисми утиб қолган Курдистон курдларига тегишли ҳудуд макон яқинидаги қадимги Олмос ва Хой хонлиқлар урнидаги Салмас, Хой шаҳарлари яъни уларни маҳаллий талаффузида “САЛМАС” аслида Олмос шаҳридир.

Шунингдек, Озарбайжон билан Эронни уртасида Олмос макони ҳудуди Масалли шаҳри бор. Унда мосул массал қабиласи яшайди, яъни булар асли мосуллик халқ дегани. Олмосга қондон қабилалар ПАЛИШ, ЭРОНИ ВА ОЗАРБАЙЖОНЛАР ЯШАЙДИ. Қадимдан ва ҳозирги кунда ҳам Олмос макони ҳудудида Палиш хонлиги булган, Палиш тоғи, Каспий денгизи Буровар тоғчўққиси, Аркиван, Аркеван, Данвенд номи жойлар мавжуд бўлган. 20 июль 2006 йил шу ерда яшовчи олмос қабиласининг вакили қарияси 82 ёшида фарзандлик булган. Шу ерда 16 асрда бунёд этилган Сайид Содик мақбараси мавжуд.

Олмосларни қадимги тарқалиш асосий илдизларидан бири Ироқ ва Курдистон уртасидаги Сулаймония, Эрондаги Эльбуре тоғидан то Кавказдаги Эльбурис тоғигача ва Эрон, Ироқ, Сурия Арабистони, Туркия, Озарбайжон чегаралари оралигидаги тоғли курдлар водийсига бориб тақалади.

ДУНЁ БУЙИЧА ЭНГ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ҚАБИЛАЛАР БАРЛОС ВА ЧИНОС ҲАҚИДА

Қадимги араб тарихчиси Рашид Ад-Дин, яна бир тарихчи Вандан Юмсуновларнинг барлослар ҳақида ёзган китобларидаги маълумотларга кура қадимги даврда Урта Осиё ерларидан бошлаб то Тибетгача ва Байкал ерларигача ҳудудларда яшаган эски қабилалар, қадим Тибет Шохини угли Баргу Батор “БОТИР” авлоди, Бойкулдаги қадимда Борте Чино хон булган даврдаги қабилаларга аралашган, Байкалнинг Хожар, Ольхон ороллари ва Бурхон тоғи, Сахюрт тоғи “Суглар юрти тоғи” гача яқин ерларда яшаган “ОҚ ҚУШ-Лебедь” рамзи бор бўлган. Худай, Ҳарғана ва Баргут “БУРИ’УТЛАР” қабиласига уруғдош. Бортэ-Чино қабилadoши булган баъзи қабилалар Хоридой-Мэрган, Добу-Мэрган, айнан Мерган ота, Алан Гоа, қабилла одамларидан келиб чиққан машхур қадимги “ШИНОС” – Чиноз, Барлос қабилалари халқи билан бизни Олмос қабиласи халқи узаро боғлиқ.

Ботир “Баргу Батор” хон вафотидан кейин баъзи неваралари уз қушини билан Хитой деворигача, Монголиянинг жанубига, ички Мугилистонга кучиб кетган. Шу уруғдан чиққан Чингисхон даврида эса Баргу Ботир невараларидан айнан Хорий, Хорин-Хоринийлар Эронга, Ироқнинг Найнов шаҳрига келишган. Бир қисми Миср, Туркия ва Исроилга ҳам кучиб борган. Бир қисми 1613 йилда Хоридой Мэрган акаси Бурядойни Бургут уруғи Бойкулнинг Забайкальсига қайтиб кетишган экан.

Тарихда дунёга Олтин авлод номи билан ном чиқарган бу Темуджинлар аслида шу Хори Бурёд, яъни бургут қабиласи авлодларидир, эрамиздан олдинги 2-асрнинг 612 йилларида Эрон Ироқ уларга тулик мустамлака булган ва ҳозирги машхур Мосул шаҳрини эски асл номи Мугил шаҳри булган. Сунгра қадимги Албания ҳозирги Кавказ улқасини тулик кулга олишган, ҳукмронлик қилиб давр сурган ҳамда туркий

ковмлар, могол, барлос, Чиноз, курд-язид, зазалар қабиласи йигитларидан иборат жангчилари маҳаллий албан ва туман қабила қизларига уйланиб, шу маҳаллий эллатга аралашиб, ушбу туркий қони бор булган жангчилардан ва эрони. ироқи жангчилари форсий қабила йигитлари яъни алан, авар қабилалари қони борлардан ҳозирги Чеченистон. Ичкерия, Ингушетия, Догистон, Кабардиния, Балқария, Черкесия, Осетия, Адигея, Карачаевский улқаси, Абхазия тарқалган, эллат-миллатлари пайдо булган. Айнан уша даврда Ироқ жангариларига утроқ халқ аралашиб эски троян, грек, испан, италянларга аралаш булган маҳаллий аҳолидан гуржилар Гуржистон эллоти, яъни Грузия миллати пайдо булган.

Чингисхон айнан шу Темужин авлоди фарзанди булган. Темужинлардан ажралиб чиққан авлод уруғи бу Бури Тэгинлар, яъни Боржигинлардир маъноси Бурилар шахзодаси дегани. Мерган ота қабила боши булган, ундан 5 та ака-ука қадимги машхур жангари уруғлар тарқалган:

1. **БАРЛОС**, яъни **Амир Темур чиққан уруғ**, ҳозир Барлослар уруғлари Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари тоғли маконларида яшайдилар.

2. **ШИНОС**, Чиноз, Чонос. Шонос, Шонод чиққан яъни жангари жангчи булган Чинозлар, ҳозирги вақтда қадимги Чиноз қабилалари Тошкент вилоятида Чиноз тумани ва уни таркибидаги Чиноз шахрида сақланиб қолган.

Улардан чиққан қадимги **Албания булган бу ҳозирги Кавказ улқаси**, Албан дегани, таржимаси бу эркин, озод одам, буйсинмас одамлар маъносини билдиради. Шу ҳудудда 13-асрда қадимги **Шиназ яъни Чиноз шахри** қадим Лакзан давлати, яъни Лакзистонда булган эди. Лакзлар, Цези-Дидойлар аслида Эроний сасанидлардан чиққан албанлар асл теги, Аварлардан ҳам чиққан, дидоилар ҳазил тушунмас, ҳазил кутармайдиган қабила одамлари ҳозирги Лезгинлар, уларни пойтахт шахри булган Шиназ, уша даврда

уларни қозиси мулла-кади **Батлухий Шуанб “ШОАЙУБ”** исмли одам, сулоласи номи **Билад-ЛАКЗ** Аглабидлар булган. дидойлар боши **Ҳарҳарилава** исмли одам бўлган.

Улар ҳақида 1089-1090 йилларда **Йусуф Аль Лакзи** исмли тарихчи “**Дийа-Амир**” номли китобида баён қилган.

Тарихчи **Ал-Казвиний Чиноз-Шиназ** цахурлари ҳақида “**Мухтасар Аль-Музани**” китобида, **Имом аш-Шофий** тарих китобларида ёзилган.

Тарихчи араб **Маъсуд ибн “НОМДОР” Намдар-Курд** 12-асрда ёзган тарих китобида, шунингдек **Балах-Булах “Балх булоги”** маънодаги шаҳар ҳозирги **Белоканы** шаҳри булиб бу жойни утмишда 1319 йилларда **Ўзбек Хон** босиб қулга киритган, деб кайд этилган. Ундан ташқари тарихчилар **Аль-Куртобий, Ибн Аль-Асир, Ат-Табарийлар** ҳам уз китобларида **Алан, Албан** тарихини батафсил ёритишган.

3. **ҚИЯТ.** яъни **Хабул** уруғ боши. **Есугай Баҳодир** чикқан, бу одам **Буюк саркарда Шох Чингисхоннинг катта дadasи булган.**

4. **ҚИЯТ БОРДЖИГИН** уруғи чикқан. яъни **Бурилар** қабиласи, **Бурийлар, бурихонлар, бурихужалар, Тайшалар, тейша, тойша** /маъноси қабила боши, оқсоқол, дохо, хон, бек маъноси унвон, насаб, мансаб дегани муғилларда/ **Тож** исмли авлодлар, **Той** исмли авлодлар, **Бури** исмли авлодлар шулардан тарқалган.

5. **ХАБИЧИ БОТИР** авлоди. яъни 970 йилдан бошлаб тарихий машҳур жангари қабила **БУҚА**лар авлоди ва яна **Хачи Хулэг, Хачи Кулюк, “КҮЙЛИК”лар** қабила уруғи ҳам шулардан тарқалган. Айнан **Чингизларни Арканут** уруғи кун асрлар эгалик қилган жойлар бу **Ангрендан то Ола Буқа ва Қамчиқ, Олмос** ҳудудлари булган тарихий жараёнлар ҳам дунё тарихида акс этган.

Ҳозирги **Тошкент** вилоятида ҳам қадимдан сақланиб қолган **Буқа** шаҳри бор. **Тошкентдаги Чимён тоғи билан Олмос тоғи** орасида жойлашган. **Бурчмулла** чегара зонаси

орқали Худойидодга утгач Ола Буқа бошланади, яъни Қамчик довонидаги Эртошдан чиққанимизда Арабшо тоғи ва Арабшо булоғи орқали утилганда, водий тарафдан эса Чустдаги Олмосга яқин қушни тоғли чегара худудда ҳозиргача қадимдан мавжуд бўлган ОЛА БУҚА вилояти ва Ола Буқа шаҳри бор. Бу ерда жуда катта араб исломий авлиёлар зиёратгоҳлари бор бўлиб, Туркистонга, яъни Ўзбекистонга қарашли ерлардир, аммо Советлар чегараларни нотўғри бўлганлиги оқибатида биз Туркий Ўзбекларни Ола Буқа шаҳри бегона юртга утиб қолиб кетган.

Хайду уруғидан ХОЧИ бўлган, уни уғли Борулатай, Хачули уғли Еке–Барула бўлган, унинг уғли Учуган-Барула бўлган, уни уғли БАРУЛАС яъни БАРЛОС бошланган, Барлосдан ТАРАҒАЙ авлоди чиққан, Амир Темурнинг отаси Ал Тарағай Баходир шу уруғдан бўлган, ундан эса Манғит, Чигатой, Тайджиут, Тайши-Тайшалар тарқалган. Той исмли номланган сулолалар авлодлар, Бури исмли авлодлар шулардан тарқалган.

Чингис-хан

Толуй

Хулугу

Ариг-буга

Авога

Клароут

Таргай

Текудер

Несту-Тавур

Мезин-Тавур

Аргун

Гайхату

Сута

Бейду

Албарга

Сарт-хан

Галик

Охтайту

Аларманг

Юсуф-хан

Али

Тинур

Суса

Абу Санд

Сати бек

Докхан Тавур

Сулейман

Муса

Ислауздуг

Ариа

?

Ануширван

СУРИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ОЛМОСЛИКЛАР ҲАҚИДА

Олмос номи Сурия Арабиستонидаги Аль-Мосул шахри номи билан ҳам қадим тарихий жиҳатдан боғлиқлиги ва курдлар водийсига ҳамда у ердаги қабилаларнинг келиб чиқишига бориб тақалишини юқорида келтирилган эди.

Кейинчалик мана шу эски Туркий-Ўзбекнинг Чиноз, барлослар, олмослар яъни чораймоқ қабиласи аймақларидан: жамшидлар, темурийлар, хазарэй-хазарийлар, порсивонлар, форсий ва шолар қабилалари билан ҳамда Ироқий, Эроний, Араблар билан савдо алоқалари туфайли, эрамиздан аввалги 15-аср охири 14-аср бошида қадимги Оссурия, яъни “ЖАЗИРА” (ҳозирги Алжир, Аль-Жазира асл номи маъноси ўзбекчада Аль-САИДА) давлатининг Ашшурпананал номи подшоҳи даврида арабилар Ўзбекистондаги Камчикдан то Қозоғистондаги Таласгача булган ҳудудларга келиб урнашган.

Утмишда Урта Осиёда энг Буюк, асосий қадимги давлат Хоразм Шоҳлиги бўлган даврда уни Ироқ ва Эрондан ҳамда Суриянинг Дамашқидан келган язид, курд жангчилари жанг орқали ишғол қилиб забт этиб, итоат қилдирган. Бу ҳолат “ҚОНЛИ ЯЗИД ЖАНГИ” ва қизил язид жанги воқеаси деб тарихда таърифланган ва Шарофиддин Али Яздий томонидан баён қилинган.

УРТА ОСИЁДАН ЧИҚИБ ДУНЁГА ТАРҚАЛГАН ЭНГ ҚАДИМГИ АЛВОН ҚАБИЛА ҲАҚИДА

Албаплар, яъни Алвон ҳақида тухталиб утсак, уларнинг қадимги тарихи ҳақида машҳур араб тарихчиси Истахрий X асрда узининг шунга оид китобида каганкатўйк, двин, мага-вус, партав, утик, калькитус шоҳлиги ҳақида батафсил ёзган.

